

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ВА АРХЕОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Zitāev, Khamid Zitāevich.

Х. ЗИЯЕВ

Urta Osië va Volga bii'lari

ЎРТА ОСИЁ ВА ВОЛГА БЎЙЛАРИ

(XVI асрнинг иккинчи ярми — XIX асрлар)

Масъул муҳаррир ЎзССР ФА корреспондент аъзоси,
профессор


Я. Ф. Фуломов

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЕТИ

ТОШКЕНТ. 1965

Мазкур асарда Урта Осиёнинг Волга бўйлари орқали Россия билан олиб борган сиёсий ва иқтисодий алоқалари ёритилган. Шунингдек, асарда Астраханда вужудга келган бухороликлар колонияси ҳақида гапирилади.

Асар илмий ходимлар, аспирант ва студентларга ҳамда Ўзбекистон ССР тарихи билан қизиқувчи кишиларга мўлжалланган.



98117

7786

КИРИШ

Урта Осиё узоқ даврлардан бери Эрон, Арабистон, Ҳиндистон, Афғонистон, Кавказ, Россия ва бошқа мамлакатлар билан иқтисодий, сиёсий, маданий алоқада бўлиб келган. Бу алоқалар халқларни бир-бирларига яқинлаштириш билан бирга ишлаб чиқариш, фан ва маданият ютуқларини ўзаро алмашишда ҳам муҳим роль ўйнади. Шунинг учун ҳам халқаро алоқалар ҳар бир мамлакат тарихининг ажралмас қисми ҳисобланади. Бусиз у ёки бу мамлакат халқларининг тарихи ҳақида тўла тасаввур ҳосил қилиш қийин. Шундай экан, кўп миллатли мамлакатимиз халқларининг узоқ асрлардан бери давом этиб келаётган иқтисодий, сиёсий, маданий алоқаларининг ривожланиш жараёнини ўрганиш илмий ва сиёсий аҳамиятга эгадир. Айниқса, рус бўлмаган халқларнинг рус халқи билан алоқалари тарихини ўрганиш ижтимоий фанлар олдида турган актуал проблемалар қаторига кирилади.

Кейинги ўн йил давомида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих ва археология институтида Урта Осиё билан Россия ўртасидаги алоқалар тарихини ўрганиш бўйича тадқиқот олиб борилиб, бир қатор илмий ишлар тайёрланди.

Мазкур асар авторнинг шу проблема соҳасида олиб бораётган илмий ишларининг иккинчи қисми ҳисобланиб, Урта Осиёнинг Волга бўйлари билан алоқасини ўз ичига олади. Маълумки, ишнинг биринчи қисмида Урта Осиё билан Сибирь ўртасидаги алоқалар ўрганилган¹.

Асарда XVI аср иккинчи ярми — XIX асрларда Урта Осиё билан рус давлати ўртасида Волга бўйлари орқали элчилик

¹ Ҳ. Зияев, Урта Осиё ва Сибирь (XVI—XIX асрлар). Масъул муҳаррир ЎзССР ФА корреспондент аъзоси Я. Ф. Гуломов, Тошкент, Ўз-фанакаднашр, 1962.

ва савдо алоқаларининг ўрнатиллиши ва ўсиш жараёнларини ўрганиш, уларнинг моҳиятини аниқлаш асосий вазифа қилиб қўйилди. Шунингдек, асарда алоқанинг ҳар икки томон учун аҳамияти ва натижалари баён этилади. Айни бир вақтда, ҳар икки томоннинг бир-бири билан танишиши ва яқинлашиши билан Астраханда ўрта осиеликлар колониясининг вужудга келиши ва унинг аҳолини ўрганишга эътибор берилди. Шунингдек, асарда баён этилган масалаларни ёритиш асосида Россия томонидан Ўрта Осиёнинг босиб олинлиши учун бу ерда ҳозирланган маълум заминни кўрсатишга ҳаракат қилинади.

* * *

Мазкур асарда қўйилган масалалар шу пайтгача яхлит тема сифатида махсус ўрганилган эмас. Революциядан олдинги авторларнинг ишларида бизни қизиқтирадиган томоннинг айрим масалалари ва йилларигина баён этилган. Бу соҳада аввало Н. Веселовскийнинг ишларини кўрсатиш лозим. У архив манбалари асосида XVII—XVIII асрларда ҳар икки томоннинг ўзаро алоқалари ҳақида айрим мақолалар ёзган².

Н. Веселовский ўз мақолаларида баъзи элчилар фаолиятини ёритган, холос. Масалан, унинг «Приём в России и отпуск среднеазиатских послов в XVII—XVIII столетиях» номли ишида Россияга келган Хива элчилари — Аваз Баҳодир (1636) билан Ортиқ Ботир Разумбеев (1739—1742) тўғрисида бир қанча ҳужжатлар келтирилиб, унга илова ёзилган. Иловада айрим ҳужжатларнинг нусхаси берилиши билан бирга, баъзи элчилар ҳақида умумий сўз юритилган. Н. Веселовскийнинг ишларида гарчи қимматли маълумотлар келтирилиб, элчилик муносабатларини ўрганиш масаласига маълум ҳисса қўшил-

² Н. Веселовский, Прием в России и отпуск среднеазиатских послов в XVII и XVIII столетиях. По документам Московского архива Министерства иностранных дел, журн. «Нар. просв.», 1884, кн. 7, стр. 69—105; е го же, Иван Данилович Хохлов — русский посланник в Персию и Бухару в XVII в. Мин. нар. просв., 1889, стр. 42—72; Он же, Посольство в Хиву Ивана Матвеевича Федотьева и его статейный список пребывания в Хиве 1669—1670 гг., «Туркестанские ведомости», 1882, № 20; Он же, Татарское влияние на русский посольский церемониал в Московский период русской истории, СПб., 1911.

Рус давлатининг Хива хонлиги билан алоқаси ҳақида Н. И. Веселовский «Очерки историко-географических сведений о Хивинском ханстве от древнейших времен до настоящего» (СПб., 1877), номли асарда ҳам гапиради.

ган бўлсада, бироқ уларда бир қатор нотўғри фикрлар олдинга сурилган. Унинг кўрсатишича, ўзаро алоқани жонлантиришга ўзбек хонликлари ҳаракат қилиб, рус давлати эса бунга бепарволик билан қараган. Ҳатто, рус давлатининг Ўрта Осиёни унутган даврлари бўлган эмиш³. Бошқачароқ қилиб айтганда, рус давлати Ўрта Осиё билан алоқа қилишдан манфаатдор бўлмаган. Шунингдек, Н. Веселовскийнинг фикрича, ўзбек хонликларидаги элчилар гарчи савдони ривожлантириш таклифлари билан Россияга келган бўлсалар-да, бироқ бу таклифлар баҳона бўлиб, амалда улар рус ҳукуматидан савгалар олиш учун келардилар⁴. Н. Веселовский ўзбек хонликларига юборилган рус элчиларининг асосий мақсади — у ердаги рус асирларини бўшатишдан иборат деб, бу масалада ҳам хатога йўл қўйган⁵.

Ўрта Осиёнинг рус давлати билан элчилик муносабатларини ўрганишда С. В. Жуковскийнинг асари⁶ алоҳида аҳамиятга эга. Бунда XVI—XIX асрлар давомида Астрахань, Сибирь ва Оренбург орқали қатнаган ҳар икки томон элчилари ҳақида қисқа ва умумий тушунча берилган. С. В. Жуковскийнинг кўрсатишича, у ўз асарига справочник характер беришга интилган. Шунинг учун ҳам ҳар икки томонга борган рус ва ўзбек хонликлари элчиларининг ҳаммасининг фаолияти ҳақида тўла маълумот бермайди. Бунинг устига элчилар вазифасига доир масалалар бўйича қўпол хатоликлар мавжуд. Масалан, асарда Ўрта Осиёга юборилган рус элчиларининг зиммасига асосан Ҳиндистонга борадиган савдо йўлини очиш ва рус асирларини озод этиш вазифаси юклатилган деб ишонтиришга ҳаракат қилинган⁷.

Шунингдек, С. В. Жуковский рус давлати Ўрта Осиё билан алоқа қилишга интилмаган, деган нотўғри фикрни айтган.

Н. В. Хаников⁸, В. А. Ульяницкий⁹, Н. Залесов¹⁰, А. Л. По-

³ Н. Веселовский, ўша асар, 1-бет.

⁴ Н. Веселовский, ўша асар, 2-бет.

⁵ Н. Веселовский, ўша асар, ўша бет.

⁶ С. В. Жуковский, Сношения России с Бухарой и Хивой за последнее трехсотлетие, Труды общества русских ориенталистов, Петроград, 1915, № 2.

⁷ С. В. Жуковский, ўша асар, 94-бет.

⁸ «Пояснительная записка к карте Аральского моря и Хивинского ханства с их окрестностями», ЗРГО, СПб., 1851, № 2.

⁹ В. А. Ульяницкий, Сношения России со Средней Азией и Индией в XVI—XVII вв. По документам Главного архива Министерства иностранных дел, М., 1889.

¹⁰ Н. Залесов, Очерк дипломатических сношений России с Бухарой с 1830 по 1843 гг. Военный сборник, 1862 № 27; Он же, Посольство в Хиву подполковника Данилевского в 1842 г., Туркестанский сборник, 1867.

пов¹¹, А. Шепелов¹² ва Г. Мейендорф¹³ каби авторларнинг илмий ишларида Урта Осиё билан Россия ўртасидаги алоқага доир масалалар тўла ёритилмаса-да, уларда бизни қизиқтирадиган айрим маълумотлар бор. Лекин бу илмий ишлардан танқидий фойдаланиш керак. Чунки уларда хато фикрларга йўл қўйилган. Жумладан, Н. В. Хаников ўз ишида рус давлати ҳеч қачон Урта Осиё билан алоқа қилишни мақсад қилиб қўймаган. У Ҳиндистонга суқулиб кириш учун Урта Осиёдан восита сифатида фойдаланишни кўзлаган, холос¹⁴, дейди.

Урта Осиё билан рус давлати алоқаси тарихини чинакам ўрганиш Октябрь социалистик революциясидан кейин бошланди. Совет тарихчилари марксизм-ленинизм таълимотлари асосида бир қатор қимматли ишлар қилдилар.. Бу соҳада А. Чулошников¹⁵, А. В. Панков¹⁶, Н. Фиолетов¹⁷, Е. В. Бунаков¹⁸, А. А. Семёнов¹⁹ ва А. Аминовлар²⁰нинг мақолалари диққатга сазовордир. Мазкур мақолаларда Урта Осиё билан рус давлатининг элчилиқ ва савдо-сотиқ алоқаларига доир айрим масалаларгина ёритилган. Шунга ўхшаш А. Муҳаммаджонов, Т. Нёзматов, Э. Ҳожиев, А. Соколов ва Г. Михайлова сингари авторларнинг ишлари ҳам бевосита бизнинг темамизга яқинлашмайди²¹.

¹¹ А. Л. Попов, Сношения России с Хивой и Бухарой при Петре Великом, Записки РГО, 1853, кн. IX.

¹² А. Шепелов, Очерк военных и дипломатических сношений России со Средней Азией до начала XIX в., 1895.

¹³ Г. Мейендорф, О бухарской торговле (из путешествия в Бухару барона Г. Мейендорфа в 1820 г.), «Журнал мануфактур и торговли», СПб., 1832, № 6.

¹⁴ Н. В. Хаников, ўша асар, 142-бет.

¹⁵ А. П. Чулошников, Торговля Московского государства со Средней Азией в XIV—XVIII вв., МИУТТ ССР, стр. 61—96.

¹⁶ А. В. Панков, К истории торговли Средней Азии с Россией в XVI—XVII вв., «В. И. Бартольд», Ташкент, 1927; Он же, К истории торговли Средней Азии с Россией в 1675—1676 гг., «Известия Среднеазиатского географического общества», т. XIX, Ташкент, 1929.

¹⁷ Н. Фиолетов, Бухарское и Хивинское ханства и отношения их с Россией (XVI—XIX вв.), М., «Исторический журнал», 1941, № 3.

¹⁸ Е. В. Бунаков, К вопросу о сношениях России с среднеазиатскими ханствами в XIX в., журн. «Советское востоковедение», М.—Л., 1946, № 2.

¹⁹ А. А. Семёнов, К истории дипломатических сношений между Россией и Бухарой в начале XIX в., «Известия АН УзССР», 1951, № 1.

²⁰ А. Аминов, Экономические связи Узбекистана с Россией в XVI—XIX вв. Первая Всесоюзная конференция востоковедов. Тезисы докладов и сообщений, Ташкент, 1957; «XVI—XVII асрларда Урта Осиёнинг Россия билан тарихий ва иқтисодий алоқалари», Ташкент, 1959.

²¹ А. Муҳаммаджонов и Т. Нигматов, Некоторые источники по истории связей России с Бухарой и Хивой в первой четверти XIX в. (на узб. яз.), Ташкент, 1957; Э. Хаджиев, Усиление роли г. Ташкента

Бироқ улар Урта Осиё — Россия алоқаларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эгадир. М. В. Фехнер²² ўз асариди XVI асрда рус давлатининг Шарқ мамлакатлари, шу жумладан, Урта Осиё билан бўлган савдо алоқасини ёритган. Унинг фикрича, Фарбий Европага қараганда, Урта Осиё ва бошқа Шарқ мамлакатлари билан бўладиган савдо Россияда ишлаб чиқариш кучларининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатган. Бунга ҳар икки томон ўртасида асосан тайёр маҳсулотлар билан савдо қилиниши сабаб бўлган. Айни бир вақтда рус давлати Европага хом ашё молларини чиқариб, у ердан тайёр маҳсулот молларини олган. Бу Россияда ишлаб чиқариш кучларининг ўсишига тўсқинлик қиларди. Шарқ мамлакатлари билан Россия ўртасида эса тайёр маҳсулотлар алмашинарди. Шунинг учун ҳам рус давлати Шарқ мамлакатлари билан савдо қилишдан манфаатдор эди.

Кейинги йилларда Н. А. Халфин²³, М. К. Рожкова²⁴ ва Н. Г. Аполлова²⁵ларнинг асарлари нашр этилди. Н. А. Халфин XIX асрнинг 50—60-йилларида рус давлатининг Урта Осиёга нисбатан олиб борган сиёсатини тўғри ёритиб, Россия — Урта Осиё алоқасини ўрганишга катта ҳисса қўшди. М. К. Рожкованинг ишида ҳам XIX асрнинг 40—60-йилларида Урта Осиёнинг рус давлати билан олиб борган алоқасига доир қимматли маълумотлар ва фикрлар баён этилган. Шунингдек, асарда Урта Осиёнинг рус давлати томонидан босиб олинishi сабабларига эътибор берилган. Автор бу масалани ўрганиб, Урта Осиёнинг Англия томонидан босиб олинishi хавфи рус ҳукуматининг ҳарбий юриш бошлаб юборишига сабаб бўлганлигини ёзган. Шу билан баробар у бу ҳарбий юриш асосида иқтисодий манфаатдорлик борлигини уқтириб ўтган.

Н. Г. Аполлованинг асари гарчи рус-қозоқ алоқаларини ёритишга бағишланган бўлса-да, бироқ у, умуман, Урта Осиё-

в русско-среднеазиатских отношениях, «ИАН УзССР», СОН, Ташкент, 1960, № 6; Он же. Из истории торговых отношений между Ташкентом и Россией в XVIII—начале XIX в., «Общественные науки в Узбекистане», Ташкент, 1961, № 3; Ю. А. Соколов, Первое русское посольство в Ташкенте, «Вопросы истории», М., 1959, № 3; Г. А. Михайлова, Торговые и дипломатические связи России с Бухарским ханством через Оренбург в конце XVIII—начале XIX в. (рукопись канд. дисс.), Ташкент, 1963.

²² М. В. Фехнер, Торговля Русского государства со странами Востока в XVI веке, М., 1952.

²³ Н. А. Халфин, Политика России в Средней Азии (1857—1868), М., 1960 г.

²⁴ М. К. Рожкова, Экономические связи России со Средней Азией в 40—60 годах, М., 1963.

²⁵ Н. Г. Аполлова, Экономические и политические связи Казахстана с Россией в XVIII—начале XIX вв., М., 1960.

Россия алоқаларини ўрганишда муҳим роль ўйнайди. Бу соҳада М. И. Йўлдошев ишларини ҳам кўрсатиб ўтиш лозим²⁶. Унинг яқиндагина босилиб чиққан «XVI—XVII асрларда Ўрта Осиё — Россия ўртасидаги алоқалар» номли ишини кўрсатиб ўтиш лозим²⁷. Бунда Н. И. Веселовский, В. А. Ульяницкий, С. В. Жуковский каби буржуа историографияси вакилларининг хато фикрлари асосли равишда танқид қилинади. Китобда, асосан, элчилик муносабатлари ўрганилиб, унга ҳужжатлар нусхаси илова қилинган. Шунингдек, юқорида кўрсатилган ишларда қайд қилинган масалаларга ҳам кенг эътибор берилган. И. С. Брагинский, С. Ражабов ва В. А. Ромодиналар томонидан биргаликда ёзилган мақола²⁸ ҳам қизиқарли бўлиб, унда Ўрта Осиёнинг рус давлати томонидан эгалланиши ва бунинг объектив, прогрессив аҳамияти кўрсатилган. Шу жиҳатдан З. Ражабов²⁹, С. Ражабов³⁰ ва А. Қориевларнинг³¹ ишлари ҳам эътиборлидир.

Шундай қилиб, юқорида кўрсатилган ишларда Ўрта Осиёнинг Волга бўйлари билан бўлган алоқаси махсус ўрганилмаган. Бироқ шунга қарамай, Россия — Ўрта Осиё алоқаларига бағишланган асар ва мақолалар мазкур асарни ёзишда муҳим роль ўйнади. Шу пайтгача яратилган ишлар туфайли, Ўрта Осиё ва Волга бўйлари ўртасидаги алоқа тарихини бир бутун тема сифатида ва узоқ хронологик давр рамкасида ўрганиш мумкин бўлди.

Асар шу пайтгача илмий ишларга татбиқ этилмаган архив ҳужжатлари асосида ёзилди. Булардан фақат Москва архивларидаги элчилик алоқаларига доир маълумотлардан айрим асарлардагина фойдаланилган, холос.

Мазкур асарни ёзишда қуйидаги жойлардаги архив ҳужжатлардан фойдаланилди. Астрахань область Давлат архиви, Горький область Давлат архиви, Россиянинг Ташқи сиёсат архиви, СССР Давлат ҳарбий марказий тарих архиви, СССР Давлат Қадимий ҳужжатлар марказий архиви, Ленинградда-

²⁶ М. И. Йўлдошев, XVI—XVIII асрларда Бухоро билан Россия ўртасидаги элчилик муносабатлари, Тошкент, Ўздавнашр, 1957.

²⁷ М. Ю. Юлдашев, К истории торговых и посольских связей Средней Азии в России в XVI—XVII вв., Ташкент, 1964.

²⁸ И. С. Брагинский, С. Ражабов и В. А. Ромодина, К вопросу о значении присоединения Средней Азии к России, журн. «Вопросы истории», 1954, № 8.

²⁹ З. Ражабов, К вопросу об исторических корнях дружбы народов Средней Азии с великим русским народом, 1954.

³⁰ С. Ражабов, Роль великого русского народа в исторических судьбах народов Средней Азии, Ташкент, 1955.

³¹ А. Карыев, Исторические корни дружбы русского и туркменского народов, Ашхабад, 1950.

ги СССР Давлат марказий тарих архиви, СССР Фанлар академияси Тарих институти Ленинград бўлимининг архиви.

Шунингдек, Оренбург, Уфа, Тошкент ва Сибирь, Қозон шаҳарларидаги архив материаллар ўрганилди. Бироқ Қозон шаҳридаги архив ҳужжатлар ёнгин орқасида куйиб, темамизга оид маълумотлар жуда кам сақланган. Бу ҳолат айрим вақтлардаги савдо ва элчилик алоқаларини тўла ёритиш имконини бермайди. Айниқса, архив ҳужжатларининг XVI аср иккинчи ярми ва кейинги асрдаги айрим йилларга тегишлиси жуда кам сақланган.

Астрахань область Давлат архивидаги ҳужжатлар хилма-хил бўлиб, рус давлатининг Ўрта Осиё, Кавказ, Эрон, Ҳиндистон ва бошқа жойлар билан иқтисодий, сиёсий, маданий алоқаси тарихини ўрганишда гоёта муҳим аҳамиятга эга. Темамизга оид маълумотларни архивнинг «Астрахань порт божхонаси» ва «Астрахань божхона округи» каби фондлари (№№ 679, 681) дан олганлигимизни кўрсатиб ўтиш лозим. Бу фондларда XVIII—XIX асрларда ўзбек хонликларидан Астраханга келтирилган молларнинг турлари ва миқдори ҳақида жуда қимматли маълумотлар бор. Шунингдек, архивнинг «Седлистов карантин контораси» ва «Астрахань карантин идораси» сингари фондларидан (№№ 460, 466) ҳам фойдаланилди.

Кўрилатган фондлардаги ҳужжатлар Ўрта Осиё ва Волга бўйи ўртасидаги савдо алоқаларини умуман ёритиш имконини берса-да, лекин уларда айрим вақтларга доир маълумотлар сақланмаган. «Астрахань казенная палата» ва «Губерния маҳкамаси» сингари фондлар марказий ҳамда маҳаллий ҳокимият вакиллари ўртасидаги ёзишмалар, рапортлар, ҳукумат фармонлари, кўрсатмаларини ўз ичига олади. Ўзбек хонликлари билан рус давлати ўртасидаги элчилик ва савдо алоқаларини ўрганишга доир қимматли маълумотлар ана шу фондлардан олинди.

Баъзи ҳужжатлар архивда сақланаётган «Волга» ва «Астраханский справочный листок» газеталарида ҳам учрайди. Шундай қилиб, Астрахань область Давлат архивида темамиздаги масалаларни ёритиш учун жуда қимматли ва нодир материаллар олинди.

Астрахандан кейин Ўрта Осиёнинг Волга бўйлари билан бўлган алоқасида муҳим роль ўйнаган машҳур Нижний Новгород ярмаркаси фаолиятини ёритишда Горький область Давлат архиви муҳим ўрин тутди. Темамизга оид ҳужжатлар архивнинг «Нижегород ярмарка комитети» ва «Нижегород ярмарка контораси» номли фондларида (№№ 472, 489) жамланган. Булардаги маълумотлар ярмарканинг XIX аср

ўргаларидан XX аср бошларигача бўлган даврни ёритиб, Ўрта Осиё молларининг турлари ва миқдорини кўрсатувчи рақамларни ўз ичига олади.

XIX аср бошларида Нижний Новгород ярмаркасига ёнги тушиши орқасида архив ҳужжатлари бизгача сақланмаган. Архивдаги бизгача сақланган ҳужжатларда кўпинча Ўрта Осиё молларининг миқдори кўрсатилсада, савдогарларнинг маблағлари ва, умуман, уларнинг фаолиятлари батафсил берилмайди. Бунинг устига ярмаркадан Ўрта Осиёга олиб кетилган рус моллари ҳақида деярлик ҳеч қандай ҳужжат йўқ. Бироқ архив ҳужжатлари Нижний Новгород ярмаркасидаги Ўрта Осиё савдоси ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. XVII—XVIII асрларга тегишли масалаларни ўрганишда СССР Давлат Қадимий ҳужжатлар марказий архиви муҳим ўрин тутаети. Архивда Ўрта Осиё билан рус давлатининг савдо ва элчилик алоқаларини ўз ичига олувчи рус ҳукумат вакилларининг ўзаро ёзишмалари, рапортлари, кўрсатмалари мавжуд. Архивнинг «Финансы» ва «Правительствующий сенат» фондларида (№№ 19, 248) Астрахандаги Бухоро колонияси тўғрисида қимматли маълумотлар бор. «Бухарские дела» фонди (№ 19) элчилик алоқаларини ўрганишда нодир маълумотлар беради.

XVIII—XIX асрларда Ўрта Осиёнинг Волга бўйлари орқали рус давлати билан олиб борган элчилик алоқаларини ёритишда Россиянинг Ташқи сиёсат архивдаги ҳужжатлардан кенг фойдаланилди. Бу ҳужжатлар архивнинг «Сношения России с Бухарой» ва «Сношения России с Хивой» номли фондларида берилган. Ҳар иккала фонддаги Бухоро ва Хива хонликларидан Россияга келган элчилар фаолиятларига доир нодир маълумотлар, ўзбек хонларининг рус подшоҳларига юборган ёрлиқларининг асл нусхалари, элчилар билан олиб борилган музокараларнинг протоколлари ғоятда қимматли ҳисобланади. Мазкур фондлар асосида ўзбек хонликларининг ички ва ташқи аҳволини кўрсатувчи маълумотлар ҳам бор. Бундай маълумотлар, айниқса, Ўрта Осиёга борган рус элчилари фаолиятларига доир ҳужжатларда кўп учрайд.

Хуллас, «Сношения России с Бухарой» ва «Сношения России с Хивой» фондларидаги ҳужжатлар элчилик алоқаларининг моҳияти ва характерини белгилашда асосий манбадир. Бу манбалар буржуа историографиясининг эътиборини жалб этиб, Н. Веселовский, В. Жуковский ва бошқа авторлар ўз ишларини шу манба асосида ёзганлар. Бироқ бу фондлардаги айрим маълумотлар революциядан олдинги авторлар томонидан илмий ишларга жалб қилинган ва ҳужжат сифатида эълон этилган. Афсуски, мазкур фондлар совет

тарихчилари томонидан илмий равишда ўрганилмаган. Юқорида кўрсатилган фондлардан тўла фойдаланилди.

Петр I вақтида Ўрта Осиё билан Россия ўртасидаги алоқаларни ёритишда СССР Давлат ҳарбий марказий тарих архивдаги материалларга алоҳида диққат қилинди. Унинг «Военно-ученный архив» фондида Каспий денгизи орқали Хива хонлигига юборилган Бекович-Черкасский бошчилигидаги ҳарбий экспедициянинг ташкил этилиши ва унинг фаолиятини кўрсатувчи материаллар жамланган. Фонддаги Россия — Ўрта Осиё алоқаларини ўрганишга доир бошқа материаллар ҳам ўрганилди.

СССР Фанлар академияси Тарих институтининг Ленинград бўлимидаги архивнинг «Астраханская приказная палата» фондидаги (№178) материаллар XVII асрда Ўрта Осиё билан олиб борилган савдо ва элчилик алоқалари ҳақида маълумот беради. Фондда Россиянинг Астрахань орқали бошқа мамлакатлар билан қилган алоқасига доир маълумотлар ҳам бор. Асарда қўйилган масалаларни ёритишда Ленинграддаги СССР Давлат марказий тарих архивининг «Совет при высочайшем дворе» ва «учреждений правительствующего сената» фондларидаги (№№ 1146, 1329) материалларга ҳам эътибор берилди.

XIX аср 70-йилларида рус давлатининг ташқи сиёсатини акс эттирувчи архив ҳужжатлари тўплами босиб чиқарилган³². Тўпламга XVI аср иккинчи ярми ва XVII асрда рус давлатининг ўзбек хонликлари билан олиб борган элчилик муносабатларига доир ҳужжатлар ҳам киритилган. Тўпламдаги ҳужжатлар рус давлатининг Ўрта Осиё билан алоқасини ўрганишда муҳим манба сифатида катта аҳамиятга эга. Совет олимлари томонидан тайёрланган архив ҳужжатлари тўпламига XVI аср иккинчи ярми — XVII аср давомида рус давлатининг Ўрта Осиё билан бўлган элчилик ва савдо алоқаларига доир Москва, Ленинград архивларида сақланаётган нодир ҳужжатлар киритилган³³.

Тўплам ўзбек хонликлари томонидан Москва давлатига юборилган ёрлиқларнинг русча таржимаси, элчиларнинг хатлари, хонлиқлар ҳақидаги маълумотлар ва XVII асрдаги савдо алоқаларига тегишли айрим ҳужжатларни ўз ичига олади. Бу ҳужжатларни асарга тўла жалб қилишга ҳаракат

³² «Сборник князя Хилкова», СПб., 1876.

³³ «Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ССР» (кейинги саҳифаларда МИУТССР). Бу ҳужжатларда «Бухарские столбцы», «Хивинские столбцы» ва «Хивинские грамоти» номли фондлардан кенг фойдаланилган. Ишнинг кейинги саҳифаларидаги сноскаларда фондларнинг ўзи келтирилган.

қилинди. Асарда бошқа эълон қилинган ҳужжатлар тўпламларидан ҳам фойдаланилди³⁴. Шунингдек, Б. Г. Курц³⁵, В. О. Ключевский³⁶ асарларидаги маълумотлардан қисман фойдаланилди.

Мазкур тема бўйича маҳаллий манбаларда ҳозирча ҳеч қандай маълумот йўқ. XVI аср иккинчи ярмида Астраханга келган ўзбек элчилари ҳақида жуда оз маълумотга эгамиз. Бу ҳақда кейинги саҳифаларда гапирилади.

Айрим ҳолларда архив манбаларида Ўрта Осиё молларининг ҳажми (тўпми ёки газми) аниқ кўрсатилмайди. Шунинг учун китобда моллар сонини келтириш билангина чегараландик.

Ўрта Осиёнинг Волга бўйлари билан алоқаси узоқ даврлардан бошланиб, бир неча юз йилларни ўз ичига олади. Айниқса, Хоразмнинг Волга бўйлари билан алоқаси жуда самарали бўлган. Волга бўйлари Ўрта Осиё моллари учун муҳим ва талабчан бозор ҳисобланиб, Хоразм, Бухоро каби шаҳарларда у жойлар билан алоқа қилувчи савдо-ҳунарманд доиралари вужудга келган. Бошқачароқ қилиб айтганда, Волга бўйлари билан алоқа Ўрта Осиё учун катта аҳамиятга эга бўлган. Ўз навбатида, Волга бўйлари ҳам Ўрта Осиё билан алоқадан жуда манфаатдор бўлган. Ҳар икки тарафнинг манфаатдорлиги ўзаро алоқаларни кучайтириш билан баробар, айрим вақтларда, сиёсий жиҳатдан бирлашишга олиб келган эди. Чунончи, хоразмликлар VI асрнинг охирида Волганинг қуйи оқимида вужудга келган Ҳазар подшоҳлигида ўз таъсирларини ўрнатишга муваффақ бўлганлар. Улар 712 ва 730 йиллар орасида Ҳазар қўшинларининг қўмондонлигини қўлга киритиб³⁷ подшоҳликда муҳим мавқени эгаллаганлар. Ҳатто, Ҳазар подшоҳлиги хоразмликларнинг бу подшоҳликда колониялари ҳам бор эди. VIII асрнинг ўрталарига келиб хоразмликларнинг мавқеи шу даражада кучайдики, пирёвардида Ҳазар подшоҳлиги билан Хоразм сиёсий жиҳатдан бирлашиб, Қрим ва Азов бўйидан

³⁴ Книги Московской большой таможи — новгородская, астраханская, малороссийская 1693—1694 гг., М., 1961; Памятники дипломатических и торговых сношений Московской Руси с Персией, т. I, СПб., 1890; т. II, 1892; т. III, 1898; Английские путешественники в Московском государстве в XVI веке, М., 1937.

³⁵ Б. Г. Курц, Сочинение Кильбургера о русской торговле, при царствовании Алексея Михайловича, Киев, 1915.

³⁶ В. О. Ключевский, Сказания иностранцев о Московском государстве, Пг., 1915.

³⁷ С. П. Толстов, По следам древнехорезмской цивилизации, М.—Л., Изд-во АН СССР, 1948, стр. 226.

Хоразмгача бўлган жойларни ўз ичига олувчи катта бир империяни ташкил этган. Натижада хоразмликлар Каспий-Волга йўлида ўз мавқеларини мустаҳкамлаб, унинг сиёсий ҳаётида салмоқли ўринни эгаллаганлар. Жумладан, 764 йилда хоразмлик Растархон (Астрахань) бошчилигидаги Ҳазар аскарлари Тбилисини босиб олганлиги маълумдир³⁸.

Қўй йиллар давомида хоразмликларнинг Ҳазар аскарларига бошчилик қилишлари уларнинг Волганинг қуйи оқимида мавқеларининг зўрлигини кўрсатиш билан баробар, моҳир ва жасоратли ҳарбий кишилар сифатида шуҳрат қозонганликларидан ҳам дарак беради. Кўрсатиб ўтиш лозимки, хоразмликларнинг Ҳазар подшоҳлигида ўз мавқеларини ўрнатишлари уларнинг Волганинг ўрта оқимида жойлашган Булғор подшоҳлигида ҳам колонияларини вужудга келтирган эди. Бу ерда хоразмликларнинг савдо фаолиятлари анча ривожланган.

Тарихчи М. Чулковнинг кўрсатишича, Булғор шаҳри харобаларидан топилган ва Петр I буйруғи билан таржима қилинган қабр устига қўйилган тошларда самарқандликларнинг ҳам номи ёзилган эди³⁹. Ҳазар-Хоразм империяси узоққа бормади. VIII аср ўрталарида арабларнинг Ўрта Осиёга қилган ҳужуми унинг Волга бўйлари билан бўлган алоқасини сусайтирмай қўймас эди, албатта. Хоразм араблар томонидан босиб олинганидан то X асрга қадар кишиларнинг оммавий равишда Ҳазарга келиб ўрнашганликлари маълум. Хоразмликлар Волга бўйлари билан узоқ вақтлардан бери яқин алоқа қилиб келаётганликлари сабабли у жойларга бориб ўрнашиш имконига эга бўлганлар.

X асрга келиб Хоразм иқтисодий жиҳатдан тез ўса борди. Бу ерда 30 дан ортиқ шаҳарлар вужудга келди, савдо-ҳунармандчилик юксала бошлади. Хоразмнинг бундай кўтарилишига унинг Волга бўйлари билан бўлган савдо алоқаси катта таъсир кўрсатган эди. Шунинг учун ҳам Хоразм ҳукмрон доиралари Волга бўйларида ўз мавқеларини кучайтиришга ҳаракат қилиб, X асрда Ҳазар-Хоразм империясини тиклашга эришдилар. Шубҳасиз, бу империянинг тузилишига Ҳазар подшоҳлигининг манфаатдорлиги ҳам асос бўлган. Хоразм фақат Ҳазар подшоҳлигида эмас, Булғорда ҳам ўз таъсирини ўрнатган эди. Бу жойларда хоразмликларнинг та-

³⁸ Уша асар, 229-бет.

³⁹ М. Чулков, Исторические описания Российской коммерции при всех портах и границах от древних времен до настоящего и всех преимущественных узаконений по оной государя императора Петра Великого и ныне благополучно царствующей государыни императрицы Екатерины Великой, т. I, кн. 1, СПб., 1781, стр. 58.

шаббуси билан ислом дини тарқалган. Академик В. В. Бартольднинг текширишига кўра, хоразмликлар Волга бўйларида маданиятнинг ўсишига катта ҳисса қўшганлар⁴⁰.

Хоразмнинг Волга бўйлари билан бўлган савдо алоқасига доир араб манбаларида айрим қимматли маълумотлар сақланган. X асрнинг иккинчи ярмида яшаган ал Мақдсийнинг кўрсатишича, Булғордан Волга орқали Хоразмга собол, оқсичқон, сассиққузан, латча, савсар, тулки, бобр, қуён ва эчки мўйналари, шунингдек, шамлар, ўқ ёйлар, оқ терак пўстлоғи, чўққайма телпак, балиқ елими, балиқ тишлари, канакунжут, амбра, от терисидан тайёрланган кўн, асал, ёнғоқ, лочинлар, қилич-қалқонлар, дубулғалар, қайин пўстлоғи, славян қуллари, қўй-сигирлар келтирилди⁴¹.

Кўриниб турибдики, Волга бўйларидан Хоразмга олиб кетиладиган молларнинг турлари хилма-хил бўлган. Урта Осиё, шу жумладан, Хоразмдан Волга бўйларига ип, жун, ипак газламалар, гуруч, қуруқ мева, оқ думалоқ дирҳамлар (кумуш тангалар) ва бошқа моллар келтирилган. X асрда хоразмликлар фақат савдода эмас, балки Волга бўйининг сиёсий ҳаётида ҳам муҳим роль ўйнаганлар. Жумладан, Ҳазар подшоҳлигининг вазири хоразмликлардан тайинланарди. Ҳатто, подшоҳликнинг 12000 кишилик гвардияси хоразмликлардан ташкил этилган эди. Итилда яшовчи хоразмликларнинг сони 20.000 кишидан ошган⁴². Хоразмликлар орасида ҳунарманд, қора ишчи ва бошқа тоифадаги кишилар бўлган. Хуллас, хоразмликлар Ҳазар подшоҳлигидаги энг муҳим раҳбар тармоқларни эгаллаб, унинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида катта роль ўйнаганлар.

XI—XII асрларда Урта Осиёнинг Волга бўйлари билан алоқаси давом этиб, бунда ҳамон Хоразм муҳим ўрин тутиб келмоқда эди. XII аср охирига келиб туркманлар, қипчоқлар, Волга бўйлари билан иқтисодий, маданий алоқанинг кучайиши Хоразм ва унинг пойтахти Урганчининг юксалишига катта таъсир этган факторлардан бири бўлди. Хоразмда жуда бой ва йирик савдогарлар гуруҳи ташкил топиб, булар Мисрдан Хитойгача, Волга бўйларидан Қашқаргача бўл-

ган карвон савдосини ўз қўлларига олганлар. Хоразм Муҳаммадшоҳ вақтида (1200—1220) Эрон ва Урта Осиёнинг деярлик ҳамма областларини ўз ичига олган йирик давлат ҳисобланган. Бироқ Хоразмнинг шон-қудрати узоққа чўзилмади. Чингизхон бошчилигидаги мўғул босқинчилари (1219—1221) Урта Осиёни, шу жумладан, Хоразмни эгалладилар. Шунингдек, Волга бўйлари ҳам мўғуллар томонидан истило қилинди.

Мўғуллар Чингизхоннинг невараси Боту (1236—1256) бошчилигида Волга бўйларини ўз қароргоҳларига айлантирдилар. Шу равишда Олтин Урда ташкил топиб, у Шарқий Европадан Булғоргача, Қрим, Жанубий-Шарқий Европа даштлари, Қуйи Волганинг ҳамма ҳавзалари, Шимолий Кавказнинг Дарбандгача бўлган жойлари, Хоразмнинг шимолий қисми (Амударёнинг қуйи оқимидаги областлар), Шимолий Қаспий билан Орол денгизларидан то Сирдарёгача чўзилган даштликларни ўз ичига олган эди. Олтин Урда ҳукмрон доиралари Волга бўйлари орқали ўтадиган карвон йўлларининг муҳимлигини ва улардан келадиган катта даромадларни ҳисобга олиб, савдо-сотиқни, ҳунармандчиликни ривожлантиришга қаратилган тадбирларни амалга оширдилар. Чунончи, ҳозирги Астрахань яқинида Ботусарой, Волгаградга яқин жойда эса Беркасарой (янги сарой) барпо этилди. Бу шаҳарлар Олтин Урданинг пойтахти ва йирик савдо-ҳунарманд марказлари ҳисобланган.

Ботусарой билан Беркасаройнинг барпо этилиши ва ривожланишида ўрта осийликлар, биринчи галда хоразмликлар фаол қатнашдилар. Бу шаҳарларга Урта Осиёдан савдогарлар, ҳунармандлар, наққошлар, олимлар ва дин қоҳинлари келиб ўрнашдилар. Турли тоифадаги кишилардан иборат хоразмликлар колонияси сарой шаҳрида ва, умуман, Олтин Урда ҳаётида муҳим роль ўйнаган.

Хоразмликларнинг Олтин Урдадаги мавқеи шу даражада кучли бўлганки, Миср Олтин Урда билан бўлган алоқада хоразмликлардан фойдаланган. Масалан, Миср султони Олтин ўрдадаги Алоуддин Ойтуғди номли элчиси хоразмлик бўлган. Хоразмликларнинг шахсан Олтин Урда хонларига таъсири кучли эди. Чунончи, Ўзбекхон даврида (1312—1342) Беркасаройдаги хоразмликлар колониясида яшовчи шайх Нуъмониддин ал Хоразмий катта обрўга эга бўлган. Ўзбекхон шайх Нуъмониддин ал Хоразмий билан тез-тез суҳбатлашиб турган. Бу киши асли урганчлик бўлиб, мантиқ, фалсафа ва тиб илмини яхши биларди. Хоразмликлар орасида Олтин Урда давлатига қарашли районларда амирлик вазифасини бажарувчи кишилар ҳам бўлган. Жумладан, XIV

⁴⁰ В. В. Бартольд, Сочинения, т. II, ч. 2, М., 1963, стр. 680—681.

⁴¹ Б. Д. Греков, А. Ю. Якубовский, Олтин Урда ва унинг қулаши. Тошкент, Ўздавнашр, 1956, 21-бет.

⁴² А. Якубовский, Феодалное общество Средней Азии и его торговля с Восточной Европой в X—XV вв., МИУТССР, М.—Л., 1932, стр. 13.

асрнинг 30-йилларида Муҳаммадхўжа ал Хоразмий Азов деган жойнинг (Азоқтана) амири бўлган⁴³.

Олтин Урдадаги хоразмликлар колониясининг асосий қисмини хунармандлар ташкил этган. Булар Волга бўйларидаги шаҳарлар ҳаётида фаол қатнашганлар. Бу тўғрида А. Ю. Якубовский шундай деб ёзган эди: «Хоразмликлар Олтин Урда пойтахтларида маданиятнинг турли соҳаларида ишлаганлар, айниқса, улар орасида хунармандлар кўпчиликти ташкил қилган... хоразмлик усталар ўзларига хос бўлган ранг-баранг нақш безакларини жило бериб ишлаш хусусиятларини кошинкорлик мозаикаларида такрорлаганлар;... шу билан бирга, хоразмлик мастерлар аввалги ишларини такрорлабгина қолмай, балки бу янги жойда янги-янги усулларни ҳам яратганлар.

Беркасаройда XIII—XIV асрларда қурилган турли бинолардаги хилма-хил кошинлар коллекцияси бу ерда типик мусулмон феодал санъати бўлганлигини кўрсатади. Расмларни тўр-тўр чизиқлар ва безак ҳарфлар ёзилган арабча хат билан бирга қўшиб ишлаш, кўк, фируза, оқ яшил, сариқ сирларни Урганч учун жуда ҳам характерли бўлган қизил ранг (ангоб бўёқ) билан бирга қўшиб товлаш — буларнинг ҳаммаси Урта Осиё, Эрон шаҳарларининг халқларига хос архитектура формалари Волга бўйи шаҳарларига кўчган»⁴⁴.

Шунингдек, хоразмликлар Волга бўйларидаги сиркор керамика, кулолчилик ва маданиятнинг бошқа тармоқларини Урта Осиёга хос намуналар асосида ривожлантирганлар. Хоразмликлар, шунингдек, бухороликлар Олтин Урдада, айниқса, бу ердаги ҳукмрон доиралар ўртасида ислом динини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнадилар. Ҳатто, улар Олтин Урда мўғул хонликлари мусулмон динига ўтишларига эришганлар. Афсуски, Олтин Урдада хоразмликлар колониясидаги кишиларнинг сони тўғрисидаги ҳужжатларга эга эмасмиз. Бироқ уларнинг тутган мавқеини ва ролини ҳисобга олсак, хоразмликлар колонияси бир неча минг кишини ташкил этишига шубҳа қолмайди. Буни яна шу нарса исботлайдики, хоразмликлар Олтин Урда адабиётига ва тилига катта таъсир кўрсатган эди. Маълумки, XIV асрда фақат Беркасарой шаҳрида 200 мингдан ортиқ аҳоли яшарди. «Олтин Урданинг адабий тили ва адабиётини яратишда ҳам, — деб ёзган А. Ю. Якубовский, — Хоразм катта роль ўйнаган. Олтин Урдада чиққан бир қанча бадий асарларнинг тили Хоразм ва Сирдарёнинг қуйи оқимидаги шаҳарлар, яъни Оқ Урда

территорияси тил элементлари билан бевосита боғланиш бўлганини кўрсатади... Ҳар икки ўлка (Хоразм ва Сирдарёнинг қуйи оқимидаги шаҳарлар) Олтин Урданинг сўзлашув тилигагина эмас, балки майдонга келаётган Олтин Урда ёзувига, айниқса, унинг бадий адабиётига ҳам доимо таъсир кўрсатиб келган. Волга бўйи шаҳарларида, хусусан, иккала саройда бу соҳада анча иш олиб борилган»⁴⁵.

Шубҳасиз, Хоразм колониясида хоразмликларгина эмас, балки бухороликлар, самарқандликлар, тошкентликлар ва фарғоналиклар ҳам бўлган. Бироқ Волга бўйларида хоразмликларнинг мавқеи зўр бўлганлиги туфайли колония улар номида юритилган. Урта Осиёнинг турли шаҳарларидан келиб Олтин Урдага ўрнашган ва бу ерга қатнаб турадиган ўрта осиеликлар Волга бўйлари билан қизғин савдо олиб борганлар. Шунингдек, улар Волга бўйлари орқали Рус, Туркия, Эрон, Кавказ, Хитой ва Европа мамлакатлари билан ҳам савдо қилганлар. Урта осиеликлар Волга бўйларида Ҳазар ва Булғор подшоҳликлари, шунингдек, Олтин Урда даврида рус князликлари билан савдо алоқаларини ўрнатганлар.

Бир қатор манбаларнинг кўрсатишича, руслар Итиль⁴⁶ ва Булғор⁴⁷ шаҳарларига келиб Шарқ, Урта Осиё халқлари билан савдо олиб борганлар. Ҳатто, бу жойларда русларнинг колониялари ҳам вужудга келган эди⁴⁸. Бинобарин, Волга бўйларида ўрта осиеликлар, руслар билан ёнма-ён яшаб ўзаро алоқада бўлганлар. Тарихчи М. Чулковнинг кўрсатишича, Волга — Каспий йўли русларга Эрон, Ҳиндистон ва Бухорога бориш имконини берган⁴⁹. Савдо билан руслар, Ҳатто, Бағдодгача борардилар⁵⁰. Ҳазар ва Булғорга рус ерларидан қимматли мўйна, асал, мўм, славян қуллари келтирилди. Айниқса, рус мўйналари жуда машҳур бўлиб, хоразмликлар томонидан узоқ жойларга — Арабистонгача олиб кетилди. «Урта осиеликлар, — араб манбаларининг бирида деб ёзади профессор А. Д. Хвольсон, — Волга бўйларига келиб, Қора ва Азов денгизларини айланиб Днепрнинг

⁴³ Б. Д. Греков, А. Ю. Якубовский, ўша асар, 147-бет.

⁴⁶ Ибн Фадлан, Путешествие по Волге (под редак. академика И. Ю. Крачковского), М.—Л., 1939, стр. 79—80; М. Тебенков, Древнейшие сношения русских с Прикаспийскими странами и поэма «Искендер-намэ» Низами как источник для характеристики этих сношений, Тифлис, 1896.

⁴⁷ Повесть временных лет, ч. 1, М., 1950, стр. 12.

⁴⁸ Ибн Фадлан, ўша асар, 79-бет.

⁴⁹ М. Чулков, ўша асар, 57-бет.

⁵⁰ А. Я. Гарькави. Сказания мусульманских писателей о славянах и русских, СПб., 1871, стр. 48—49.

⁴³ Б. Д. Греков, А. Ю. Якубовский, ўша асар, 144-бет.

⁴⁴ Ўша асар, 144—145-бетлар.

ўрта оқимигача борадилар. Улар бу жойларда ўз маҳсулотларини сотиб, жаҳоннинг узоқ мамлакатларига олиб кетиш учун у ерларнинг молларини оладилар. Нармонлар, новгородликлар, киевлик руслар савдо-сотиқда фаол қатнашганлар. Улар Волга бўйлаб Булғор ва Ҳазарга, айрим вақтларда Каспий денгизининг жанубий қирғоғига, Хоразм, Бухоро, ҳатто, Бағдодгача ўз молларини олиб келардилар. Бошқа бир гуруҳлари эса Қора денгиз орқали Константинополга бориб, ўз молларини Византия давлатининг молларига алмаштириб, улардан бир қисмини Азов денгизига, Донга, Волгага, Булғор ва Ҳазарга келтирардилар. Ниҳоят, булғорлар савдогарлар фаолиятига томошабин сифатида қарамасдан Волга бўйлаб ғарбда Весигача, шимолда Юграгача..., жанубда Киевгача бориб, ҳамма жойда Шарқ моллари ўрнига маҳаллий молларни олганлар... Ҳазарлар ҳам шу равишда савдо қилганлар...»⁵¹.

Бинобарин, Волга бўйи турли мамлакатларнинг ўзаро савдо алоқасида бирлаштирувчи марказ ҳисобланиб, у орқали Урта Осиё руслар билан яқин алоқа ўрнатган. VIII—XI асрларда Хоразм, Бухоро, Урта Осиёнинг бошқа шаҳарларида зарб этилган тангаларнинг Россия территориясида топилиши ҳам бу ҳақда гувоҳлик беради⁵². X асрда рус ҳукмрон доиралари Ҳазар ва Булғорни эгаллаб Волга бўйини ўз қўлларига олишга ҳаракат қилганлар. Рус князликлари билан Хоразм ўртасида Волга бўйи учун кураш бўлганлиги маълум⁵³. Бироқ ўзаро савдо алоқаларига путур етмаган. Ҳатто, 986 йилда рус князи Владимир ўз элчисини Хоразмга юборган. Айрим маълумотларга кўра, Урта Осиё ва бошқа Шарқ мамлакатларидан Волга бўйи орқали янтар, ойна, хрусталь ва бошқа буюмлардан ясалган мунчоқлар Россияга келтирилган. Мунчоқлар безак сифатида бўйин ва қўлга тақилишидан ташқари, тугмача ўрнида ҳам кенг ишлатилган⁵⁴. Россия территориясида неча ўн минглаб мунчоқ қолдиқлари топилганки, бу уларнинг жуда кўп миқдорда келтирилганлигини кўрсатади. Урта Осиёнинг Волга бўйлари орқали Владимир-Суздаль князлиги билан алоқа қилганлиги ҳам маъ-

⁵¹ Известия о хазарах, буртасах, болгарах, мадыраха, славянах и русах Абу Али Ахмеда Бен Омар Ибн Даста (перевел и объяснил А. Д. Хвольсон), СПб., 1869, стр. 23, 162 и др.

⁵² А. Марков, Топография кладов восточных монет. СПб., 1910; С. А. Янин, Неревский клад куфических монет X в., Труды Новгородской археологической экспедиции, М., 1956, № 55.

⁵³ С. П. Толстов, Уша асар, 250-256-бет.

⁵⁴ М. В. Фехнер, Некоторые сведения археологии по истории русско-восточных экономических связей до середины XVII в., «Международные связи России до XVII в.», Сборник статей, М., 1961, стр. 46—53.

лум⁵⁵. Айрим маълумотларнинг кўрсатишича, хоразмликларнинг таъсири Волга бўйидан Венгриягача тарқалган. Чунончи, Венгрия қороли Самуил Аби (1041—1044) келиб чиқиши бўйича хоразмлик бўлган⁵⁶.

Олтин Урда вақтида Урта Осиё билан рус князликлари ўртасидаги алоқа анча жонланган. Урта осиеликлар Олтин Урда орқали бевосита рус князликларига бориб савдо-сотиқ қилганлар. XIV асрнинг биринчи ярмида Нижний Новгородда кўп сонда Хоразм ва Бухоро савдогарлари бўлганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд⁵⁷. Шуни кўрсатиб ўтиш лозимки, Олтин Урда пойтахти — Саройда русларнинг ҳам колонияси бўлган. Шунинг учун 1261 йилда Саройда махсус проваслав епархияси ташкил қилинган бўлиб, бу епархияга Саройдан ташқари Переяслав Киевский шаҳри ҳам қаранган⁵⁸.

Шубҳасиз, бу ҳолат Саройда яшовчи ўрта осиеликларга, хусусан, хоразмликларга руслар билан иқтисодий ва маданий алоқа қилиш имконини берарди. Шунингдек, ўрта осиелик савдогарлар Олтин Урдага қатнаб турадиган рус савдогарлари билан бевосита савдо-сотиқ олиб борардилар, Урта Осиё савдогарлари Олтин Урдани руслардан олинандиган солиқларининг ялписига сотиб олганлар⁵⁹. Шубҳасиз, бу савдогарлар рус ерларида солиқларни ялписига олиш, тўплаш билан бир қаторда, савдо-сотиқ билан ҳам шуғулланганлар.

Бу вақтларда Волга орқали Урта Осиё билан рус князликларининг алоқаси шу даражада жонланганки, ҳатто, рус ҳунармандлари Урганчга келиб ўрнаша бошлаган⁶⁰. Кўп рус князликлари «Ёрлик олиш учун фақат Олтин Урданинг пойтахти — Саройга эмас, балки Монголияга — буюк хон қароргоҳига Урта Осиё орқали борардилар»⁶¹.

Олтин Урда давлатида XIV аср бошларидан ички қарамақаршилиқ ва зиддиятлар пайдо бўла бошлади. Зўравонлик ва ҳарбий куч асосида турли мамлакатларни бирлаштирган

⁵⁵ Ю. А. Лимонов, Из истории восточной торговли Владимиро-Суздальского княжества, «Международные связи России до XVII в.», стр. 55.

⁵⁶ С. П. Толстов, Хорезмская генеология Самуила Абы (Еще раз к вопросу о кововах-хорезмийцах), Советская этнография, М., 1947, № 1.

⁵⁷ МИУТТ ССР, 61-бет.

⁵⁸ Е. Голубинский, История русской церкви, 1900, т. II, стр. 41, 60.

⁵⁹ Журнал МВД, 1839, № 100, стр. 357; С. В. Жуковский, Сношения России с Бухарой и Хивой за последнее трехсотлетие, Труды Общества русских ориенталистов, Петроград, 1915, № 2.

⁶⁰ «Первые русские научные исследования Уст-Юрта», М., 1963, стр. 6.

⁶¹ Уша асар, ўша бет.

давлат бўлгани учун ҳам, XIV асрнинг 30-йилларида Темурнинг Волга бўйларига қилган ҳарбий юришлари ва Ўрда хони Тўхтамишхоннинг мағлубиятлари Олтин Ўрдани янада заифлаштирди. Айниқса, русларнинг Олтин Ўрдага қарши олиб борган курашлари унинг ҳалокатга учрашида муҳим роль ўйнади. Натижада, XV аср ўрталарига келиб Олтин Ўрда харобаларида бир-биридан мустақил Қозон, Астрахань, Қрим, Сибирь ва Нўғой хонликлари вужудга келди. Олтин Ўрданинг энг илғор ва ривожланган қисми бўлмиш Хоразми эса темурийлар эгаллаган эди. Олтин Ўрда пойтахти ва бошқа савдо-ҳунармандчилик марказлари Темур томонидан яксон этилади.

Олтин Ўрда майда хонликларга бўлиниб кетаётган бир вақтда, рус ерларини бирлаштириш жараёни кетмоқда эди. Товар-пул муносабатларининг ўсиши асосида рус ерларининг буюк Москва князликлари атрофига уюшиши аниқ бўлиб қолди.

XV асрнинг 60—80-йилларида рус давлати марказлашган давлатга айланди. Рус давлати Волга бўйларини ва энг муҳим савдо йўлини ўз қўли остига олиш учун кураш олиб борди. Натижада 1552 йилда Қозон хонлиги, 1556 йилда Астрахань хонлиги, кейинчалик эса Сибирь ва Қрим хонликлари ҳам рус давлати томонидан босиб олинди.

Шу равишда қадимий Волга — Каспий йўли рус давлати томонидан эгалланиб, унинг Ўрта Осиё билан алоқалари янги босқичга кўтарилди.

* * *

XVI аср иккинчи ярмида Россия* қудратли ва марказлашган давлат сифатида халқаро обрўси кўтарилди. Рус давлати Волга бўйлари, Урал ва Сибирь каби бепоён ерларда

* Россия билан Ўрта Осиё аҳволини ёритишда қуйидаги асарлардан фойдаланилди: Ю. В. Курсков, Социально-экономическое развитие России в XVII веке, Петрозаводск, 1957; П. Г. Любимов, Очерки по истории русской промышленности, М., Госполитиздат, 1947; П. А. Хромов, Очерки экономики феодализма в России, М., 1957; Очерк истории СССР (вторая четверть XIX в.), М., 1957; В. В. Моваровин, Экономический рост России, внутренняя и внешняя политика царизма в конце XVII — первой половине XVIII в., М., 1957; История народов Узбекистана, т. I, Ташкент, 1947; История народов Узбекистана, т. I, Ташкент, 1956; П. П. Иванов, Очерки по истории Средней Азии (XVI—середины XIX в.), М., 1958; Н. И. Веселовский, Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве от древнейших времен до настоящего, СПб., 1877; И. В. Ханьков, Описание Бухарского ханства, СПб., 1843.

ўз мавқеини тобора мустаҳкамлаб бориб кўп миллатли мамлакат сифатида танилди. XVI аср охиридан бошлаб қишлоқ хўжалигида донли ва техника ўсимликлари етиштирила бошлади. Айниқса, жайдари бугдой билан сули Вологда, Вятский каби жойларда анча кенг тарқалган эди. Қишлоқ хўжалигида арпа, тарих, каноп ва зиғир поя сингари ўсимликлар ҳам етиштирила бошлаган. Каноп кўпроқ Псков, Новгород ва Ярославль областларида тарқалган эди. Шаҳарларда ички ва ташқи савдо сезиларли даражада ўсди. Мамлакатда феодал-крепостной тузуми ҳукмронлик қилиб, меҳнаткаш омма устидан зулм кучайди. Дворян ер эгаллиги ниҳоятда ривожланиб, 888 минг деҳқон хонадонининг 600 мингтаси дворянлар қўли остига тўпланган. XVII асрдан бошлаб Россия иқтисодий тарихида янги давр бошланди: «Барча шундай область, юрт ва князликлар фақат рус тарихининг,— деган эди В. И. Ленин,— янги даврида (тахминан XVII асрдан бошлаб) ҳақиқатан ва оммавий суратда бир бугун давлат бўлиб бирлашдилар. Бу янги даврнинг хусусияти ҳам ана шунда. Бу бирлашувга уруғлар ўртасидаги алоқа сабаб бўлган эмас, муҳтарам Михайловский жаноблари, ҳатто, бунга уруғлар ўртасида алоқанинг давоми ва умумийлашуви ҳам сабаб бўлган эмас; бу бирлашувга областлар ўртасида куч олиб кетган айрибошлаш, тобора ўсиб борган товар муомаласи, майда маҳаллий бозорларнинг битта умумроссия бозорига марказлашуви сабаб бўлган. Бу ўзгарувнинг раҳбарлари ва ҳокимлари бой-савдогарлар бўлгани учун барпо бўлган бундай миллий алоқалар ҳам буржуа алоқаларининг пайдо бўлганидан бошқа бир нарса эмас эди»**.

Савдо, ҳунармандчиликка боғлиқ ҳолда қишлоқ хўжалиги ҳам ривожлана бошлади. Ҳунармандчилик районлар бўйича ихтисослаштирила борди, меҳнат тақсимооти такомиллашди. Мамлакатда саноат районлари белгиланди. Жумладан, Тула-Серпухов, Новгород районлари металл ишлаб чиқариш бўйича энг йирик марказлардан бири ҳисобланган. Бундай саноат районлари мамлакатнинг бошқа жойларида ҳам бўлган. Металл асбобларни ишлашда Москва, Нижний Новгород, Тверь сингари шаҳарлар ном чиқарган эди. Мамлакатда ёғоч идиш ва кўнчилик каби ҳунарлар ҳам кенг тарқалган. Айниқса, Ярославль ва Новгород шаҳарларида кўнчилик жуда такомиллашганлиги маълум. Тўқимачилик районлари шаклланиб, уларда асосан мовут, каноп, зиғир, газлама ва

** В. И. Ленин, Асарлар, I том, 159—160-бетлар.

бошқа ҳар хил буюмлар ишлаб чиқарилган. Мовут ишлаб чиқариш Троицк-Сергиев ва Соловецк монастыри, Можайск уезди, Вологда вилояти ҳамда Онега кўли қирғоқларида кенг тарқалган. Ярославль, Новгород-Псков, Смоленск, Волгоград вилоятларида эса зиғир ва каноп газламалари тўқиларди.

XVII аср 30-йилларидан чўян ва мис заводлари вужудга кела бошлади. Россияда тўқимачилик, қоғоз, ойна ва бошқа саноат тармоқларида манфактуралар вужудга келган.

Бироқ манфактураларда мажбурий крепостной меҳнатдан кўпроқ фойдаланилиб, ёлланма меҳнат ҳали ҳал қилувчи роль ўинамас эди. Шунга қарамай, крепостной меҳнат билан бир қаторда ёлланма меҳнатдан оз бўлса-да фойдаланиш манфактурани ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатган. Қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг жадал суръатлар билан ривожланишига крепостной тузумнинг кучайиши тўққинлик қилган. Меҳнаткаш омма феодал-крепостной тузумга қарши кўзғолон кўтарган. Масалан, Иван Болотников ва Степан Разин бошчилигидаги деҳқонлар кўзғолони шулар жумласидандир.

XVII асрда ишлаб чиқариш кучларининг ўсиши ҳамда умумроссия бозорининг ташкил топиши қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг янада ривожланишига сабаб бўлди. Петр I даврида рус давлати ҳаётида муҳим ўзгаришлар юз берди. Маълумки, Петр I урушлар олиб борган. Швеция билан бўлган уруш 21 йил давом этган эди. Урушлар кўп миқдорда ҳарбий ҳаражатлар ва техникани талаб қилган, албатта. Петр I мамлакатнинг ҳарбий қудратини мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор тадбирларни амалга оширган. Натижада металлургия ҳамда металл ишлаш, тўқимачилик ва бошқа саноат тармоқлари ўсди. Айниқса, Уралда металлургия районининг вужудга келиши саноат соҳасида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

XVIII аср 20-йилларидан бошлаб рус давлати Фарбий Европага юқори сифатли темир чиқара бошлади. 1726 йилга келиб Россияда манфактуралар сони 191 тага етган. Айни бир вақтда Россияда мовут фабрикалари фаолияти анча жонланди. 1760 йилда 30 та мовут фабрикаси бўлса-да, бундай фабрикалар маҳсулотларининг асосий қисми армия эҳтиёжи учун олиниб, уларнинг маълум қисмигина бозорга чиқариларди.

XVIII асрда ишлаб чиқариш кучлари тараққий этиб, манфактуралар сони ошиши билан ёлланма меҳнатдан фойдаланиш кучайди. Қишлоқ хўжалигида ҳам ёлланма меҳнатдан фойдаланилди. Саноат билан қишлоқ хўжалигида ка-

питалистик муносабат ўрнатилиб, феодал-крепостной тузум кризисга учради.

XIX аср биринчи ярми ва кейинги йилларда Россияда феодал-крепостной тузumi кризиси анча чуқурлашиб, капиталистик муносабатлар тез суръатлар билан ўса борди.

Масалан, 1826 йилда 5128 та фабрика ва завод бўлган бўлса, 1856 йилда улар сони 11 556 тага етган. 1826 йилда ишчилар сони 206 400 та бўлса, 1856 йилда 518 700 кишини ташкил қилган. Шу билан бир вақтда саноатдаги ёлланма ишчилар сони йилдан-йилга ортган. Масалан, 1825 йилда ёлланма ишчилар 54%, 1860 йилда 87% ни ташкил этган эди.

1-жадвал

Корхоналар	Фабрика ва заводлар			Ишчилар сони		
	1804	1830	1860	1804	1830	1860
Мовут ва бошқа жун газлама фабрикалари	157	389	706	28689	67241	120025
ип газлама фабрикалари	199	538	1200	8181	76228	152236
полотно фабрикалари	285	190	117	23711	26845	17284
ипак ва ярим ипак газлама фабрикалари	58	108	166	1520	2780	5385
ёзув қоғоз фабрикалари	365	234	393	9161	14019	14287
кўн заводлари	74	87	18	678	1256	412
совун ва шағам заводлари	(269)	1031	1827	687	6252	12122
қанд заводлари	10	57	467	108	1687	64763
тамаки фабрикалари	7	61	343	19	306	6059
ишқор заводлари	116	185	263	469	1533	1531
химия ва бўёқ заводлари	12	81	135	маъл. йўқ	1028	3440
селитра заводлари		98	101	маъл. йўқ	1470	3467
хрусталь ва ойна заводлари	114	172	195	3937	6616	11464
чинни заводлари	55	40	55	маъл. йўқ	1274	2629
пўлат, темир ва чўян заводлари	28	193	963	4121	19889	54832
мис заводлари	37	113	161	546	3103	8504

1848 йилда Ф. Энгельс Россияда саноат катта қадамлар билан ривожланмоқда ва рус боярларини борган сари буржуазияга айлантирмоқда,— деб ёзган эди. Россияда саноат тармоқларининг ривожланиш жараёнини 1-жадвалдан яққол кўриш мумкин.

Жадвалдан кўриниб турибдики, ўша вақтда тўқимачилик саноати ривожланган экан. Айниқса, ип газлама ишлаб чиқарувчи фабрикалар тараққий этиб, буларда 1804 йилда ишчилар сони 8181 кишидан иборат бўлган бўлса, 1860 йилда 152236 кишига етган.

Шунигдек, мовут ва қанд фабрикалари ҳамда пўлат, темир, чўян заводларининг ривожланганлигини кўриш мумкин. Бу саноат тармоқларининг ўсиши, улар ишлаб чиқарётган маҳсулотларни кўплаб миқдорда четга, жумладан, Ўрта Осиёга жўнатиш имконини берди. Саноат ва қишлоқ хўжалигида капиталистик муносабатларнинг ўрнатилиши ички савдо билан ташқи савдонинг ривожланишига сабаб бўлди. 2-жадвалдаги рақамлар бу ҳақда тўла маълумот беради.

Гарчанд Россия сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан тараққий этган бўлса-да, крепостной тузум унинг янада тез ривожланишига тўсқинлик қилмоқда эди. Шуниг учун ҳам Россия ўз ривожланиш темпи бўйича Европа мамлакатларидан анча орқада эди. XIX аср биринчи ярмида ишлаб чиқариш кучларининг секинлик билан ўсиши ва иқтисодий қолоқлик Россиянинг Қрим урушидаги ҳарбий мағлубиятига ҳам сабабчи бўлди. 1861 йилда чор ҳукумати деҳқон ҳаракатларидан қўрқиши ва Қрим урушидаги мағлубияти орқасида крепостной ҳуқуқни бекор қилишга мажбур бўлди. Крепостной ҳуқуқларнинг бекор қилиниши, Россияда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши, капиталистик тузум ўрнатилишига сабаб бўлди. Рус буржуазияси тобора кучая ва мустақамлана борди. Мамлакатда саноатнинг жадал суръатлар билан ривожланиши орқасида ички бозор торлик қилиб қолди. Тўқимачилик саноати (айниқса, Америка пахтасининг кризиси вақтида) маҳсулотларига талаб ошди. Рус буржуазияси бу муҳим масалаларни ҳал қилиш йўлини ахтара бошлади.

Бухоро хони Абдуллахон ўзининг деярли 40 йиллик (1560—1598) ҳукмронлиги даврида Бадахшон, Ҳирот, Хурсоннинг Машҳадгача бўлган катта қисмини эгаллаб, Бухоро хонлиги территориясини анча кенгайтиришга эришди. Шунигдек, қозоқларга қарши ҳужум қилинди ва XVI аср 90-йилларида Хоразм, Бухоро хонлигига бўйсундирилди. Давлат ҳокимияти марказлаштирилиб, хонлиқнинг иқтисодий-сиёсий аҳволи бирмунча яшиланди. Лекин бу ҳол узоққа чўзилмади. Абдуллахон ўлимидан сўнг тахтга унинг ўғли Абдулмўмин ўтириб, ярим йил ўтмасданок ўлдирилди ва шу

2-жадвал

Йиллар	минг сўм ҳисобида	
	келтирилган	чиқарилган
1801—1805	75108	52765
1806—1808	43169	31819
1812—1815	61986	39106
1816—1820	91712	70049
1821—1825	81372	72250
1826—1830	85715	79687
1831—1835	94319	80999
1836—1840	118435	101096
1841—1845	132323	119—864
1846—1850	151757	131522
1851—1855	133173	129962
1856—1860	225944	205866

билан шайбонийлар династияси ҳукмронлиги тугади. Ҳокимият тепасига Астрахань хонларининг вакили Жонибек ўтирди. Шу равишда Бухоро хонлигида янги Астрахань (Аштархон) династияси ҳукмронлиги ўрнатилди. Бу династия ҳукмдорлари хонлиқнинг Абдуллахон замонидаги ҳолатини сақлай олмадилар. Чунончи, Эрон шоҳи Аббос Хуросонни босиб олиш билангина чегараланмай, Балхни эгаллаш учун ҳам ҳаракат қилди. Эрон шоҳи ёрдамида Хива хони Хоразмда ўз ҳукмронлигини ўрнатишга эришди. Қозоқ хони Таваккал Бухоро хонлигининг кучсизлигидан фойдаланиб, Тошкентни босиб олди ва Самарқандни эгаллаш учун ҳужум қилди.

Хуллас, XVII асрда Астрахань хонлари ҳукмронлиги вақтида давлатни марказлаштиришга қаратилган ҳаракат кутилган натижаларни бермади. Оқибатда Бухоро хонлиги сиёсий жиҳатдан мустақам бўлмай, хонликда айрим феодал гуруҳлар билан қабила бошлиқларининг роли ошди. Бухоро хонлигининг заифлашиши туфайли Хива хонлиги Мовароуннаҳрга ҳужум қилди. Гарчи бу ҳужум муваффақиятсизликка учраган бўлса-да, Мовароуннаҳр аҳволини оғирлаштирди. Ўзбек хонлиқлари ўртасидаги ўзаро урушлар мамлакатнинг иқтисодий-сиёсий жиҳатдан муайян ўсиб боришига катта тўсиқ бўлишига қарамай Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хоразм, Балх каби шаҳарлар аҳволига қаттиқ таъсир этмади. Ўрта Осиё шаҳарлари савдо-ҳунармандчилик ва маданият марказлари сифатида ўз фаолиятини давом эттирди. Бу жойларда, айтиқса, бўз, олача, хом сурп, зандони, мата, дока, атлас, кимхоб, банорас, беқасам, адрас каби турли рангдаги ип ва ипак газламалар ишлаб чиқариш кенг қулоқ ёйиб, мамлакат ички ва ташқи савдосида салмоқли ўрин эгаллаган.

Ўрта Осиё шаҳарларида, шунигдек, атроф жойларда ишлаб чиқариш маҳсулотларининг маълум турлари ихтисослаштирилган алоҳида маҳалла, қишлоқлар вужудга келган эди. Масалан, Бухоронинг шимолида жойлашган Зандона қишлоғида ип газлама ишлаб чиқариш бундан минг йил илгарийёқ ихтисослаштирилган. Бу тўғрида X аср биринчи ярмида яшаган Наршаҳий шундай ёзади: «Қишлоқда катта қалъа, катта бозор ва мачит бор. Бу ердан зандоничи (зандони) номи ип газлама олиб кетилади. Бу газлама Зандона қишлоғида ишлаб чиқарилганлиги учун шу ном берилган. Бухоронинг кўп қишлоқларида ишлаб чиқарилган газламалар ҳам «зандоничи» номи билан юритилади. Чунки уни даставвал шу қишлоқ кишилари ишлаб чиқарган...».

Зандони ип газламаси, Наршаҳийнинг сўзича, Ироқ, Эрон, Кармана, Ҳиндистон каби мамлакатларда жуда маш-

хур бўлган. Шубҳасиз, X асрда Волга бўйлари орқали бутун Шарқий Европага ҳам ана шундай газламалар олиб кетилган. Чунки бу вақтларда Урта Осиё билан Шарқий Европа ўртасида савдо-сотик алоқалари анча ривожланиб, у ерларга кўплаб газламалар келтирилиб туриларди. XVI—XVIII асрларда ва бундан кейинги даврда зандони ип газламаси Россияда «зенден» номи билан машҳур бўлган. Урта Осиё хунармандчилик саноатида ипакчилик муҳим роль ўйнаб, улар орасида Фарғона водийси, Бухоро ва Хивада тўқиладиган ипак газламалар савдонинг муҳим буюми ҳисобланган.

Хунармандчилик саноатида қурол-аслаҳа ишлаш такомиллашган бўлиб, қилич, ичқоқ, қалқон, совут, ўқ ёй сингари қуроллар олтин, кумуш ва қимматли тошлар билан нақшланар эди. Мис ва бронзадан ясалган турли идишлар ҳам гўллар билан нақшланиб ясаларди. Заргарлик моллари ишлаб чиқариш такомиллашган эди.

Урта Осиё шаҳарларида кийим тикиш, гилам тўқиш ва этикдўзлик каби хунармандчилик тармоқлари тараққий этган эди. Юқорида айтилган моллар ички ва ташқи савдонинг муҳим буюмлари ҳисобланган. Хунармандчилик саноатининг янада тараққий этишига ўзаро феодал урушлари ва оғир божлар тўсқинлик қилган. Шунга қарамай, Урта Осиё Ҳиндистон, Хитой, Эрон, Афғонистон, Тибет ва бошқа жойлар билан савдо-сотик қилган.

1558 йил декабридан 1559 йилнинг март ойигача Бухорода яшаган Дженкинсини сўзларига қараганда Бухорода ҳар йили Ҳиндистон, Эрон, Балх, Россия ва бошқа жойлардан катта карвонлар билан келадиган савдогарларнинг қурултойи бўлган. Ҳиндистондан салла учун ишлатиладиган оқ дока ва бошқа оқ рангли газламалар келтирилган. Бу моллар эвазига Ҳиндистонга ипак газламалар, хом тери, от ва бошқа моллар олиб кетилган. Эрондан Бухорога асосан ип газламалар, полатно сингари моллар олиб келинган. Бу ердан эронликлар анча миқдорда хом тери, шунингдек, рус моллари олиб кетиш имконига эга бўлганлар.

Россиядан хом тери, жун газламалар, ёғоч идишлар, эгар, узанги ва бошқа моллар келтирилган. Бухородан Россияга эса ип ва ипак газламалар олиб кетилган. Йўл хавф-хатарсиз бўлган вақтларда Бухорога Хитойдан ҳам карвонлар келарди.

XVIII асрда ўзбек хонликлари ўртасида ўзаро кураш бормоқда эди. Бунинг устига жунғорлар XVIII аср биринчи ярмида Тошкент ва унинг атроф жойларини эгаллаб, бу ерларда бир неча йиллар давомида ҳукмронлик қилдилар.

Хуллас, XVIII асрнинг биринчи ярмида Урта Осиёнинг

маълум қисми жунғорлар қўл остида бўлиб, бу жойлардаги савдо ва карвон йўллари шу кўчманчилар ихтиёрида эди.

1740 йилда Эрон шоҳи Нодир Бухоро ва Хива хонликларини ўзига бўйсундириб олди. 1747 йилда Нодир ўлгандан сўнг ҳар иккала хонлик ҳам мустақилликка эришди. XVIII аср 50-йилларида Хитойда ҳукмронлик қилаётган Цин династияси қўшинлари жунғорларни тор-мор қилиб, Шарқий Туркистонни эгаллади. Шундан кейин жунғорларнинг бошқа жойлардаги ҳукмронлиги ҳам тамом бўлди.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида Бухоро, Хива хонликлари сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан анча ўсди. Шаҳарларда савдо-хунармандчилик, ички ва ташқи савдо ривожланди. Ирригация ишлари кенгайди, ҳатто, кўчманчилар ҳам ўтроқлаша бошлади. Товар-пул муносабатлари ривожланиб, қўшни мамлакатлар, биринчи галда, Россия билан алоқалар кучайди.

Тошкент, Фарғона каби шаҳарларнинг ривожланиши Урта Осиё ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Чунончи, XVIII аср охирларига келиб Тошкент Урта Осиёнинг йирик савдо-хунармандчилик марказига айланди. Фарғонада ишлаб чиқариш кучлари бирмунча жонланиши натижасида Қўқон хонлиги ташкил топди.

XIX асрда ўзбек хонликлари ҳаётида силжишлар юз берди. Қишлоқ хўжалигида пахта, тамаки сингари техника экинлари майдони анча кенгайди. XIX аср ўрталарида Бухоро, Фарғона, Шаҳрисабз, Янги Урганч, Каттақўрғон пахтачиликнинг, Самарқанд области (Миёнқалъа водийси) шолининг, Қарши тамакининг, Хива хонлиги рўян ва бошқа бўёқ ўсимликларининг, Ҳазорасп, Марғилон ипакчиликнинг асосий районлари бўлиб қолди. Шунингдек, ўзбек хонликларида боғдорчилик, полизчилик ҳам ривожланган. Қишлоқ хўжалигининг юксалишига XVIII аср иккинчи ярми ва XIX асрда мавжуд суғориш каналларининг тикланиши, янги каналларнинг қазилиши асосий сабаб бўлди. Хунармандчилик саноатида XIX асрнинг биринчи ярмидан ички ва ташқи бозор учун маҳсулотлар ишлаб чиқариш кучаяди. Қишлоқ хўжалиги ҳамда хунармандчилик саноатининг тез суръатлар билан ривожланишига ҳамон ўзбек хонликларидаги ўзаро урушлар халақит бермоқда эди.

Ўзбек хонликларининг қўшни мамлакатлар ва, айниқса, Россия билан алоқалари ривожлана бошлади. Улар XVI—XIX асрлар давомида Волга бўйлари, Сибирь ва Оренбург орқали Россия билан элчилик ва савдо алоқалари олиб борганлар. Урта Осиёнинг Волга бўйлари билан алоқасида, айниқса, Хива хонлиги муҳим ўринни эгаллаган.

Биринчи боб

XVI АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ — XIX АСРЛАРДА ЭЛЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ XVI АСР ИККИНЧИ ЯРМИ — XVII АСРЛАРДА ЭЛЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ

Ўзбек хонликлари Астрахань орқали рус давлати билан элчилик муносабатларини ўрнатишга ҳаракат қилганлар. Чунончи, 1557 йилда, яъни Астрахань босиб олинишидан кейин бир йил ўтиши биланоқ Бухоро ва Хива хонликлари томонидан у ерга элчи юборилган. Астрахань орқали элчилар Москвага бориб, Россия билан Урта Осиё ўртасидаги савдо алоқаларининг самарали бўлишини таъминлаш тўғрисидаги таклифларни рус ҳукумати олдига қўйганлар. Рус ҳукумати Волга — Каспий йўли орқали савдони кучайтириш мамлакат учун жуда фойдали эканлигини эътиборга олиб, ўзбек элчиларининг таклифларини мамнуният билан қабул қилган ва уларга зўр ҳурмат кўрсатган.

Рус йилномасининг кўрсатишича, 1558 йилда Урганч, Бухоро, Самарқанддан элчилар савдо-сотиқни кучайтириш, дўстона муносабатларни давом эттириш таклифлари билан Москвага келганлар¹. Уша вақтларда рус ҳукумати ўзбек хонликларига ўз элчиларини юборган ёки юбормаганлиги номаълум. 1558 йилда Англиянинг Москвадаги савдо компаниясининг вакили Дженкинсон рус подшоҳининг Хива ва Бухоро хонликларига юзган ёрлиқларини олиб кетган. Айрим авторлар Дженкинсон фақат Москва компаниясининг вакили эмас, балки рус подшоҳининг элчиси сифатида ҳам Урта Осиёга юборилган, деб ҳисоблайдилар. Бироқ Дженкинсоннинг Бухоро ва Хива хонликларига боришига доир маълумотлар бу фикрни тасдиқламайди². Афтидан, рус подшоҳи Англия-Москва савдо компанияси ролини ҳисобга олган ҳол-

¹ Полное собрание русских летописей (П. С. Л.), т. XIII, вторая половина, стр. 313, 318, МИИТТ ССР, стр. 405, 413.

² Английские путешественники о Московском государстве в XVI в., Перевод с английского Ю. В. Готье, Л., 1937.

да Дженкинсонга ўз ёрлиғини берган. Ёрлиқларда Дженкинсон хавфсизлигини таъминлаш ўзбек хонликларидан сўралганлиги туфайли, у омон-эсон Россияга қайтиш имконига эга бўлган³. Бу ўзбек хонликларининг рус давлатига ҳурмат билан қараганлигини кўрсатади.

1559 йилда Бухоро ва Хива хонлари Дженкинсон билан бирга ўз элчиларини Москвага юборган⁴. 1560 йилда Россияга Хива ва Бухородан элчилар келганлиги маълум⁵. Айрим маълумотларга кўра, Тошкент Волга йўли орқали рус давлати билан бевосита алоқа ўрнатишга ҳаракат қилган. Бу ҳақда 1561 йилда Москвага Тошкент ҳокими элчисининг келиши гувоҳлик беради⁶. Москвага бундай элчи 1574 йилда ҳам келган⁷.

Демак, Урта Осиёнинг Бухоро, Урганч, Самарқанд ва Тошкент сингари йирик савдо-хунармандчилик марказларининг ҳаммаси Волга йўли орқали рус давлати билан алоқани кучайтиришга ҳаракат қилган. Шу мақсадда 1564—1565 йилларда Москвага Хива ва Бухородан элчилар келганлиги маълум⁸. 1564 йилда келган элчилар ўрта осийликларга Астрахань ва Қозондагина эмас, балки Россиянинг бошқа жойларида ҳам бемалол савдо қилишларига шароит туғдирилишини сўраганлар⁹. Рус подшоҳи бу таклифларни мамнуниятлик билан қабул қилганлиги ҳақида элчилар орқали ўзбек хонликларига ёрлиқ юборди¹⁰. Шунингдек, кейинги вақтларда Москвага ўзбек хонликларидан элчиларнинг келганликлари архив ҳужжатларида баён этилган. 1583 йилда Бухородан, Хивадан келган элчилар Москвада ҳозир бўлиб, рус подшоҳи уларни Сибирь хонлигининг босиб олиниши шарафига берилган зиёфатда меҳмон қилган¹¹. Бу вақтда Москвага Мирза Муҳаммад Юсуф Қўрчи боши номли Бухоро элчисининг юборилганлиги маҳаллий манбаларда ҳам қайд қилинган*.

³ Уша жойда, 185-бет.

⁴ Уша жойда, 186-бет.

⁵ Чтения ОИДР при Московском университете, 1888, кн. 3, стр. 62.

⁶ Уша жойда.

⁷ МИИТТ ССР, стр. 405.

⁸ П. С. Р. Л. XIII, вторая половина, стр. 406—407; С. В. Жуковский, Сношения России с Бухарой и Хивой за последнее трехсотлетие, Петроград, 1915, стр. 10.

⁹ Журнал МВД, СПб., 1839, ч. 34, № 10, стр. 364.

¹⁰ Уша жойда.

¹¹ Уша жойда.

* Мулла Таниш Бухорий (Нахлий) Шараф номан шоҳий (Абдуллонома), ЎзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фонди, инв. № 2207, № 335 а, б.

1885 йилда Астрахань орқали бухоролик Муҳаммадали, хивалик Муҳаммад ҳожи номли элчилар ўз хонликларининг ёрлиқ ва совғалари билан Москвага келганлар.

Айрим элчилар Россияга икки мартаба келган. Масалан, Бухоро элчиси Муҳаммадали 1589 йилда ҳам Хива элчиси Кадиш билан бирга Москвага келган. Муҳаммадали бу келишида Астрахань маҳаллий ҳокимияти Урта Осиё савдогарларидан белгиланган миқдорга нисбатан ошиқча бож олаётганлигини рус ҳукуматига маълум қилиб, бунга барҳам берилишини сўраган. Шунингдек, элчи Астраханда ортиқча бож олиниши орқасида савдогарлар у ерга бормай, Туркияга, Шемах ва Нўғой ерларига кетаётганликлари ҳақида хабар берган. Рус подшоҳи Федор Иванович элчи Муҳаммадалининг шикоятини эътиборга олиб, савдогарлардан ортиқча бож олмаслик ҳақида Астрахань маҳаллий ҳокимиятига фармон юборган¹².

XVI аср 90-йилларида Бухоро ва Хива элчилари бир неча марта Москвага келганлар. Масалан, 1590 ва 1598 йилларда Хивадан келган Алим Баҳодир ва Чопар Муҳаммадхўжа, 1595 ва 1596 йилларда Бухородан келган Қутлуғ Даш ва Чопар Султон Назар каби элчилар шулар жумласидандир.

XVI аср иккинчи ярмида рус ҳукумати томонидан ҳам ўзбек хонликларига элчилар юборилган эди. Жумладан, 1579 йилда подшоҳ Иван Грозний IV Юрий Матюнинни элчи, 1589 йилда эса подшоҳ Федор Иванович татар Байбир Ташевни чопар сифатида Бухорога жўнатган. Афсуски, бу элчи ва чопарнинг фаолиятига оид ҳужжатларга эга эмасмиз. Бироқ айтиш мумкинки, рус элчиларининг вазифасига савдони самарали давом эттириш ҳақида ўзбек хонликлари билан музокара олиб бориш кирган.

XVII асрда Россиянинг Урта Осиё билан элчилик алоқалари янада жонланди. Хива ва Бухоро хонлари ўз элчиларини Россияга юбориб турдилар. 1614 йилда Хива хони Араб Муҳаммадхон (1602—1621) Михаил Федоровичнинг тахтга ўтириши муносабати билан уни табриклаш ва савдо алоқаларини давом эттириш мақсадида Дўст Абиз ва Шукур номли элчиларини Россияга жўнатган. Элчилар Астрахань орқали Москвага келиб, Араб Муҳаммадхон номидан ёрлиқни рус ҳукуматининг тегишли вакилларига тақдим этганлар. Ёрлиқда Россия ва Хива хонлиги ўртасидаги қадимдан давом этиб келаётган яқин алоқалар эслатиб ўтилиши билан бир қаторда, ўзаро муносабатларни янада яхшилаш таклиф этилади: «Подшоҳ ҳазратлари, — деб ёзган эди Хива хони, — Россия»

¹² МИУТТ ССР, 101—102-бетлар.

нинг собиқ улуғ подшоҳлари, князлари Урганч подшоҳлари билан қандай дўст, меҳрибон ва яқин алоқада бўлган бўлсалар Арабхон билан ҳам шундай яқин алоқада бўлсинлар, савдогарлар аввалгидек тўхтовсиз ҳар икки томонга бемалол қатнасин»¹³.

Москвада Хива хонининг дўстлик ва савдо алоқаларини кучайтириш ҳақидаги таклифлари маъқул топilib, элчилар шахсан рус подшоҳи томонидан қабул қилинди. Шунингдек, улар элчихона маҳкамасининг масъул ходимлари билан ҳам музокара олиб бордилар. Рус ҳукумати жавоб тариқасида татар Девлет Қазинни элчи сифатида Хивага юборишга қарор қилди. Девлет Қазин 1615 йилда Хивага бориб хон ҳузурда бўлган. Афсуски, унинг фаолиятига тегишли маълумотлар сақланмаган.

Араб Муҳаммадхон Волга — Каспий йўли орқали савдонини кучайтириш зарурлигини яхши англаб, рус давлати билан алоқани мустаҳкамлаш сиёсатини тутди. У юқорида кўрсатилган рус элчиси Девлет Қазин билан бирга 1616 йилда Юсуп ҳожини элчи сифатида Россияга юборди. Элчи хон ёрлиғи билан Москвага келган. Ёрлиқнинг мазмуни Хива хонининг рус давлатига бўлган муносабати тўғрисида яхши тushунча беради: «Подшоҳ, — деб ёзган эди Араб Муҳаммадхон, — бизга ўз элчиларининг ёрлиғини билан юборибсан ва мен сенинг ёрлиғининг бажонидил олдим ва сенинг саломатлигининг эшитиб жуда хурсанд бўлдим. Сизнинг ота-боболарингиз ва бизнинг ота-боболаримиз — Урганч, Хоразм подшоҳлари билан яхши алоқада бўлиб, элчилар қатнаб турган ҳамда ҳар икки томонда бемалол савдо қилинган. Шунга ўхшаш ҳозирда ҳам сен улуғ подшоҳ биз билан яхши алоқа тут ва сен.. элчиларининг биз томонга юбориб тургинки, ўртамиздаги меҳр-муҳаббат янада ошсин»¹⁴.

Шунингдек, ёрлиқда Ёйиқда Урта Осиё савдогарларининг казаклар томонидан таланганлиги ва ҳозирда улар ҳукумат аскарлари томонидан жазоланиб, таланган моллар Самарага келтирилиб, давлат хазинасида сақланаётганлиги кўрсатилган. Хива хони шу молларни ўз эгаларига қайтарилишини сўраган. Элчи Юсуп ҳожи Москвада рус ҳукуматининг вакиллари билан ҳар икки томонни қизиқтирадиган масалалар устида бир неча мартаба музокаралар олиб борди. Масалан, элчилик ва савдо алоқаларини самарали давом эттириш, Ёйиқда савдогарларнинг таланиши, Хива хонлигининг Эрон

¹³ «Хивинские столбцы», л. 28.

¹⁴ «Хивинские столбцы», л. 2—4.

билан алоқаси ҳақида ўзаро фикр алмашилди. Музокара-ларда элчи Юсуп ҳожи Россиянинг чекка ўлкаларидаги, жум-ладан, Самарадаги маҳаллий ҳокимиятнинг собиқ бошлиғи воевод Михаил Белосельскийнинг Урта Осиё савдогарларига нисбатан қилган зўравонлигига ва нотўғри хатти-ҳаракат-ларига рус ҳукуматининг диққатини жалб этди. Элчининг кўрсатишича, Самарада Дўстогул бошчилигидаги 300 аравали карвондан, Бекмамат бошчилигидаги 200 аравали кар-вондан, Шайхзода хўжа бошчилигидаги 50 аравали карвон-дан, Дўстогул Қатлими бошчилигидаги 200 карвондан зўрлик билан газлама, ўқёй, қилич ва от сингари моллар тортиб олинган. Савдо карвонларидан тортиб олинган молларнинг умумий миқдори 30 минг сўмга борган¹⁵.

Элчи бундай ғайри қонуний ҳаракатларга ва зўравонлик-ка барҳам берилишини, Астрахань билан Волга бўйидаги бошқа шаҳар бошлиқларига рус ҳукуматининг фармони юбо-рилишини сўраган. Шундай қилинганда Урта Осиё савдогар-лари жуда хурсанд бўлиб, турли моллар билан Волга бўй-ларига тез-тез келиб туришларини ва бунинг орқасида рус давлати катта фойда кўришини уқтириб, ўтди¹⁶. Музокаралар вақтида савдо карвонларининг қуруқ йўл билан Самарага келиши мақсадга мувофиқ эмас, деб бир фикрга келинди.

Савдо карвонларининг Манқишлоқ орқали Астраханга ке-лиши ҳақида қарор қабул қилинди. Маълумки, бу йўл орқа-ли қадимдан савдо карвонлари қатнаб турган. Бироқ XVII аср бошларида Астраханда казаклар ҳаракати муносабати билан у ерга савдо карвонлари келмай қўйган. Казаклар ҳаракатининг бостирилиши Волга — Каспий йўлидан карвон-ларнинг қатнашига имкон берган. Шу туфайли Юсуп ҳожига савдогарларнинг эски йўлдан қатнашлари таклиф этилди.

Музокаралар вақтида кўтарилган масалалар қандай ҳал қилинганлиги рус подшоҳи Михаил Феодоровичнинг Араб Муҳаммадхонга ёзган ёрлиғида ўз ифодасини топди. Ёрлиқ-да Хива хонлиги билан қадимдан давом этиб келаётган элчи-лик ва савдо алоқаларини давом эттириш зарурлиги баён этилган.

Рус подшоҳи Хива хонлиги билан дўстона алоқада бўлиш истагини изҳор қилган. Урта Осиё савдогарларининг талан-ган молларини қидириб топиб, ўз эгаларига топширилиши ҳам кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, ёрлиқда Астрахань ва бошқа шаҳарларга Урта Осиё савдогарларига ҳеч қандай

зарар етказмаслик, уларнинг фаолиятига шароит туғдириш ҳақида фармон юборилганлиги ёзилган. Самарага борадиган қуруқ карвон йўлининг хавфлилиги сабабли Урта Осиё сав-догарларининг Россияга Астрахань орқали қатнашлари Хива хонига таклиф этилди.

Рус подшоҳи Хива хонига ўз ёрлиғини юбориш билан баробар, унда қўйилган масалаларни амалга оширишни Астрахань ва Қозон маҳаллий ҳокимият бошлиқларига мах-сус ёрлиқ билан буюрди. Жумладан, маҳаллий ҳокимият ва-килларига Урта Осиё савдогарларининг Астрахань, Царицин, Самара ва Қозон сингари Волга бўйи шаҳарларида бемалол савдо қилиши учун рухсат берилганлиги уқтирилди ҳамда улар фаолиятига ҳеч қандай тўсқинлик қилмаслик тўғрисида кўрсатма берилди. Уша вақтларда, яъни 1615 йилда Хива хонлигида рус элчилари И. Тихонов ва А. Бухаровларнинг бўлганликлари маълум. Бу элчиларнинг асосий мақсади Эронга бориш эди. Уша пайтларда Урта Осиё орқали Эрон-га бориш бирдан-бир хавфсиз йўл эканлиги маълум эди. Шунинг учун ҳам элчиларни Урганч орқали Эронга ўтиш-лари ҳукумат томонидан маъқулланди. Рус элчилари рус подшоҳининг Хива хони номига ёзилган ёрлиғи билан Ур-ганчга келганлар¹⁷. Бу ерда Араб Муҳаммадхон рус элчилари билан суҳбатлашган. Хон рус подшоҳи юборган ёрлиқнинг мазмунини тинглаб, элчиларга шундай деган: «Мен шунга хурсандманки, менинг савдогарларим Москва давлатидан ва, шу жумладан, Астрахандан кўп фойда олаётир ва сиз-ларнинг подшоҳларингиз менинг отам Азим билан алоқа ўрнатиб, ўзаро дўст ва меҳрибон бўлганлар...»¹⁸. Суҳбатда рус элчилари рус давлатининг шуҳратини гапирётганларида, Араб Муҳаммадхон уларни тўхтатиб: «Менинг ўзим Москва давлатини биламан, Сизнинг подшоҳингиз улуғ ва кўп дав-латлар унинг қўл остида»¹⁹, — деб жавоб қилган.

Бинобарин, бу вақтларда Хива хонлигида рус давлати ҳақида яхши тушунча мавжуд эди. Суҳбатда Араб Муҳам-мадхон рус давлати билан дўстона алоқаларни давом этти-ражagini айтган. Бунга жавобан элчилар хонга рус подшоҳи ҳам Хива хонлиги билан дўстона муносабатда бўлишни

¹⁷ Рус элчилари билан бирга Урганчга Россиядан ўз ватанига қай-таётган Эрон элчиси Амиралли 15 кишидан иборат ҳамроҳлари билан келган.

¹⁸ Труды Восточного отделения русского археологического общества, т. XXI, СПб., 1892, стр. 278.

¹⁹ Уша жойда.

¹⁵ Уша жойда, 12-бет.

¹⁶ Уша жойда.

истайди деб жавоб қилганлар²⁰. Сўнг улар Урганчдан Эронга жўнаб кетганлар.

Гарчанд, рус ҳукумати Урта Осиё билан савдони кучайтиришга қаратилган тадбирларни кўриб, уларни амалга оширишни Волга бўйидаги шаҳарларнинг маҳаллий ҳокимияти зиммасига юклаган бўлсада, лекин айрим амалдорлар Урта Осиё савдогарларига нисбатан ғайри қонуний муносабатда бўлганлар. Араб Муҳаммадхон 1619 йилда Раҳимқул номли элчисини Астраҳанда ўрта осиелик савдогарлар молларидан белгиланган миқдорга қараганда кўп бож олинаётганлиги ва уларга нисбатан зўравонлик қилинаётганлиги муносабати билан Москвага юборган. Араб Муҳаммадхон томонидан рус подшоҳи номига ёзилган ёрлиқда шундай дейилади: «Бизнинг одамларимиз турли моллар билан Астраҳанга қатнайдилар. Астрахань воеводлари эса уларга зўравонлик қилиб, зарар етказмоқдалар; божларни жуда катта олмоқдалар ва уларнинг (савдогарларнинг — Ҳ.З.) молларини харид нархи бўйича баҳоламай, ўзларича катта нарх қўймоқдалар, ғайри қонуний йиғим олмоқдалар ва божларни олдинги тартиб асосида олмаётирлар, бизнинг сиз биродаримиздан сўровимиз шуки, ўз фармонингизни чиқариб воеводларингизни тийиб қўйингки, улар савдо кишиларига зарар етказмасин, савдо кишилари эркин ва бажонидил қатнасин»²¹.

Рус ҳукумати хон ёрлиғидаги шикоятни текширишни буюриш билан бирга Урта Осиё савдогарларидан ортиқча бож олмаслик ва ғайри қонуний ишларга йўл қўймаслик ҳақида Самара, Қозон²² сингари шаҳарларга фармон юборди. Бунда ўрта осиеликлардан олинган ортиқча божларни уларга қайтариб бериш ҳам буюрилди. Фармонда ўрта осиеликларга нотўғри хатти-ҳаракатда бўлиш рус давлатининг Хива ва Бухоро хонликлари ўртасидаги алоқаларни ёмонлаштиришга олиб келиши маҳаллий ҳокимият вакилларига уқтириб ўтилди²³.

Элчи Раҳимқул зиммасига хазина молларини сотиш ва хон саройи эҳтиёжи учун рус молларини олиш вазифаси ҳам юклатилган эди. У ўз ватанига шу вазифаларни бажариб

²⁰ Уша жойда, 279-бет. Рус элчиларининг сўзича, рус подшоҳи Михаил Феодорович савдогар Абдулла Шопўлатов орқали Бухоро хонига ҳам ўз ёрлиғини юборган. Ёрлиқнинг мазмуни бизга номаълум.

²¹ «Хивинские столбцы», л. 11—19.

²² Фармоннинг Қозонга юборилишига сабаб шу бўлганки, элчи Раҳимқул Қозонда ҳам Урта Осиё савдогарларидан ортиқча бож олинаётганлиги ҳақида шикоят қилган.

²³ МИУТТ ССР, 135-бет.

қайтган²⁴. Уша йили Бухоро хони Имомқулихон (1611—1642) номидан элчи Адам махсус ёрлиқ билан Москвага келган. Хоннинг бу ёрлиғида рус давлати билан қадимий савдо алоқаларини давом эттириш таклиф этилган. Шунингдек, ёрлиқда хон Қрим ва Нўғой татарлари томонидан руслар асир қилиниб, Бухорода сотилаётганлиги, рус подшоҳи элчи юборса, улар озод қилиниб, Россияга қайтарилиши маълум қилинган²⁵. Элчи Адам рус ҳукумати томонидан Москвада ҳурмат билан кутиб олинди, у билан бирга Иван Хохлов рус элчиси сифатида Бухорога юборилди. Иван Хохлов орқали рус подшоҳи Михаил Феодоровичнинг Имомқулихонга юборган ёрлиғи хоннинг ўзaro дўстлик ва савдо алоқаларини давом эттириш ҳақидаги таклифи тўла маъқулланганлигини кўрсатади: «Келажакда,— деб ёзади Михаил Феодорович хонга,— ўз савдогарларингизга моллари билан бизнинг давлатимизга келишларини буюринг. Биз эса улуғ подшоҳ сизнинг сўровингиз бўйича савдогарларингизга ҳамма жойда ҳеч ким томонидан зиён етказилмаслигини таъминлаш мақсадида Қозон, Астрахань ва бошқа шаҳарларимизнинг воеводларига улуғ подшоҳнинг фармони юборилишини буюрдик...»²⁶.

Бунинг бадалига Бухоро хонлиғида рус савдогарларига ҳам эркинлик бериш уқтириб ўтилган. Айни вақтда рус асирларининг озод қилиниши сўралган²⁷.

Иван Хохлов зиммасига Бухоро хонлигининг Туркия, Эрон, Грузия давлатлари билан қандай алоқада эканлигини аниқлаш вазифаси юклатилган. Шунингдек, Иван Хохлов хонлиқнинг ҳарбий аҳволи ҳақида маълумот тўплаши лозим эди. Иван Хохлов ўзaro урушлар қизиган бир вақтда Бухорога келади. Имомқулихон Самарқандда бўлганлиги учун рус подшоҳининг ёрлиғини ўша ерга бориб топширган. Имомқулихон рус асирларини топиб, уларни озод қилиш ҳақида фармон беришини элчига ваъда қилди. Шундан кейин Иван Хохловга Бухорога бориб хонни ўша ерда кутиш таклиф қилинди. Бухорода Иван Хохлов айрим маҳаллий ҳокимият

²⁴ Москвада элчи Раҳимқул билан элчихона маҳкамасининг масъул ходимлари Иван Грамотин ва Соввой Романчуковлар судбат ўтказиб, Хива хонлигининг Бухоро ва Эрон билан алоқасига доир саволлар берганлар. Бунга элчи Хива хонлиги ўша жойлар билан дўстона алоқада, деб жавоб берган. Бу билан бир қаторда, Ембада кўчманчилар савдо карвонларини ўтказмай, савдога тўсқинлик қилганлиги учун Араб Муҳаммадхон уларни ҳарбий куч билан енгган деб кўрсатиб ўтган. Натижада, савдо йўлининг хавфсизлиги таъминланган. Худди шу йўл орқали элчи Россияга келганлигини маълум қилган.

²⁵ С. В. Жуковский, ўша асар, 14—15-бетлар.

²⁶ «Сборник князя Хилкова», стр. 489—490.

²⁷ Уша асар, 247-бет.

вакиллари томонидан азоб чекиб, анча туриб қолди. Кейинчалик у Самарқандга бориб, Россияга қайтишига рухсат берилишини Имомқулихондан сўради. Имомқулихон ўз саройидаги рус асирларини бўшатишнинг, бошқа жойлардаги асирларни эса қидириб топишнинг ўзаро урушлар туфайли иложи йўқлигини айтган. Иван Хохловга 27 та рус асири Имомқулихон томонидан озод қилиниб берилган. Элчига нисбатан Ургенчда ҳам айрим маҳаллий ҳокимият вакиллари томонидан нотўғри хатти-ҳаракатлар қилинган. Бунга Хива хонлигида ҳам ўзаро урушларнинг зўрайганлиги сабаб бўлган эди.

Элчи Иван Хохловнинг ўзбек хонликларидаги фаолияти кўнгилсиз ўтишига қарамай, Хива ва Бухоро хонлари у билан бирга ўз элчиларини юборишга қарор қилдилар. Масалан, 1622 йилда хивалик элчи Махтамбой билан бухоролик элчи Адамбой Россияга келади. Шу йили Имомқулихон элчи Чобак Баликовни Тобольскка юборди. 1623 йилда Ярославга ҳам Бухоро ва Хива хонларидан Юсуп ҳожи ва Бой номи элчиларнинг келганлиги маълум. Шу нарса характерлики, Иван Хохловни Урта Осиёда яхши кутиб олмасалар-да, ўзбек хонлари ўз элчиларини Россияга тез-тез юбориб турганлар.

Баъзи архив ҳужжатларга қараганда, Иван Хохлов Урта Осиёга келган вақтларда хонликлар ўртасидаги ўзаро урушлар қизиқ кетган эди. Шунинг учун ҳам унга етарли эътибор берилмаган бўлиши мумкин.

Иван Хохлов Россияга қайтгандан сўнг ўзбек хонликлари муносабат янада оғирлашган. Россияда ўзбек хонликлари келган элчилар жуда совуқ қабул қилиниб, ҳатто, Хива элчиларининг моллари давлат фойдасига мусодара этилган. Тобольскка келган Бухоро элчиси ҳам Иван Хохловнинг баҳонаси билан қабул қилинмай, орқага қайтарилган.

Иван Хохлов тахт учун ўзаро кураш авж олган бир вақтда Хива хонлигида бўлиб, Хива шаҳзодаларидан бири Афғон билан учрашган. Шаҳзодалар Абиш ва Ильбарс (Араб Муҳаммад ўғиллари) тахт учун курашиб, Афғон отасининг кўзини кўр қилишган. Натижада Афғоннинг ҳаёти хавф остида қолган. Шунинг учун Афғон Иван Хохловнинг маслаҳати билан Москвага келган. Уни рус подшоҳи Михаил Феодорович қабул қилган. Афғон рус подшоҳидан аскар беришни сўраган. Бундан мақсад рус аскарлари ёрдами билан Хивада тахтни эгаллаб, хонлиқни рус давлатининг қўл остига ўтказиш эди. Афғондан, бу таклифни амалга ошириш қийин бўлганлиги учун натижасиз қолдирилган бўлса керак.

Афғон Қосимов шаҳрига юборилади ва ўша ерда (1648 йилда) вафот этади. Иван Хохлов туфайли ўзбек хонлари

билан рус давлати ўртасидаги элчилик муносабатлари издан чиқиб, бу ҳар икки томон манфаатларига мос тушмас эди. Шунинг учун ҳам элчилик муносабатларининг узилиб қолиши унчалик кўп вақтларга чўзилмади.

1633 йилда Хива хони Исфандиёрхон (1623—1642) ўз элчиси Муҳаммадхўжа Баҳодирни Астрахань орқали Москвага юбориб, элчилик алоқаларини тиклашни рус подшоҳи Михаил Феодоровичга маълум қилиш билан бир қаторда, савдо йўлларида хавфсизлигини биргаликда таъминлаш масаласини кўтарди. Бу вақтларда кўчманчи қалмоқлар муҳим савдо йўли ўтадиган Ембада ўрнашиб, савдо қарвонларини таламоқда эдилар. Шунинг учун Исфандиёрхон рус подшоҳига ёрлиқ юбориб, уни қалмоқларга қарши курашишга чақирди: «Сизга маълум бўлсинки,—деб ёзади Исфандиёрхон рус подшоҳига,—ҳозирги вақтда савдогарларимизнинг давлатингизга қатнайдиغان қуруқликдаги йўли—Ембада қалмоқлар йўли беркитиб қўйганлар ва бизнинг одамларимизни ўтказмаётирлар; агар сиз ўз қўл остингиздаги нўғойларни қалмоқларга қарши курашишга буюрсангиз, мен ҳам ўз одамларим билан қалмоқларга қарши чиқаман ва худонинг марҳаматига умид қиламизки, аввалгидек савдогарларнинг ҳар икки томонга борадиган йўли қалмоқлардан тозаланади»²⁸.

Шунингдек, ёрлиқда олдинги вақтларда юборилган Хива элчиларининг моллари мусодара қилиниб, уларнинг ушланиб қолинганлигига қарши норозилик билдирилган.

Урта Осиё, шу жумладан, Хива хони билан элчилик муносабатларининг узилиб қолишидан рус давлати ҳам манфаатдор эмас эди. Чунки бу ҳолат савдо алоқаларини самарали давом эттиришга маълум даражада салбий таъсир кўрсатарди. Шунинг учун ҳам Исфандиёрхоннинг таклифлари мамнуниятлик билан қабул қилинди. Рус подшоҳи Михаил Феодорович Исфандиёрхонга ёрлиқ юбориб, элчилик ва савдо алоқаларини давом эттириш ҳамда қалмоқларга биргаликда курашишга тайёр эканлигини маълум қилди²⁹. Михаил Феодорович Хива элчилари молларининг мусодара қилинишига Иван Хохловга нисбатан Ургенчда Абеш (1621—1623), Хивада Ильбарс (1621—1623) каби собиқ хонларнинг зўравонлиги сабаб бўлди, деб кўрсатиб ўтади. Иван Хохлов Бухорода ҳам, туркман ерларида ҳам азоб чеккан. Михаил Феодорович ўзбек хонларининг элчилари шу сабабли Россияда совуқ қабул қилинганлигини уқтириб ўтган³⁰.

²⁸ «Хивинские грамоты», № 4, л. 1—2.

²⁹ Уша жойда, № 5, 1—4 варақ.

³⁰ Уша жойда.

Ерлиқнинг Хива хонлиги билан савдони кучайтириш масаласига доир қисми айниқса, диққатга сазовор. «Исфандиёрхон,— деб ёзади Михаил Феодорович,— сенга ва сенинг савдогарларингга марҳамат қилдик. Уларга ўз моллари билан аввалгидек буюк рус давлатимизга келишларига ва бемалол савдо қилишларига ижозат бердик, агарда бу ерда савдони тамомлай олмасалар, биз уларга Астрахандан... Кабакли номли кема тўхтайдиган жойга савдогарларни моллари билан бирга Астраханга олиб келсин учун кемалар юборишни буюрдик. Савдогарларингизга келажакда улуғ подшоҳлигимизнинг ери Астрахандан савдо қилиш учун... Волга бўйлаб юқори шаҳарларимизга боришларига... марҳамат қилиб рухсат бердик. Боярларимиз, савдогарларимиз, маҳкама кишиларимизга уларга (хиваликларга — Ҳ.З.) эркинлик берилишини, иззат-икром ва марҳамат кўрсатилишини буюрдик»³¹.

Шундай қилиб, рус ҳукумати Волга — Каспий йўли орқали Урта Осиё савдо-сотиқ алоқаларининг самарали бўлишини таъминловчи тадбирларни кўрди. Рус ҳукумати томонидан Хива хонлиги элчисига нисбатан қилинган яхши муносабат ва Исфандиёрхон таклифларининг қабул қилиниши ҳар икки томон ўртасида элчилик алоқаларининг давом этишида муҳим роль ўйнади. Исфандиёрхон 1636 йилда Аваз Баҳодир, 1637 йилда Б. Шералиев, 1641 йилда Авазбек ва Кошут Баҳодир номли элчиларини Россияга юборган. Шу нарса характерлики, Авазбек Исфандиёрхоннинг элчиси сифатида рус подшоҳи Михаил Феодорович ҳузурига юборилган бўлса, Кошут Баҳодир хоннинг ўғли шаҳзода Сайдали томонидан рус подшоҳининг ўғли Алексей Михайлович ҳузурига юборилган. Москвада ҳар иккала элчи хон ва шаҳзода номидан рус ҳукуматига ёрлиқ тақдим қилган.

Исфандиёрхон ёрлиғида Авазбек бошчилигидаги элчиларнинг состави санаб кўрсатилган. Бунга кўра Толибхўжа, Султон Маҳамад, Миралихўжа, Мискин Кўкалдош, Азиз каби кишилар Авазбекка ҳамроҳ сифатида бириктирилган. Буларга яна 12 киши ва 20 туяга ортилган моллар ҳам қўшилган эди³². Ерлиқда ўзаро элчилик ва савдо алоқаларини давом эттириш таклиф этилган. Шаҳзода Сайдалининг рус подшоҳининг ўғли Алексей Михайловичга ёзган ёрлиғида дўстлик алоқаларини оғишмай давом эттириш уқтириб ўтилиши билан бирга шундай дейилган: «Сизга (Алексей Михайловичга — Ҳ.З.) бизнинг давлатимизда нима керак бўлса,

³¹ Уша жойда.

³² «Хивинские грамоты», № 6.

бу тўғрида хабар қилинг, биз уларни тўхтовсиз юборамиз. Агар сиз бизга қимматли қора савсар, тулки мўйналари ва черкасларнинг гўзал қизларидан юборсангиз мақсадга мувофиқ бўларди»³³.

Исфандиёрхон билан шаҳзода Сайдалининг ўзаро алоқаларни самарали бўлишига интилиши рус ҳукумати томонидан тўла маъқулланиб, Хива хонлигига 1641 йилда жавоб элчиларини юбориш ҳақида қарор қилинди. Анисин Грибов ва Совин Горохов сингари кишилар рус элчилари қилиб тайинланди. Элчилар Хивадан ташқари Бухорога боришлари лозим эди. Рус подшоҳи Михаил Феодорович ўз элчилари орқали Исфандиёрхонга юборган ёрлиғида хоннинг ўзаро алоқаларни мустақамлаш ҳақидаги таклифларига тўла қўшилганлигини баён этган. У бундан кейин ҳам элчилик ва савдо алоқаларини давом эттириш зарурлигини кўрсатган. Михаил Феодорович ўз ёрлиғида Хива хонлигида яшаётган рус асирларини ватанига қайтаришни хондан сўраган³⁴. Шунга ўхшаш мазмундаги ёрлиқ Имомқулихонга ҳам юборилган эди³⁵.

Афсуски, рус элчиларининг Бухоро ва Хива хонликларидаги фаолиятлари ҳақидаги маълумотларга эга эмасмиз. Бироқ шунга қарамай, айтиш мумкинки, рус элчиларининг юборилиши ҳар икки томон ўртасидаги элчилик алоқаларини ривожлантиришда ижобий роль ўйнаган. Чунончи, 1641—1642 йилларда ўзбек хонликларидан Россияга уч марта элчилар борган. Дастлабки йилда борган элчи Беҳбуд Баҳодир Бухордан Астраханга келиб, маҳаллий ҳокимият номига ёзилган Имомқулихоннинг ёрлиғини тақдим қилган. Ерлиқда элчи Беҳбуд Баҳодирнинг ҳеч қандай тўсқинликсиз Москвага боришига ёрдам берилиши Астрахань воеводидан сўралган³⁶. 1642 йилда Балх ҳокими Нодир Муҳаммад ўз элчиси Иброҳимхўжани Москвага юборган. Бу ерда элчи савдо алоқаларини давом эттириш ва Волга бўйи шаҳарларига бир неча йиллар илгари келган балхлик савдогар Ҳусайинхўжанинг ўлдирилиш сабаблари ва ундан қолган молларни ватанига жўнатишга доир масалаларга рус ҳукуматининг диққатини

³³ Уша жойда, № 10, 1-варақ.

³⁴ Подшоҳ ёрлиғида руслар қримликлар томонидан асирликка олиниб, Урта Осиёда сотилиши уқтириб ўтилган. Феодор Матвеев, Микофар Григорьев, Евтихий Иванов, Иван Семенов, Василий Степанов, Ивашка Андреев, Казоринко Христофоров, Мортин Кошялев, Николи Зарайский, Демка Григорьев, Микифарко Степанов, Агейка Микита каби Урганчдаги рус асирларининг номлари берилган.

³⁵ Бу ёрлиқда ҳам бир неча рус асирларининг номи келтирилган.

³⁶ «Хивинские столбцы», л. 7—8.

жалб қилди. Рус ҳукумати Балх элчиси таклифларининг ҳам-масига қўшилиб, бу ҳақда Нодирмуҳаммадга ўз ёрлигини юборган³⁷. Бинобарин, Волга — Каспий йўли орқали Балх билан ҳам элчилик ва савдо алоқалари йўлга қўйилган эди.

Қалмоқлар карвон йўлларини тўсиб, Урта Осиёнинг Россия билан алоқасига ҳамон катта путур етказмоқда эди. Исфандиёрхоннинг кўрсатишича, улар ёзда Қозон ва Сибирь, қишда Емба атрофларида кўчиб юриб карвонларни талардилар. Карвон йўлининг хавфсизлигини таъминлаш осон иш бўлмай, анча кучни талаб қиларди. Шунинг учун 1642 йилда Исфандиёрхон Бухоро хони ва рус давлати билан биргаликда қалмоқларга қарши курашиш масаласини кўтариб ўз элчиси Амин Баҳодирни Москвага жўнатган. Бу масала бўйича рус подшоҳига элчи томонидан келтирилган Исфандиёрхон ёрлиғида қишда Қозон ва Сибирдан, ёзда эса Астрахандан қалмоқларга қарши рус аскарлари юборилиши таклиф этилган. Айни бир вақтда, Бухоро хони Имомқулихон ва Исфандиёрхон ўз аскарларини юборишлари маълум қилинган. Бу ҳақда Исфандиёрхон Имомқулихонга хат юборганлигини ўз ёрлиғида кўрсатиб ўтган.

Ҳатто, Исфандиёрхон карвон йўлининг доимий хавфсизлигини таъминлаш учун Ембада рус давлати томонидан шаҳар қурилишини подшоҳга таклиф қилди: «Агар Ембада подшоҳ ҳазратлари, — дейилган хон ёрлиғида, — шаҳар қуриб у ерда аскар тайинласалар, у вақтда жуда яхши бўларди. Қалмоқлар йўлдан улоқтариб ташланиши биланоқ подшоҳ ҳазратлари билан Исфандиёрхон савдогарларининг ҳар икки томонга — Сибирга, Қозонга, Астраханга — чўл орқали қатнаши хавфсиз бўларди»³⁸.

Бундан ташқари, Исфандиёрхон Караган пристанидан Астрахангача Урта Осиё савдогарлари юқларини ташишда кема бошлиқлари томонидан қилинган ножўя муомала ва ҳаракатлар устидан рус подшоҳига шикоят қилган. Бу масала элчи Амин Баҳодирнинг Михаил Феодоровичга ёзган аризасида ўз ифодасини топди. Аризада рус савдогарларига қулай шароит яратилганлиги ва хоҳлаган жойларига тўсқин-

³⁷ МИУТТ ССР, 170—173, 180—182-бетлар. Ерликда айтилишича, Балхлик савдогар 15 йил Астраханда яшаб, Волга бўйи шаҳарларига, ҳатто Эронгача бориб савдо билан шуғулланган. Пировардида, Саратов билан Қозон ўртасида вафот этиб, унинг моллари ўғлига қолган. Унинг ўғли савдо билан Сибирга борганда фожиали равишда бир киши томонидан ўлдирилган. Бу ҳодисани текшириш ва молларни топиш Нодирмуҳаммадга юборилган рус подшоҳи ёрлиғида қайд қилинган.

³⁸ «Хивинские грамоты», № 13, л. 1.

ликсиз боришлари кўрсатилган: «Урганч вилоятига, — дейилди аризада, — Астрахандан ҳар йили рус ери Хожитархон (Астрахань — Ҳ.З.)дан 40—50 рус савдогарлари келиб... хоҳласалар улар Урганчда ёки бўлмаса Урганч вилояти орқали Бухорога ва Балхгача бориб, у жойда 2—3 йил турадилар»³⁹. Шу сатрлардан сўнг хиваликларнинг Астраханга боришларида дуч келадиган қатор қийинчиликлар баён этилади: «Агар бизнинг урганчлик савдогарлар Хожитархонга борсалар, у вақтда денгиз қирғоғигача 30—35 кунлик йўл, денгизгача ҳар бир юк учун кўп харажат қилинади, бизниқлар денгиз қирғоғи — (Қаранг — Ҳ.З.) га келганларида рус савдогарлари уларнинг молларини арзон сотишларига мажбур қилиш мақсадида кема бошлиғидан урганчлик савдогарларни (Астраханга — Ҳ.З.) олмаслиқларини сўрайдилар; шу сабабли кема бошлиғи хоҳласанглр шу ерда савдо қилинглр, хоҳламасанглр қайтинглар деб урганчлик савдогарларни кемага олмайди; агар улар орқага (молларни — Ҳ.З.) қайтиб олиб кетсалар... ҳар бир юкка 20—30 сўм кира пули тўлашлари керак, бордию ўша жойда сотсалар (рус савдогарлари — Ҳ.З.), ҳатто, ярим баҳосига ҳам олмайдилар, бу бизнинг одамларимизга катта зиён»⁴⁰.

Элчининг аризасида бир гуруҳ Хива савдогарлари бу ҳолатга қарши бош кўтариб, Исфандиёрхон ҳузурини бўлиб, рус савдогарларини Карагандан Урта Осиёнинг ички томонларига қўймаслик ҳақида фармон берилишини сўрадилар. Бироқ Исфандиёрхон бу таклифга кўнмай: «Узаро дўстликнинг белгиси савдогарларнинг ҳар икки томонга баробар қатнашларидадир», — деди. Шунингдек, у Карагандаги Урта Осиё савдогарларига қилинаётган муносабатдан рус подшоҳининг хабари бўлмаслиги мумкин, деб кўрсатиб ўтди. Шунинг учун кўрсатилган аҳволни рус подшоҳига етказиш элчи Амин Баҳодирга буюрилган⁴¹.

Элчи ўз хонининг топшириқларини бажариб, бу ҳақда рус подшоҳининг ёрлиғи билан орқага қайтган. Ерликда Исфандиёрхоннинг ҳамма таклифлари рус ҳукумати томонидан ўринли ҳисобланганлиги ва тегишли чоралар кўрилганлиги баён этилган. Жумладан, рус подшоҳи Карагандаги Урта Осиё савдогарларига қилинаётган тўсқинликларга барҳам бе-

³⁹ Архив ЛОИИ АН СССР, ф. 178, Астраханская приказная палата, оп. 1, № 1505, л. 1.

⁴⁰ Уша жойда, № 1506, л. 1.

⁴¹ Архив ЛОИИ АН СССР, ф. 178, Астраханская приказная палата, № 1506, л. 1.

рилиши тўғрисида Астраханга фармон юборган⁴². Шунингдек, ёрликда қалмоқларга қарши курашишга розилик билдирилиб, Астрахань маҳаллий ҳокимиятига масалани ўрганиш ва бу тўғрида ҳукуматга ахборот бериш буюрилганлиги кўрсатиб ўтилган.

Шундай қилиб, кўрдикки, қалмоқлар савдо карвонларини талаб савдога путур етказмоқда эдилар. Қалмоқларнинг бундай ҳаракатлари Россия билан савдони самарали давом эттиришга уринаётган Хива хонлиги эътиборини жалб этмасдан қўймас эди, албатта. Исфандиёрхон қалмоқларни осонликча енгил мумкин эмаслигини тўла англагач, уларга қарши Бухоро хонлиги билан рус давлати қатнашувида Иттифоқ тузишга ҳаракат қилди. Аммо ўзбек хонликлари ичидаги ўзаро зиддият ва урушлар иттифоқ тузишга йўл қўймас эди. Рус давлати эса қалмоқларга қарши қўшин юбориш ҳақида бирор амалий иш кўрмай умумий ваъда билан чегараланган, холос. Афтидан, рус давлати ўз қўшниси қалмоқлар билан алоқанинг ёмонлашишидан бош тортган бўлса керак.

1644 йилда Бухоро хони Нодирмуҳаммаднинг (1642—1645) элчиси Қози Нўғой хоннинг тахтга ўтирганлигини маълум қилиш учун Москвага келиб, ўзаро алоқани давом эттириш ва рус элчиси Онисим Грибовнинг Бухорода бўлишига доир масалаларни ўз ичига олган ёрликни ҳукумат вакилига тақдим қилди. Нодирмуҳаммадхон ёрликда ўз қўл остидаги ерларни санаб кўрсатиб, Бухоро хонлигининг қудратли эканлигини намойиш қилишга уринган. У рус ҳукуматининг элчи Онисим Грибов орқали юборган рус асирларини бўшатиш ҳақидаги сўровига қуйидагича жавоб берган: «... Сиз ёрлингизда бизга Бухорода ва бошқа шаҳарларимизда рус асирларининг борлигини... ва уларни озод қилиб Россияга жўнатишни ёзгансиз, бизга маълумки, сизнинг давлатингизда худонинг хоҳиши билан нўғойлар... ота-боболаримизга яқин ва ўзаро дўст яшаган. Ҳозир ҳам биз сиздан давлатингиздаги нўғой асирларини бизнинг давлатимизга юборилишини сўраймиз... биз ҳам давлатимиздаги рус асирларининг ҳаммасини топиб бўшатамиз»⁴³.

Бинобарин, Нодирмуҳаммадхон рус давлатида нўғой асирлари бўшатиш тақдирдагина рус асирларини озод қилишга рози бўлишини маълум қилган. Бу ҳар икки томонда асирларни бўшатиш масаласи ҳал этилмаганлигини кўрсатар эди, албатта. Дарҳақиқат, ҳар икки томон ҳам асирларни бўшатмади.

⁴² Архив ЛОИИ АН СССР, ф. 178, Астраханская приказная палата, оп. 1, № 1505, л. 1.

⁴³ «Сборник князя Хилкова», стр. 491—493.

Элчи Қози Нўғой Москвада жуда яхши қарши олиниб, ўзаро алоқаларни кучайтириш масаласи бўйича рус ҳукуматининг тўла розилигини олган ҳолда ўз ватанига жўнаган.

Айрим сабаблар билан ўзбек хонликларидан келган баъзи элчи ва савдогарлар Россияда узоқ туриб қоларди. Масалан, ўрта осиелик бир савдогар Москва давлати ҳақида ёмон гаплар айтди, деб элчи Иброҳимхўжа устидан маҳаллий ҳокимиятга арз қилган. Буни аниқлаш учун элчининг Астраханда туриб қолиши лозим бўлган. Иккинчи бир элчи Амин Ботир эса ўзи келтирган молларга 701 сўм ҳажмида бож тўлашдан бош тортган. Бу ҳақда Астрахань маҳаллий ҳокимияти рус подшоҳига хат ёзиб, элчига қандай муносабатда бўлишни сўраган. Жавоб келишини элчи Астраханда кутиб турган⁴⁴. Натижада элчилар Россияда ушланиб қолишга мажбур бўлганлар.

Шунга ўхшаш айрим ўрта Осие савдогарлари ҳам Астраханда туриб қолганлар. Бу ҳолат ўзбек хонларининг диққатини жалб этмасдан қўймас эди, албатта. 1644 йилнинг охирида Астраханга Бухоро элчиси Соли Ботир келиб, у айрим элчи ва савдогарларнинг Россияда узоқ туриб қолиш сабабини билиш учун жўнатишганлигини маълум қилган⁴⁵. Элчи Астраханда ўрта осиеликларнинг ушланиб қолишларига барҳам берилишини сўраган. Бунга жавобан Астрахань маҳаллий ҳокимияти ўрта осиеликлар фаолиятига ҳеч қандай тўсқинлик қилинмаётганлигини ўзбек хонларига маълум қилишни элчига топширган⁴⁶. Соли Ботир келгандан кейин кўп ўтмай, яъни 1646 йилда рус подшоҳи Алексей Михайлович ўзининг тахтга чиққанлигини билдириш, рус асирларини озод қилиш ва ўзаро алоқаларни давом эттириш мақсадида Онисим Грибовни хазина моллари билан иккинчи марта Бухорога жўнатган.

Бироқ рус элчиси ўзбек хонликлари ўртасидаги ўзаро урушлар сабабли Бухорога ўтолмай, Эронга жўнаган⁴⁷. Шунга қарамай, у бу хонликлардаги аҳвол ҳақида қимматли маълумотлар тўплашга эришган⁴⁸. Шу йили Астраханга Абулғозихон (1645—1663) томонидан Назар Хидирқулов исмли элчи келганлиги маълум. Бироқ элчи орқали юборилган моллар йўлда татарлар томонидан таланган. Бу ҳақда

⁴⁴ Уша жойда.

⁴⁵ Архив ЛОИИ АН СССР, ф. 178, Астраханская приказная палата, оп. 1, № 1614, л. 1—2.

⁴⁶ Уша жойда.

⁴⁷ МИУТТ ССР, стр. 319—326.

⁴⁸ Архив ЛОИИ АН СССР, ф. 178, Астраханская приказная палата, оп. 1, № 1792, л. 1—2.

элчи рус подшоҳига арз қилган⁴⁹. Рус подшоҳининг қандай чора кўрганлиги бизга номаълум.

Ҳар икки томон ўртасидаги элчилик муносабатларини яхшилаш ва савдо алоқаларини ривожлантиришга ҳаракат қилинса-да, Урта Осиё ерларида ҳам рус савдогарлари тўсқинликларга учраб, анча зиён кўрардилар. Масалан, 1646 йилда Астрахандан ўзбек хонликларига келаётган рус савдогарлари кўчманчилар томонидан йўлда қисман таланди. Савдогарлар Хивага бормоқчи эдилар. Бироқ улар бу ерда ўзаро урушлар бўлаётганлиги сабабли қолган моллари билан Астраханга қайтаётганларида Абулғозихон уларнинг мол ва пулларини хазинага олиб қўйган. Натижада Астраханда Хива хони томонидан рус савдогарларининг моллари таланганлиги ҳақида овозалар тарқалди. Астрахандаги бир гуруҳ рус савдогарлари Хивадаги аҳволни рус подшоҳига махсус хат билан маълум қилиб, Урта Осиё савдогарларининг ҳам молларини тортиб олиш ва уни Хивада таланган моллари эвазига берилиши ҳақида фармон чиқарилишини сўрадилар. Шундай қилиб, Астраханда Урта Осиё савдогарлари назорат остига олинади ва масала ҳал бўлгунга қадар уларнинг моллари рўйхатга ўтказилиб тамғаланади. Хива хонлиги билан Астрахань ўртасида алоқа узилади. Абулғозихон воқеанинг моҳиятини рус ҳукуматиغا етказиш мақсадида 1647 йилда элчи Амин Баҳодирни Астраханга жўнатиб, рус савдогарларининг 2765 сўм миқдордаги молларининг ушланиб қолиш сабабларини махсус ёрлиқ орқали рус ҳукуматиغا маълум қилди. Абулғозихон йўлда савдогарларнинг кўчманчилар томонидан таланмаслиги учун уларнинг молларини олиб қолганлигини ўз ёрлиғида кўрсатиб ўтган. Бу масалага тегишли ҳужжатларга кўра, Абулғозихон ўзи ушлаб қолган рус савдогарларининг моллари эвазига элчи орқали турли газламалар юборган. Яна бунинг устига, Астрахандаги Хива савдогарларининг моллари ҳам қўшимча равишда рус савдогарларига олиб берилган. Манбаларнинг кўрсатишича, бу тадбир ҳар икки томон билан келишилган ҳолда амалга оширилган. Шу равишда ҳар икки томон ўртасидаги ўзаро алоқалар яхшиланиб, элчиларнинг Россияга келишлари яна давом этган.

1658 йилда Москвага савдо-сотиқни ривожлантириш таклифи билан Хива элчиси Давлатмуҳаммад Шукуров келади. 1668 йилда ҳам Хивадан Москвага Пўлатмуҳаммадбек (Рузумов) исмли элчи келганлиги маълум. Ануша Муҳаммад

⁴⁹ С. В. Жуковский, ўша асар, 26-бет.

Баҳодир (1663—1687) ўз ёрлиғида Хива хонлиги билан Россия ўртасида савдо алоқалари қадимдан йўлга қўйилганлигини эслатиб ўтиш билан бирга, уни самарали давом эттиришни таклиф этган⁵⁰.

Элчи музокаралар вақтида Хива хонлиғида Москва давлатида бозори чаққон бўлган хом ипак, туя жуни ва бошқа моллар борлигини айтган. Шунингдек, у ердан Россияга ҳинд ва бошқа Шарқ молларини келтириш мумкинлигини маълум қилган⁵¹. Демак, элчи Пўлатмуҳаммадбек рус давлатининг Хива хонлиги орқали ҳинд ва бошқа Шарқ молларини олиш имконига эга бўлишларини уқтириб ўтган.

Рус ҳукумати Пўлатмуҳаммадбек таклифларини қабул қилган ҳамда у билан бирга икки кишини Хива хонлиғига юборишни Астрахань маҳаллий ҳокимиятига буюрган. Натижада, 1669 йилда элчи Пўлатмуҳаммадбек билан бирга Иван Федотьев ва Димитрий Муромцевлар рус элчилари сифатида Хивага жўнатилади. Бу икки элчи зиммасига ўзаро алоқаларни давом эттириш ва Хива хонлиғидаги савдогарларга Астраханда бемалол ҳеч қандай тўсқинликсиз савдо қилиш мумкинлигини маълум қилиш вазифаси юклатилган эди⁵².

Рус элчилари шахсан Ануша Муҳаммад Баҳодирхон томонидан қабул қилинган. Элчи Иван Федотьев ҳамроҳлари билан Ханки ва Ҳазорасп каби шаҳарларда бўлиб, савдо-сотиқнинг боришини кузатган. Бу жойларда асосан турли газламалар ва хом ипақлар билан савдо қилинган. Иван Федотьев ҳамроҳлари Хива ва Бухоро бозорини кўрган. Шунингдек, улар хонликнинг Ҳиндистон билан савдо алоқаси олиб бораётганлигини айтганлар. Шуниси характерлики, Ануша Муҳаммад Баҳодирхон рус элчиси билан суҳбат вақтида ўз элчисининг бу ҳақда Москвада гапирган сўзи нотўғрилигини маълум қилган⁵³.

Хуллас, рус элчиси Хива хонлиғига савдо сусайган вақтда келган. Уша вақтда Хива хонлиги Эрон билан уруш ҳолатида эди. Шу сабабли савдо сусайган бўлса керак. Элчилар Ануша Муҳаммад Баҳодирхоннинг рус подшоҳи Алексей Михайлович номига ёзган ёрлиғи билан Россияга қайтган. Бу ёрлиқда Хива хони рус подшоҳининг ўзаро дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш тўғрисидаги ёрлиғини мамнуният билан қабул қилганлигини маълум қилган. Шунингдек, хон савдо карвонлари ва элчилар ҳар икки томонга бемалол қатнаши учун

⁵⁰ Архив ЛОИИ АН СССР, ф. 178, Астраханская приказная палата, оп. 1, № 5404, л. 1.

⁵¹ Уша жойда, 1—2-варақ.

⁵² Уша жойда, № 5441, 1—6-варақ.

⁵³ «Хивинские столбцы», л. 12.

алоқани аввалгига қараганда янада яхшилашни таклиф этган⁵⁴.

Ануша Муҳаммад Баҳодирхон ўз ёрлиғида Паҳлавон Қулибек номли кишини жавоб элчиси сифатида юборишга қарор қилганлигини ҳам уқтириб ўтган⁵⁵. Бу элчи 1670 йил февралда Астраханга келган. Паҳлавон Қулибек Степан Разин бошчилигидаги қўзғолончилар ҳужуми муносабати билан узоқ ушланиб қолади. Элчининг рус подшоҳи Алексей Михайлович номига ёзган хатига кўра, у қўзғолончилар ҳужумига қарши Астрахань мудофаасида қатнашган. Қўзғолончилар ҳужуми олдидан элчи Паҳлавон Қулибек бошчилигидаги ўрта осиеликлар маҳаллий ҳокимият томонидан бир гуруҳга уюштирилиб, шаҳар қалъасининг икки минораси ўртасидаги жойга ўрнаштирилган ва қўзғолончиларга қарши қаттиқ жанг олиб бориш буюрилган. Ўрта осиеликлар рус ҳарбий отрядлари билан бир қаторда қўзғолончиларга қарши 3 соат жанг қилганлар. Бу жангда элчилар билан келган хон кишиларидан 22 киши ва 50 дан ортиқ Ўрта Осие савдогарлари ҳалок бўлган. Қўзғолончилар шаҳарни эгаллаб, элчини ва бошқа тирик қолган ўрта осиеликларни боғлаб молларини тортиб олганлар⁵⁶.

Қўзғолон бостирилиб, Астрахань рус қўшинлари томонидан эгаллангандан кейин элчи Паҳлавон Қулибек Москвага юборилиб, рус подшоҳи Алексей Михайлович ҳузурига киритилган. У келтирган ёрлиқ ва хатда савдо алоқасига доир айрим қимматли маълумотлар мавжуд. Жумладан, ёрлиқда шундай дейилган: «... Ҳар икки томон ўртасида ота-боболаримиз давридан дўстлик бўлган ва у бундан кейин ҳам давом этади. Караган орқали биз томонга 3—4 кема, 300—400 юкли арава қуруқликдаги йўл орқали қатнаган. «Ҳар икки томон ўртасидаги эски алоқани тиклаш иккала йўл хавфсизлигини таъминлаб Караган ва қуруқликдаги йўл орқали элчи ва савдогарларни юбориш дўстлик ўрнатишнинг асосий йўлидир. Агар (савдогарлар — Ҳ.З.) хоҳласалар машҳур шаҳарлар — Бухоро, Самарқанд, Балх, Кобил ва Лаҳорга — Ҳиндистон чегарасигача борсинлар. Бизнинг хоҳишимиз шук, савдогарлар турли молларни келтириб сотсинлар ва сотиб олсинлар. Бизнинг мамлакатимизда хом ипакдан нимаики нарсаси бўлса юборамиз ва ипак молларни Бухоро ва Самар-

⁵⁴ Архив ЛОИИ АН СССР, ф. 178, Астраханская приказная палата, оп. 1, № 5405, л. 1—2.

⁵⁵ Уша жойда, № 5441, 1—6-варақ.

⁵⁶ «Хивинские столбцы», л. 12—30.

қандда ҳам сотиб олсалар бўлади, биз ҳам элчиларни ва савдогарларни юборамиз»⁵⁷.

Шу билан бирга, Ануша Муҳаммад Баҳодирхон Ўрта Осиеда, жумладан, Урганч, Самарқанд ва Бухорода гулдор моллар, сифатли мовутлар, морж тиши, қимматли мўйналарга талаб зўрлигини подшоҳга маълум қилади.

Демак, Ануша Муҳаммадхон Ўрта Осиеда Россия молларига талабчан бозор мавжудлигига рус ҳукуматини ишонтирмоқчи бўлган. У рус давлати билан Ўрта Осие ўртасидаги сув ва қуруқ йўлларнинг ҳар иккаласидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатди. Подшоҳ Алексей Михайловичнинг Ануша Муҳаммадхонга элчи Паҳлавон Қулибек орқали юборган ёрлиғига кўра, хон таклифларининг ҳаммаси маъқул топилиб, ўзаро элчилик ва савдо алоқаларини кучайтиришга рус давлатининг ҳам тайёр эканлиги маълум қилинган. Шунингдек, Алексей Михайлович Степан Разин бошчилигидаги қўзғолон орқасида савдогарларнинг ва давлатнинг мол-мулки таланганлигини, ҳозирда эса қўзғолон бостирилиб, савдогарларнинг Россияга бемалол келишлари мумкинлигини хабар қилди.

Рус давлати Ўрта Осие билан алоқани тобора кучайтиришни кўзлаб, 1675 йилда у ерга яна элчи юборишга қарор қилди. В. А. Даудов ва Астраханда яшовчи бухоролик Муҳаммад Юсуп Қосимов рус элчилари қилиб тайинланди. Бу элчилар рус подшоҳи Алексей Михайловичнинг ёрлиқлари ва ҳамроҳлари билан Астрахань орқали йўлга тушдилар.

Бу ёрлиқларда савдо, элчилик ва дўстона алоқаларни давом эттириш Бухоро ҳамда Хива хонлигидан сўралган. В. А. Даудов ўзбек хонликларида бўлиши, Муҳаммад Юсуп Қосимов эса рус давлатининг элчиси сифатида Ҳиндистонга бориши лозим эди. Ҳар икки элчига ўзбек хонликларида рус савдосини кучайтириш имконларини аниқлаш ва рус асирларини озод қилиш вазифаси топширилган эди. Улар ўзбек хонликларининг ҳарбий кучи ва умуман аҳволи ҳақида маълумот тўплашлари лозим эди. Шунингдек, элчиларга ўзбек хонликларининг Туркия, Эрон ва Ҳиндистон билан алоқаси қандайлигини ўрганиш вазифаси ҳам топширилган⁵⁸.

В. А. Даудов Бухоро ва Хивада яхши қабул қилинган, у ўз зиммасига юклатилган масалаларни ҳал этиб Россияга қайтган. Муҳаммад Юсуп Қосимов эса Кобулгача бориб, сўнгра орқага қайтган. Ҳиндистон подшоҳи Аурангзебнинг

⁵⁷ «Хивинские посольские книги», № 1, л. 97—101.

⁵⁸ «Русско-индийские отношения в XVII в.», Сборник документов, М., 1958, стр. 191—192.

фармонига мувофиқ у Ҳиндистон ичкарасига киритилмаган. Чунки Ҳиндистон билан Россия ўртасида элчилик муносабатлари ўрнатилмаган эди. Бу рус давлатининг Урта Осиё, Ҳиндистон билан савдо алоқаларини ривожлантиришдан манфаатдор эканлигини кўрсатади. Шубҳасиз, бирин-кетин рус элчиларининг ўзбек хонликларига юборилиши ўзаро алоқанинг кучайишида муҳим роль ўйнаган.

XVII аср 70-йилларида элчилик алоқаларига тегишли ҳужжатларнинг кўрсатишича, қалмоқларнинг талони сабабли Караган орқали ўтадиган карвон йўлдан савдогарлар бутунлай юрмай қўйган. Савдогарлар Манқишлоқ орқали Астраханга борадиган йўлдан қатнай бошлаганлар. Бироқ бу йўл ҳам қалмоқлар хавфидан холи эмас эди. Ануша Муҳаммадхон Манқишлоқ орқали Волга — Каспий йўли билан савдони кучайтиришни бирдан-бир тўғри ҳаракат деб ҳисоблаб, Абдурахим номли ўз элчисини ҳамроҳлари билан Астрахань орқали Москвага жўнатган. Элчи рус ҳукуматининг вакиллари — Л. Иванов, Василий Бабин ва Е. Украинцевлар билан суҳбатда ўз хони томонидан берилган топшириқларни баён этди. Шунингдек, элчи савдо йўлларининг хавфсизлигини таъминлаш учун Манқишлоқда рус ҳукумати томонидан шаҳар қурилиб, ҳарбий отряд қўйилиши лозимлигини айтган. У рус амалдорларининг сўровига жавобан Манқишлоққача Астрахандан икки суткалик йўл эканлигини ва у жой Хива хонлигининг қўл остидалигини билдирган. Суҳбатда рус амалдорлари Манқишлоқда шаҳар қурилса, у жой рус давлати ихтиёрига ўтиши кераклигини элчига маълум қилганларида, элчи Манқишлоқда шаҳар фақат савдо манфаатлари нуқтаи назаридан қурилиб, уни барпо қилиш рус ҳукуматининг ихтиёрида деб жавоб қилган. Бу билан элчи шаҳар қурилиши Манқишлоқни рус давлатига бериш эмас демоқчи бўлганлиги ҳақиқатдан узоқ эмас. Элчи Караганда рус савдогарлари ўз молларининг нархини ошириб, ўрта осиеликлар молларини эса паст нархда баҳолаётганликларини маълум қилиб, бундай аҳволга йўл қўймаслик ҳақида ҳукумат қарорининг чиқарилишини сўраган⁵⁹.

Москвада элчи кўтарган масалаларга хайрихоҳлик билан қаралиб, жавоб тариқасида Ануша Муҳаммадхонга рус подшоҳи Алексей Михайловичнинг махсус ёрлиғи юборилган. Рус ҳукумати элчилик ва савдо алоқаларини давом эттиришга одатдагидек таяёрлигини баён этган. Шунингдек, унда Бухоро хонлиги билан Ҳиндистонга рус элчилари ва савдо-

гарларини Хива хонлиги орқали имкон борича ҳеч қандай тўсқинликсиз ўтказиб юбориш хондан сўралган.

Хоннинг Манқишлоқда шаҳар қуриш ҳақидаги таклифига қуйидагича жавоб қилинди: «Сенинг элчинг Иброҳим бизнинг давлатимизда... ёзма ҳамда оғзаки равишда савдо кишилари учун йўлнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида денгиз бўйидаги Манқишлоқда шаҳар қуриш ва ўша ерга одамларни ўрнаштиришни сўради. Сен Анушхон Манқишлоқ кимнинг қўл остида, биз улуг подшоҳнинг ерлари Астрахань ва бошқа қуйи шаҳарлардан қанча масофада узоқлиги..., қайси катталиқда шаҳар қурилиши, қанча ҳарбий отряднинг ўрнатилиши, бундан бизнинг улуг подшоҳлигимизга қандай фойда бўлишлиги, у жойда ўрмонлар, чучук сувлар борлиги... ҳақида элчи орқали хат ва чизма (чертёж) юбор»⁶⁰.

Бу сўзлардан маълумки, рус ҳукумати Манқишлоқ ҳақида яхши тушунчага эга бўлмай, даставвал у тўғрида маълумотлар олиб, сўнгра бир қарорга келмоқчи бўлган. Шунини айтиш керакки, Хива хонлигида Манқишлоқ ҳақида рус ҳукуматининг талабини қондира оладиган даражада маълумотларни юборишга ҳали шаронт мавжуд эмас эди. Бунинг устига, рус давлатида ҳам узоқ бир чеккада шаҳар ёки қалъа қуришга эҳтиёж бўлмаган.

Рус элчилари Василий Давидов ва Муҳаммад Юсуп Қосимовлар ўз ватанига қайтаётганларида уларга Хива ва Балх элчилари қўшилиб, 1677 йилда Астраханга келганлар. Балх хони Субхонқули Баҳодир (1650—1680) ўз элчиси Алимурод орқали рус подшоҳи Фёдор Алексеевичга махсус ёрлиқ билан мурожаат қилади. Бу ёрлиқда ўзаро дўстлик алоқаларини йўлга қўйиш зарурлигини уқтириб ўтиш билан баробар, элчи М. Қосимовнинг Балхда яхши кутиб олинганлиги кўрсатиб ўтилди. Ёрлиқда, айниқса, Балх хонлигининг қудратли ва обод бир мамлакат эканлигини тасвирловчи сўзларга анча ўрин берилиб, унинг қўл остидаги ерлар бирма-бир санаб кўрсатилган⁶¹. Балх элчиси ҳамроҳлари билан Москвада бўлиб, сўнгра ўз ватанига қайтган.

Рус элчилари билан Москвага келган Нодир Баҳодир исмли Хива элчиси В. Давидов ва М. Қосимовлар Хива хон-

⁶⁰ Уша жойда, 159-166-варақ.

⁶¹ Элчининг ҳамроҳлари қуйидаги кишилардан иборат бўлган: Эшмуҳаммад Ясаул, Эшназар Ясаул, Тошмуҳаммад, мулла Алим, мулла Қучек, мулла Ҳожи, Кучмуҳаммад, мулла Пўлат, Дўстмуҳаммад Карача, Турдимухаммад, Ўз Яқди Баҳодир, Кедей, Жумрад, Хўжамберди, Муҳаммад Вали, Абдулла, Навруз, Ермуҳаммад, Шоҳмуҳаммад, Кенжабой, Ахсанқули, Тулумберди, Болта, Қурбонқул, Муҳаммадқули, Алибек, Бердиқул, Раҳмонқул ва бошқалар.

⁵⁹ «Хивинские столбцы», л. 83—88.

лигида ҳурмат билан қабул қилиниб, ҳатто, уларнинг Бухоро ва Балхга боришларини осонлаштириш мақсадида хон томонидан йўловчилар тайинланганлигини маълум қилди. Шунингдек, у йўлда Ёйиқ казаклари томонидан таланганлигини, рус элчиларига эса улар тегмаганлигини айтиб, ҳатто, рус элчилари устидан шикоят ҳам қилди. Бунга казакларнинг рус элчиларининг молларини таламаганлиги ва уларнинг ўзаро суҳбатлашиб, биргаликда овқатланганликлари асос бўлган⁶². Шунингдек, элчи Астрахань ва Симбир воеводларининг унга нисбатан қилган адолатсизликлари устидан арз қилиб, бундай бемаъниликларга йўл қўймаслик ҳақида фармон чиқаришни рус подшоҳи Михаил Алексеевичдан сўраган⁶³. Аини бир вақтда, рус давлати томонидан Манқишлоқда шаҳар барпо этилишига доир масала кўтарилди⁶⁴.

Элчининг шикоят ва таклифлари рус ҳукумати томонидан ўрганилиб, бу тўғрида рус подшоҳи Федор Алексеевич томонидан Ануш Муҳаммадхонга ёрлик юборилди. Бунда казаклар элчи Нодир Баҳодирни эмас, балки айрим савдогарларни талаганликлари айтилган. Шунингдек, Манқишлоқда шаҳар қуриш учун олдинги элчи Иброҳимбек орқали сўралган маълумотларнинг юборилиши ҳам кўрсатилган. Ёрликда дўстлик алоқаларини давом эттириш ва хонликдаги рус асирларининг бўшатилиши уқтириб ўтилган⁶⁵.

XVII аср 80—90-йилларида Хива хонлигидан рус давлатига уч марта элчилар келганлиги ҳужжатларда қайд қилинган. Дастлабки элчи Иброҳимбек 1683 йилда Астраханга ва бу ердан Москвага борган. 1690 йилда Иброҳим Авезов ва 1700 йилда Дўстбек Баҳодир номли элчилар Астрахань орқали Москвага келганлар. Қўлимизда кейинги икки элчининг фаолиятига тегишли маълумотлар бор. Элчи Иброҳим Авезов Муҳаммад Эренкани хон тахтига (1689—1694) чиққанлигини, элчилик ва савдо алоқалари каби масалаларни ўз ичига олган хон ёрлиғи билан Москвага келган. У бу ерда элчилар маҳкамасининг масъул вакили Е. И. Украинцев билан суҳбатлашган.

Элчи ўз хони номидан Е. И. Украинцевга 1686 йилда бир ярим минг кишилик Ёйиқ казакларининг Хива хонлигига ҳужум қилганлигини ва тор-мор этилиб, улардан 200 киши асирликка олинганлигини маълум қилди. Элчи казакларнинг Хивага юриши рус подшоҳининг кўрсатмаси бўйича бўлганми

⁶² «Хивинские столбцы», л. 109.

⁶³ Уша жойда, 6—10-варақ.

⁶⁴ Уша жойда, 150-153-варақ.

⁶⁵ Уша жойда, 57-63-варақ.

ёки йўқми, деб сўраган⁶⁶. Шунингдек, элчи савдо аҳволига тўхтаб шуни қайд қилиб ўтдики, Манқишлоққа Астрахандан келган кемалар ўрта осиелик савдогарларни Астраханга олишдан бош тортган. Шунга ўхшаш ўрта осиелик савдогарларнинг ҳам Астрахандан келадиган кемаларга чиқишларига тўсқинлик қилинган. Рус савдогарлари ўз шахсий манфаатларини ўйлаб, молларни арзон баҳода олиш учун ўрта осиеликларни Манқишлоқда савдо қилишга мажбур қилгандилар. Бу масала илгари ҳам Хива элчиси томонидан кўтарилганди. Элчи Манқишлоқ орқали олиб бориладиган савдога етарли шароит туғдирилса, у вақтда Ўрта Осие савдогарлари кўп моллар билан келиб, рус давлати хазинасига янада кўп фойда келтиришини маълум қилган. У аини бир вақтда, Ўрта Осие савдогарларининг Астрахандан Москвага бемалол боришларига рухсат берилишини сўраган. Суҳбатда Е. И. Украинцев Манқишлоқда шаҳар қуриш масаласига тўхтаб, у жойнинг тузилиши, ҳайвонларни боқиш учун ем-хашакнинг бор-йўқлиги, у жойнинг Астрахань, Хива, Бухоро, Балх ва Ҳиндистондан қанча масофада узоқлиги ҳақида элчига савол берди. Шунингдек, элчига Манқишлоқда шаҳар қурилса, бу ерга Хива, Бухоро, Балх ва Ҳиндистондан савдогарлар келадими деган савол берилган. Саволларга жавобан элчи шуни кўрсатиб ўтадики, бундан 15 йил муқаддам ҳозирги хоннинг отаси ўша жойда шаҳар қурилишини рус ҳукуматидан сўраган. Хон ҳам бу масалани ҳал қилинишининг тарафдори бўлган. У жой текис ва хашакка бой бўлиб, яшаш учун жуда қулай эди.

Астрахандан у ерга кемада бир кунлик, Хивадан 15 кунлик, Бухородан 23 кунлик, Балхдан 31 кунлик ва Ҳиндистон шаҳри Кобулдан 38 кунлик йўл босиш лозим. Аини бир вақтда элчи Ўрта Осиеда қимматли мўйналар, чарм, ёғоч идишлар каби рус молларига талаб катта эканлигини кўрсатиб ўтди. Бинобарин, рус ҳукумат вакиллари Ўрта Осиеда ва, шунингдек, Ҳиндистонда Россия савдосини кенгайтириш имконларини аниқлашга ҳаракат қилиб, бу тўғрида элчига

⁶⁶ Бу тўғрида 1620 йилда Хивада бўлган рус элчиси Иван Хохлов ҳам гапириб ўтган. Унинг сўзича Ёйиқ казаклари Негай ва Старенской номли кишилар бошчилигида Урганчни босиб олиб, кўп кишиларни ўлдирганлар. Хива қўшинлари Арабхон бошчилигида шаҳарни қамал қилиб, казакларни қириб ташлаганлар. Казакларнинг баҳонаси билан 7 йилдан бери Бухоро ва Ҳиндистонда савдо қилиб, Урганчдан Россияга кетадиган карвонни кутиб турган рус савдогари Юдин ҳам ўлдирилиб, моллари тортиб олинган.

саволлар берган. Боярлар думасида Хива элчиси билан суҳбат асосида 6 моддали қарор қабул қилиниб, бунда казакларнинг Хивага ҳужуми рус давлатининг рухсатисиз, яъни ўзбошимчалик билан бўлганлиги, кемаларга Ўрта Осиё савдогарларининг тўсқинликсиз олиниши ва Манқишлоқда шаҳар қурилишига кейинчалик эътибор берилиши кўрсатиб ўтилди. Шунингдек, Хива хонлиги билан илгаригидек савдо алоқасини давом эттиришга рус ҳукуматининг тўла қўшилганлиги баён этилди. Шу равишда элчи Иброҳим Авезов ўз таклифларига жавоб олиб, рус подшоҳининг хонга ёзган ёрлиги билан орқага қайтган. Ёрлиқда ўзаро алоқаларни кучайтиришдан ташқари Хивада айрим рус савдогарлари молларини тортиб олинганлиги, Ўрта Осиё ва Ҳиндистонга юборилаётган рус элчиси Семен Маленковга ҳар томонлама ёрдам берилиши кўрсатиб ўтилган. Бироқ Семен Маленков ҳамроҳлари билан хазина молларини олиб Эронга ва бу ердан Ҳиндистонга ўтиб, Ўрта Осиёга бормаган.

Янги Хива хони Исҳоқ оға Шониёз Қозон саройи маҳкамасининг⁶⁷ бошлиғи Б. А. Голицинга элчи Дўстбек Баҳодир орқали махсус ёрлиқ юборди. Хон ўз ёрлиғида шундай ёзган: «Ўтган 1687 йилда худонинг хоҳиши бўйича менинг тоғам Бухоро хони Субхонқулининг фармони билан мен — Шониёз Хива шаҳрига хон қилиб тайинландим, мендан олдинги Хивадаги хонлар вақтида савдогарлар хонавайрон бўлганликлари учун ҳеч бир давлатдан келмаганлар; менинг хон бўлишим билан савдогарлар мендан уларга ҳозирда ва кейин ҳам ҳеч қандай тўсқинлик ва хафагарчилик бўлмаслигини эшитиб Хивага кўплаб келмоқдалар. Шунингдек, биздан ҳам кишилар савдо билан Москва давлатига борсалар — у вақтда улар бемалол савдо қилсинлар...»⁶⁸. Бинобарин, Хива хони Қозоннинг Волга бўйи орқали олиб бориладиган савдода тутган муҳим ўрнини ҳисобга олиб, маҳаллий ҳокимиятга савдони ривожлантириш таклифи билан мурожаат қилган.

Элчи Қозондан Москвага келиб, хон томонидан таклиф этилган бир қатор масалаларни ўзида акс эттирувчи хатни рус ҳукуматига топширган. Бу хат рус давлати билан битим қилинадиган шартноманинг проекти ҳисобланиб, 6 пунктни ўз ичига олган эди. 1. Хива хонининг рус давлати тобелигига

⁶⁷ Петр I нинг фармонига мувофиқ, Ўрта Осиё, Озарбайжон, Эрон элчиларини қабул қилиш ва ўз ватанларига жўнатиш ишлари Қозон саройи маҳкамасига берилган эди. Шунинг учун хон ёрлиғи у ерга юборилган.

⁶⁸ «Хивинские грамоты», № 4, л. 3—8.

ўтиши; 2. Дўст билан дўст, душман билан душман бўлиш; 3. Астраханга келадиган Ўрта Осиё савдогарларидан пул билан бож олинганлиги натижасида уларга кўп зиён етказилмоқда эди. Шунинг учун рус ҳукумати Ўрта Осиё савдогарларидан божни пул билан эмас, балки мол билан олиш тўғрисида фармон чиқариши лозим. Бунга кўра савдогарлар молининг йигирмадан бир қисми (масалан, йигирмата кимхобдан битта кимхоб) ҳажмида бож олиниши керак эди; 4. Шу вақтгача Россиядан темир, қўрғошин ва ўтли қуролларни Ўрта Осиёга чиқариш ман қилинган эди. Бундай тартиб ҳукуматнинг фармони билан бекор қилиниши керак. Ўз навбатида хон Бухоро ва Хивадан чиқаришга рухсат этилмайдиган ўқёй, хом ипак, қимматли тошлар ва бир қатор бошқа молларни Россияга олиб кетилишига йўл қўяди; 5. Рус давлатининг шон-шухратини намойиш қилиш учун Бухоро ва Хивага рус элчиларини юбориш лозим; 6. Рус ҳукумати ўз савдогарларига Бухоро ва Хивага боришларини буюрсин. Шунингдек, Ўрта Осиё савдогарлари Россияга бемалол қатнасинлар⁶⁹.

Бинобарин, Хива хони Россия билан савдо алоқасини янада ривожлантириш нуқтаи назаридан фойдали масалаларни ҳал қилинишини рус ҳукуматидан сўради. Айниқса, ҳар икки томондан четга чиқарилиши тақиқланган моллар билан эркин савдо қилишликни йўлга қўйиш тўғрисидаги таклиф диққатга сазовордир. Дарҳақиқат, молларнинг айрим муҳим турларини четга чиқаришни тақиқлаш савдонинг тобора кучайиб боришига тўсқинлик қилаётган сабаблардан бири ҳисобланарди. Шартнома проекти Хива хонлигидаги айрим гуруҳлар тахт учун ўзаро курашларнинг қизиқ кетишидан қўрқиб хонликни рус давлати тобелигига ўтказишга қарор қилганликларидан ҳақида гувоҳлик беради.

Шартнома проектига рус подшоҳи Петр I нинг қандай қараганлиги бизга номаълум. Фақат шу нарса маълумки, Петр I 1700 йил 30 июнда Хива хонлигини рус давлати ўз тобелигига олганлиги ҳақида фармон чиқарди ва бу тўғрида элчи Дўстбек Баҳодир орқали махсус ёрлиқ юборди. Ёрлиқда Хива хонлигининг рус давлати тобелигига ўтганлиги уқтириб ўтилиши билан бир қаторда, хонликнинг Россия қўл остига олинганлиги маълум қилинган. Бу билан баробар, Шониёзхоннинг рус давлатига нисбатан содиқ бўлиши кўрсатиб ўтилган. Аммо йўлнинг узоқлиги ва рус давлати ўз фармонини амалга ошириш имконига эга эмаслиги орқасида кўрсатилган масала қоғоздагина қолди, холос.

⁶⁹ П. С. З., том IV, стр. 62—63.

XVIII—XIX АСРЛАРДА ЭЛЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ

XVIII асрнинг биринчи чорагида Петр I даврида^{70—71} рус давлати ва Урта Осиё ўртасидаги алоқада муҳим воқеалар юз бериб, бу ҳолат фақат элчилик муносабатларига эмас, балки савдонинг аҳволига ҳам таъсир қилди. Петр I Урта Осиё билан алоқани элчилик ва савдо доирасидагина давом эттириш билан чегараланмай, у ерда ўзининг сиёсий таъсирини ўрнатиш учун ҳам ҳаракат қилган. Бироқ бундай ҳаракат XVIII асрнинг ўнинчи йилларидан кейин бошланиб, олдинги йилларда эса одатдагидек ўзбек хонликларидан элчилар Россияга қатнаб турган. 1703 йилда Хива хони Араб Муҳаммад номидан элчи Дўст Баҳодир Астрахань орқали Москвада ҳозир бўлди. Маълумки, Дўст Баҳодир олдинги саҳифаларда кўрсатилганидек, 1700 йилда ҳам элчи сифатида Москвага келган эди. У Москвага дастлабки келган вақтида рус ҳукумати олдига қандай таклифлар қўйган бўлса, яна шу таклифларни қайтарган. Жумладан, Хива хонлигининг рус давлати тобелигига ўтиши, савдодан олинадиган божни камайтириш ва айрим рус молларининг (қўрғошин, темир, милтиқ ва бошқаларни) Урта Осиёга олиб кетилишига рухсат берилиши каби масалаларни қайта қўйган⁷².

Натижада Петр I Хива хонлигини рус давлати тобелигига олиш ҳақида иккинчи мартаба фармон чиқарди. Бу фармон 1703 йилда «Московские ведомости» газетасининг апрель сонидида расмий суратда эълон қилинган. Бу ҳақдаги, шунингдек, ўзаро элчилик ва савдо алоқаларини самарали давом эттириш сингари масалаларни ўз ичига олган Петр I нинг ёрлиғи элчи орқали Хива хони Араб Муҳаммадга юборилди⁷³. Айни бир вақтда рус ҳукумати Астрахань маҳаллий ҳокимиятига махсус фармон юбориб, Урта Осиё савдогарлари фаолиятига тўсқинлик қилмаслик, уларга ҳурмат билан қараш ва молларидан устав асосида бож олишни буюрди⁷⁴. Бироқ подшоҳ ёрлиғи ва фармонида айрим рус молларини четга чиқаришни тақиқлаш ҳақидаги қонунни бекор қилиш ҳамда божни камайтириш масаласи тилга олинмайди. Афтидан, рус ҳукумати бу таклифларга розилик бермаган. Бу ҳақда ошқора гапириш лойиқ топилмаган бўлса керак.

^{70—71} Аспирант Ю. Пўлатов «Петр I даврида рус давлатининг Урта Осиё билан алоқаси» номли темани махсус ўрганиб, уни тугаллаш арафасида турибди. Шунинг учун бу масалага батафсил тўхтамаймиз.

⁷² П. С. З., СПб., 1830, стр. 216—217.

⁷³ ЦГАДА СССР, ф. 109, Бухарские дела, кн. 1, ч. 1, л. 109.

⁷⁴ МИУТТ ССР, стр. 274—275.

Петр I нинг Хива хонлигини рус давлати қўл остига олиш тўғрисидаги фармони бу гал ҳам қоғозда қолди. Уша вақтларда рус ҳукуматининг диққат-эътибори Швеция билан Туркия ўртасидаги урушга қаратилган эди.

1705 йилда Бухоро хони Убайдуллахоннинг элчиси Олим ва савдогари Мирқурбон хазина моллари билан Астраханга, сўнгра Москвага келган⁷⁵. Бу ерда элчи Олим Убайдуллахоннинг ўзаро дўстлик ва савдо алоқаларини давом эттириш ҳақидаги ёрлигини рус ҳукуматига топширган. Петр I Бухоро хонининг таклифларини мамнуният билан қабул қилиб, бу ҳақда ўз ёрлигини унинг элчиси орқали Бухорога юборган⁷⁶.

Шундан кейинги ўн йил мобайнида ўзбек хонликларидан элчиларнинг Россияга келганлиги маълум эмас. Ниҳоят 1714 йилда Хива хонлигидан Ҳожи Муҳаммад Баҳодирнинг хон тахтига чиққанлигини хабар қилиш мақсадида Астрахань орқали Москвага элчи Аширбекнинг келганлиги маълумдир. Аширбек элчининг фаолиятига доир маълумотлар сақланмаган. С. В. Жуковскийнинг кўрсатишича, Петр I элчи Аширбекка зўр ҳурмат билан қараб, ҳатто, унга Ҳиндистонга бориб 10 та замбарак, порох ва бошқа нарсалар сотиб олишни топширган. Бироқ кейин Петр I номаълум сабаб билан ўз фикридан қайтиб элчи Аширбекни Астраханда ушлаб қолишни маҳаллий ҳокимият бошлиғига буюрган⁷⁷. Айрим маълумотларга кўра, элчи 1716 йилда Хивага қайтган⁷⁸.

Петр I уруш харажатларини қоплаш ва армия қудратини мустаҳкамлаш мақсадида сенатга «пул урушнинг қонидир» деб хат ёзиш билан баробар, олтин-кумуш конларини қидириб топиш чораларини кўришни кўрсатган. Худди шу вақтда, яъни 1713 йилда Нефесхўжа номли туркман Астраханга келиб, Амударёдан майда олтин олинганлиги ва у илгариги вақтларда Каспий денгизига қуйилганлигини рус ҳукуматига маълум қилди. Шу билан бир қаторда Амударёни яна Каспий денгизига буриш мумкинлиги ва бу ишга туркманларнинг ёрдам беришларини кўрсатиб ўтган. Айни бир вақтда Сибирь генерал-губернатори Гагарин Шарқий Туркистоннинг Ёркент шаҳридаги дарёда ҳам олтин қуми борлиги тўғрисида хабар олинганлигини Петр I га маълум қилди. Бундай хабарлар Петр I диққатини жалб қилиб, 1714 йилда Хива

⁷⁵ ЦГАДА СССР, ф. 109, Бухарские дела, кн. 1, ч. 1, л. 109.

⁷⁶ «Сборник князя Хилкова», СПб., 1879, стр. 543—546.

⁷⁷ С. В. Жуковский, Сношения России с Бухарой и Хивой за последнее трехсотлетие, Труды Общества русских ориенталистов, Петроград, 1915, № 2, стр. 58—59.

⁷⁸ ЦГВИА СССР, ф. ВУА, д. 35, л. 140.

хонлигига Бекович-Черкасский бошчилигида ҳарбий экспедиция юбориш тўғрисида фармон берди. Шунингдек, Сибирь орқали Бухгольц бошчилигида ҳам Еркентга ҳарбий экспедиция юборишга қарор қилинди⁷⁹.

Петр I, айниқса, Бекович-Черкасский бошчилигидаги ҳарбий экспедицияни уюштиришга катта эътибор бериб, экспедициянинг 13 пунктдан иборат вазифаларини белгилади. Бунга кўра, Бекович-Черкасский Волга — Каспий йўли орқали Хива хонлиги томон юриш қилиб, Амударё қирғоғида ҳарбий қалъа қуриши, Амударёни Каспий денгизи томон буриши ва Хива хонлигини рус давлати тобелигига ўтишига кўндириши лозим эди. Агар Хива хони рус давлати тобелигига ўтса, у вақтда Бекович-Черкасский хоннинг ўз кишилари билан бирга икки рус кишини Еркентга олтин борлигини аниқлаш учун юбориши керак эди. Шунингдек, Бекович-Черкасский зиммасига Хивадан Бухоро хонлигининг ҳам рус давлати тобелигига ўтиши масаласини аниқлаш вазифаси юклатилган эди⁸⁰. Петр I нинг кўрсатмасида гарчи Бекович-Черкасскийнинг элчи сифатида Хивага юборилиши уқтириб ўтилган бўлсада, бироқ унинг зиммасига юклатилган вазифалар ва экспедициянинг состави шу ҳақда гувоҳлик берадики, рус ҳукумати Бекович-Черкасскийни элчи нуқоби остида ўзбек хонликларига юбориб, биринчи галда Хивани Россияга бўйсундиришни мақсад қилиб қўйган. Сенат Петр I фармони асосида Бекович-Черкасскийга 6240 кишини бириктириш ҳақида кўрсатма берган⁸¹. Экспедиция составига инженерлар, врачлар, таржимонлар ва савдогарлар киритилган. Икки йилдан ортиқ тайёргарликдан сўнг Бекович-Черкасский 1717 йилда уч мингдан ортиқ аскарлар билан Астрахандан Хива томонга йўл олди. Бекович-Черкасский Устюртга етмасдан Хивага вакил юбориб, элчи сифатида келаётганлигини хонга маълум қилди. Бироқ бу вақтларда Хива хонлигида экспедициянинг қўшин билан келаётганлиги ҳақида овозалар тарқалиб, у ерда бунга қарши тайёргарлик кўрилаётган эди. Хуллас, Хива аскарлари билан экспедиция ўртасида тўқна-

⁷⁹ 1715 йилда Бухгольц 1500 кишилик аскар билан Ямишевга келиб, бу ерда қалъа қурди. У бу ердан Еркентга бориши лозим эди. Бироқ қалмоқлар Ямишевда қалъа қурилишига қаттиқ қаршилик кўрсатдилар. Узоқ қамалдан сўнг Бухгольц қалъани ташлаб, Ом дарёсининг қирғоғига қайтиб кетишга мажбур бўлган. Бу ерда у Сибирь губернатори Гагариннинг буйруғи билан Омск қалъасини барпо этган. Экспедиция ўз олдига қўйган вазифани бажара олмаган.

⁸⁰ ЦГВИА СССР, ф. ВИА, д. 35, л. 58—61.

⁸¹ Уша жойда, ч. 2, л. 1—2.

шув ҳам юз берди. Пировардида, Хива хони Бекович-Черкасскийни элчи сифатида қабул қилишни ваъда қилиб, унинг аскарларининг бўлиниб кетишига эришиб, экспедицияни мағлубиятга учратди. Бекович-Черкасский ва унинг аскарларининг кўпчилиги ўлдирилди⁸².

Шу равишда Петр I нинг ҳарбий куч билан ўзбек хонликларида рус давлати таъсирини ўрнатиш ҳаракати муваффақиятсизлик билан тугалланган эди.

Бухоро хонлиги Бекович-Черкасский бошчилигидаги экспедициянинг юришига эътибор берган бўлсада, бироқ унга қарши бирор чора кўрмай холис турди. Бу билан Бухоро хонлиги рус давлати билан алоқани ёмонлашишига йўл қўймасликни назарда тутган эди. Хива хони экспедициянинг мағлубиятга учраганини намоиш қилиш мақсадида Бекович-Черкасский калласини Бухорога юборади. Хон эса уни олмай Хивага қайтариб юборади. Бу билан Бухоро хони Хива хонига ўз нафратини билдирган. Шунинг кўрсатиб ўтиш лозимки, 1716 йилда Астраханда, Бекович-Черкасский экспедицияни уюштириш учун тайёргарлик кўраётган бир пайтда, у ерда Бухоро хони Абулфайзхон номидан элчи Хонқули Тўпчибоши ва савдогар Эсонбобо келган эди⁸³. Петр I нинг шахсан ўзи Бухоро элчисини ҳурмат билан кутиб олиш ва уларни Петербургга юбориш ҳақида кўрсатма берган. Петербургда элчи Хонқули Тўпчибоши билан савдогар Эсонбобо Петр I томонидан қабул қилинди. Қабул маросимида элчи Петр I ни шведлар устидан қилган ғалабаси билан табриклади⁸⁴. Элчи Хонқули Тўпчибоши Абулфайзхоннинг юборган ёрлигини тақдим этди. Ёрлиқда ҳар икки томон ўртасидаги ўзаро дўстона алоқаларни давом эттириш истаги баён этилган⁸⁵. Элчи рус ҳукуматининг тегишли вакиллари билан суҳбатлашиб, ўз хони номидан қуйидагиларни маълум қилди:

1. Петр I швед ерларини босиб олиб ғалабага эришган, шведлар эса мард кишилар сифатида мақталмоқдалар. Шунинг учун Абулфайзхон швед аёлларидан 9 тасининг юборилишини сўраган;

2. Хон 9 шунқорнинг юборилишини илтимос қилган;

⁸² Шерғози хонлиги вақтида (1715—1727) Хоразмнинг қудрати тикланган эди. Бу вақтларда Марвдан то Астрободгача бўлган территория (тоғ этаклари) бўйлаб Атрек, Гўргон соҳилларида яшовчи форс ва туркманлар Хива хонлигига бўйсуниб, солиқ тўлаганлар. 1716 йилда туркманлар хоннинг Машҳадга қарши юришида қатнашганлар. В. В. Бартольд, Сочинения, т. 2, часть 1, М., 1963, стр. 613.

⁸³ ЦГАДА СССР, ф. 248, Правительствующий сенат, д. 90, л. 63.

⁸⁴ ЦГАДА СССР, ф. 109, Бухарские дела, кн. 1, ч. 1, л. 100.

⁸⁵ ЦГАДА СССР, ф. 109, Бухарские дела, кн. 1, ч. 2, л. 195—196.

3. Петр I нинг Бухоро ҳақидаги барча саволларига тўғри жавоб бериш элчига топширилган;

4. Узаро савдони кучайтириш⁸⁶. Петербургда савдогар Эсонбобо хоннинг топшириғи билан Астрахандаги Ўрта Осиё колониясининг аҳволига тўхтаб, канцлерга бухороликларнинг савдо-сотик орқасида бу ерга келиб қолганликларини айтади. Бордию улар кейинчалик ўз ватанларига қайтмоқчи бўлсалар бунга тўсқинлик қилинади. Бухорода эса рус савдогарлари бемалол савдо қилиб, хоҳлаган вақтларида ҳеч қандай тўсқинликсиз Россияга қайтадилар. Эсонбобо Астраханда ҳам бухороликларга нисбатан шундай муносабатда бўлишларини сўраган. Шунингдек, Эсонбобо ўзидан олдин Бухоро хони томонидан юборилган савдогар Мирқурбон молларидан Қозонда бож олинганлиги туфайли Абулфайзхон уни молсиз юборганлигини уқтириб ўтган. У Бухорода рус савдогарларининг, жумладан, Иван Полк номли савдогарнинг бемалол ва божсиз савдо қилганлигини канцлерга маълум қилди. Савдогар Эсонбобо хон номидан «ақлли киши»ни элчи сифатида Бухорога юборилишини канцлердан сўрайди⁸⁷.

Шундай қилиб кўрдикки, Бухоро хони Абулфайзхон рус давлати билан алоқани мустаҳкамлаш ва савдони кучайтиришни сўраб ўз элчиси билан савдогарини Петербурга юборган. Рус ҳукумати Бухоро хонлигидан келган элчи ва савдогарларга ҳурмат билан қарайди. Петр I ўзининг жавоб ёрлиғида рус давлатини Бухоро хонлиги билан алоқани давом эттиражагини Абулфайзхонга маълум қилади. Рус ҳукумати Бухоро элчиси билан бирга жавоб элчиси сифатида Флория Беневенини юборишга қарор қилди. Рус элчисига жуда хилма-хил топшириқлар берилиб, у йўлда ва Бухоро хонлигида учрайдиган қалъалар билан шаҳарларнинг ҳаммаси ҳақида маълумот тўплаши лозим эди. Элчи Бухорода иложи топилса хонлик билан душман бўлган мамлакатлар, жумладан, Хивага қарши иттифоқ тузиши лозим эди. Шунингдек, Ф. Беневени Бухоро хонига махсус рус гвардияси берилишини таклиф қилмоғи керак эди. Бундан ташқари элчига Амударёнинг Каспий денгизи томон борадиган эски йўли ва

⁸⁶ ЦГАДА СССР, ф. 109, Бухарские дела, кн. 1, ч. 2, л. 215—216. Элчи бошқа бир суҳбатида Бекович-Черкасскийнинг Хивага нима мақсадда юборилганлиги ҳақида давлат канцлерига савол берган. Давлат канцлери Бекович-Черкасский элчи сифатида юборилганлигини маълум қилганда элчи биз учун унинг нима мақсадда юборилганлигини билишнинг аҳамияти йўқ деган. Афтидан элчи Хивага экспедиция юборишдан мақсад нималигини аниқлашга интилан, албатта. Бироқ сирни ошкор қилмаслик мақсадида шундай жавоб берган бўлса керак.

⁸⁷ ЦГАДА СССР, ф. 109, Бухарские дела, кн. 1, ч. 2, л. 155—158.

Хивадаги олтин запасларини аниқлаш вазифаси топширилган. Элчининг зиммасига Бухоро хонлигида рус савдосини кенгайтириш ва уни Туркия, Эрон ва Хива билан муносабати қандайлигини аниқлаш каби масалалар юклатилган эди⁸⁸.

Астраханда Бухоро элчиси Хонқули Тўпчибоши ва Флория Беневени Хива хонлиги орқали юриш хавфли эканлигини назарда тутиб Эрон территорияси (Шемаха) томон йўлга отландилар⁸⁹. 1719 йилда Шемахага келган Бухоро ва рус элчилари Эроннинг Бухоро хонлигига нисбатан ёмон муносабатда бўлганлиги учун бир йилдан ортиқ туриб қолиб, ниҳоят 1721 йил бошида Бухорога келишга муваффақ бўлдилар. Ф. Беневени ўзаро низолар авж олиб турган бир пайтда Бухорога келган. Бу ерда у хон томонидан қабул қилинди. Хива хони Шерғозихон Бухорога рус элчисининг келганлигини эшитиб уни Хивага келишини ва бу ерда зўр ҳурмат билан қарши олинишини маълум қилди. Рус элчиси Бухорода ўзаро низоларнинг кучайиши ва айрим хон саройидаги амалдорларнинг хатти-ҳаракатидан хавфсираб Хивага боришга қарор қилди. Ҳақиқатан Флория Беневени Хивада Шерғозихон томонидан яхши қабул қилинди. Бу билан Хива хони рус давлати билан алоқани яхшилашга уринган эди. Қабул маросимида Шерғозихон ўзаро савдо алоқаларини тиклашни ва душманликдан фойда йўқлигини Ф. Беневенига тушунтирган. У Бекович-Черкасский воқеасига тўхтаб, у элчи сифатида эмас, балки кўп аскарлар билан Хивада хонликни босиб олиш учун келганлигини айтади. Шерғозихон рус элчиси билан бирга Субхонқули номли кишини жавоб элчиси сифатида Россияга юборган⁹⁰.

Хива хони Шерғозихон олдинги йилларда, яъни 1720 йилда Вайсмаматни элчи сифатида Россияга юборган эди. Бу элчи олиб келган хон ёрлиғида хонликнинг Эрон билан руш олиб бораётганлиги хабар қилиниб, рус давлати билан дўстона алоқалар Бекович-Черкасский экспедицияси муносабати билан тўхтаб қолганлиги ва бу алоқаларни тиклаш зарурлиги Петр I га маълум қилинган. Бу билан баробар Бекович-Черкасский кўп сонлик қўшин билан келиб хонликни эгалламоқчи бўлганлиги учун унинг қўшинларига зарба берилганлиги уқтириб ўтилган⁹¹. Петр I нинг фармонида мувофиқ Хива элчиси 5 та ҳамроҳи билан Астрахандан соқчилар

⁸⁸ ЦГАДА СССР, ф. 109, Бухарские дела, кн. 1, ч. 2, л. 155—158.

⁸⁹ ЦГИА СССР в Ленинграде, ф. 1374, оп. 3, 2399, л. 36.

⁹⁰ Архив внешней политики России, ф. Сношения России с Хивой, д. 1, л. 5—8. (Архив внешней политики России, бундан кейин АВПР тарзда қисқартирилиб берилди).

⁹¹ Уша жойда, 85—87-бетлар.

назоратида Петербургга келтирилиб, Петропавловск қамоқхонасига қўйилган. Кейин элчи ташқи ишлар коллегиясига чақирилиб, у билан суҳбат ўтказилган. Элчи суҳбатда Хива хони савдони тиклашни сўраганлигини маълум қилган. Коллегия бошлиқлари Бекович-Черкасскийнинг савдони кучайтириш ва Караганда қалъа қуриш учун юборилганлигини баён қилганлар. Бироқ Шерғозихоннинг уни ўлдириб ва русларни асир олиб, элчилик қондаларига хилоф иш қилганлиги уқтириб ўтилган. Коллегияда Бекович-Черкасскийнинг хуни учун элчини осиб ўлдириш лозим дейилганда элчи бу «сизларнинг ишингиз» деб жавоб берган⁹². Элчи 1721 йилнинг 10 мартда қамоқхонада вафот этган⁹³. Унинг ҳамроҳларидан бири Қучек номли кишигина рус ҳукуматининг рус асирларини озод қилиш тўғрисидаги хатини Хивага жўнатган⁹⁴. Қолган уч киши 1724 йилда ишга юборилган эди⁹⁵.

1720 йилдан, яъни Хива элчиси ҳамроҳларининг қамоққа олинишидан то Хивадан Флория Беневенининг қайтгунига қадар рус давлатининг Хива хонлиги билан элчилик алоқалари тўхтаган. Савдо алоқаси эса Бекович-Черкасскийнинг экспедицияси вақтидаёқ издан чиққан эди. Флория Беневени Бухоро хонининг ёрлиғи ва Хива элчиси Субхонқули билан 1725 йилда Астраханга келган⁹⁶. Улар Петр I вафот этгандан кейин Петербургга келдилар. Ф. Беневени Санкт-Петербургда Абулфайзхон ва вазир Муҳаммад Ҳаким номидан Петр I ва давлат канцлери номига ёзилган хатларни рус давлат вакиллариغا топширди. Ҳар икки хатда ўзаро элчилик ва савдо алоқаларини самарали давом эттириш таклифи билан бир қаторда Хива хони Шерғозининг Бекович-Черкасскийга нисбатан бўлган муносабати ҳам қораланади. Ҳатто, хон ёрлиғида Хива хонлигига қарши Бухоро аскарлари юборилганлиги маълум қилинган⁹⁷. Хуллас, Абулфайзхон рус давлатининг Хива хонлиги билан алоқасини ёмонлаштиришга уриниб, ўзининг рус давлати томонида эканлигини кўрсатишга ҳаракат қилган.

Айни бир вақтда рус ҳукумати Хива хони Шерғозихоннинг элчи Субхонқули орқали юборган ёрлиғини олган. Ёрлиқда ўзаро алоқаларни тиклаш баён этилган⁹⁸. Элчи Субхонқулининг фаолияти муваффақиятли тугалланиб, рус ҳуку-

⁹² Уша жойда, 86-бет.

⁹³ Уша жойда, 88-бет.

⁹⁴ Хиваликларга Петропавловск қалъасида 3 йил ётганларидан сўми ишлаш ҳуқуқи берилган.

⁹⁵ АВПР, ф. Сношения России с Хивой, д. 11, л. 5.

⁹⁶ АВПР, ф. Сношения России с Хивой, д. 1, л. 8—14.

⁹⁷ Уша жойда, д. № 54, л. 3.

⁹⁸ Уша жойда, д. 11, л. 25—26.

мати Хива хонлиги билан алоқани тиклаш ҳақида қарор қабул қилади⁹⁹. Натижада маълум вақтгача тўхтаб қолган элчилик ва савдо алоқалари йўлга қўйилган эди. Кўрсатиб ўтиш лозимки, айниқса, савдонинг издан чиқиши ҳар икки томон манфаатларига путур етказган эди. Шунинг учун ҳам Хива хонлиги рус давлати билан алоқани тиклаш учун ҳаракат қилган. Хива хонлиги билан савдо алоқаларининг тўхтаб қолиши рус давлатининг Волга — Каспий йўлидаги савдосига салбий таъсир этган эди. Шунинг учун ҳам ҳукуматнинг юқорида қайд қилинган қарорида Хива билан савдо алоқаларининг узилиб қолиши савдогарларга зарар етказганлиги ва бож йиғимининг камайиб кетишига сабаб бўлганлиги уқтириб ўтилган^{100—101}.

Рус подшоҳи Хива хонлиги билан савдо алоқаси тикланиши муносабати билан Ўрта Осиёга махсус савдо карвонлари юбориш тўғрисида фармон чиқарди. Карвонбоши лавозимига Астраханда истиқомат қилувчи асли самарқандлик савдогар Ёдгор Олимов тайинланди.

1727 йилда Ёдгор Олимов рус савдогарларини ўз ичига олган карвон билан Бухорога жўнаган¹⁰². Афсуски, бу савдо карвонининг состави ва қандай моллар билан кетаётганлиги ҳақида тўла маълумотларга эга эмасмиз. Бироқ шунга қарамай айтиш мумкинки, рус ҳукуматининг махсус қарори билан Ўрта Осиёга савдо карвонининг юборилиши, ҳар икки томон ўртасидаги савдо алоқаларини ривожлантиришда ижобий роль ўйнаган. Савдо карвони Бухорода яхши кутиб олиниб, Ёдгор Олимов Бухоро ва Хива хонлари ҳузуринда бўлган. Шуниси характерлики, Бухоро ва Хива хонларининг ҳар иккаласи ҳам ўз ёрлиқларини Ёдгор Олимов орқали рус ҳукуматига юборган. Ҳатто, Бухоро хони карвонбоши Ёдгор Олимовга хонлик номидан рус ҳукумати билан музокара олиб бориш ҳуқуқини берган. Шундай қилиб, Ёдгор Олимов Бухоро хонлигининг элчиси сифатида Россияга қайтган¹⁰³.

1730 йилда Москвада Ёдгор Олимов Бухоро хони Субхонқулихон ва унинг вазири томонидан юборилган хатларни топширди. Субхонқулихон ўзининг рус подшоҳи номига ёзган ёрлиғида қадимий дўстона алоқаларни давом эттириш ва карвонбоши Ёдгор Олимовни элчи сифатида юбориб, унга бир қатор оғзаки топшириқлар берганлигини қайд қилган. Шу-

⁹⁹ АВПР, ф. Сношения России с Хивой, д. 1, л. 26.

^{100—101} Уша жойда, д. №, л. 98. (Архивда дело номери кўрсатилмаган).

¹⁰² Шу нарса маълумки, карвон Астраханда яшовчи бухороликлар, ҳиндлар, арманлар, руслар ва шу сингари савдогарлардан ташкил топиб, улар 200 тугага ортилган молларга эга бўлганлар.

¹⁰³ АВПР, ф. Сношения России с Бухарой, д. №, л. 98.

нингдек, Астрахань орқали Маккага борувчи ўрта осиеликларни тўсқинликсиз ўтказилиши сўралган¹⁰⁴. Вазирнинг канцлер граф Г. И. Головкинга юборган хати ҳам мазмунан ўша хон ёрлиғига ўхшаш эди. Вазир худди шу мазмундаги хатни вице-канцлер граф А. И. Остерман номига ҳам юборган¹⁰⁵. Вазир рус давлати арбобларига ёзган хатларида ўзаро муносабатларни яхшилашни алоҳида қайд қилиб ўтган. Карвонбоши Едгор Олимовнинг ота-боболари асли самарқандлик бўлиб, у Астраханда яшаган. Едгор Олимов бир неча йиллардан бери Бухоро хонлигида хизмат қилиб келаётган киши ҳисобланиб, у Самарқандда бирмунча мавқега эга бўлган. Гарчи вазир Едгор Олимовнинг Бухоро хонлигидаги хизматларини санаб кўрсатмаседа, унинг баъзи сўзларига қараганда карвонбошининг рус давлати билан алоқани кучайтиришда маълум ҳиссаси бор. Едгор Олимов давлат канцлери граф Г. И. Головкинга Хива хони Баҳодирхоннинг рус подшоҳига юборган ёрлиғини ҳам топширган. «...Хоразм,— дейилган ёрликда,— қадимдан рус давлати билан ўзаро дўстона алоқада бўлиб ҳамма вақт элчилар ва савдогарлар қатнаганлар. Шерғозихон ва сизнинг бувангиз вақтида Давлат Гирей (Бекович-Черкасский — Ҳ. З.) биз томонга юборилган, қайсики ... бизнинг орамиздаги қадимий дўстликни бузиб сизнинг бувангиз элчиларини ва савдогарларини биз томонга келишларини тўхтатган...»¹⁰⁶. Шу сатрлардан сўнг Шерғозихон ва Петр I нинг вафот этганлиги ёзилиб, бундан кейин ҳам элчилик алоқаларини кучайтириш таклиф қилинади. Бу билан бир қаторда, карвонлар хавфсизлигини таъминлаш учун рус савдогарларини Манқишлоққа келишлари ва бу ердан хабар қилинса хон томонидан уларни Хивагача қўриқлаб бориш учун ҳарбий отряд юборилиши маълум қилинди. Шунингдек, савдогарларни Хивадан Манқишлоққача қўриқлаб боришни ҳам хон ўз зиммасига олган¹⁰⁷.

Едгор Олимов Бухоро хонининг ёрлиғи ва оғзаки топшириқлари асосида Давлат ташқи ишлар коллегиясига ўзининг хатини тақдим қилиб, қуйидаги масалаларни ҳал қилишини сўради¹⁰⁸. 1. Илгарилари Бухоро савдогарлари Астраханга келганларида бож тўлаб, орқага қайтаётганларида эса тўламас эдилар. Эндиликда бўлса савдогарлардан ўз ватанига қайтаётганларида ҳам бож олинмоқда. Илгарилари ҳар бир

¹⁰⁴ Уша жойда, д. №, л. 66—68.

¹⁰⁵ Уша жойда, д. №, л. 81—83.

¹⁰⁶ Уша жойда, л. 73—74.

¹⁰⁷ АВПР, ф. Сношения России с Бухарой, д. №, л. 135—136.

¹⁰⁸ ЦГАДА СССР, ф. 248. Правительствующий сенат, кн. 914, л. 263—266.

Бухоро савдогарларидан 86 тийин, уларнинг хизматкорларининг ҳар биридан эса 25 тийиндан бож олинган бўлса, ҳозирда савдогарлардан ҳам, хизматкорлардан ҳам 86 тийиндан бож олинмоқда. Бундай тартиб бекор қилиниши лозим; 2. Астраханда Бухоро, гилян ва агрижан колониялари бор. Бу колониялар аҳолиси ўз эҳтиёжлари учун сув, пичан ва ўтинни ўзларига тегишли отларда келтирардилар. Ҳозирда эса бунга у жойларни ижарага олган кишилар йўл қўймаётирлар. Бунга барҳам берилиши сўралади; 3. Астраханда турли бўёқлар билан газламаларни бўйаш билан қадимдан асосан бухороликлар шуғулланар эдилар, ҳозирда эса бўёқчиликни бир армани ижарага (откуп) олган. Бундай қилишликка ҳам йўл қўймаслик сўралади; бухороликлар Астраханда уй-жой қиладилар ва рус давлати тобелигида яшайдилар. Уларнинг уйларида ҳарбийлар квартирант сифатида¹⁰⁹ яшамаслиги лозим; 5. Астрахань уездида Афанасий номли судянинг ўлимидан кейин иккита боғ қолган, боғнинг биттасини Едгор Олимовга бериш сўралади; 6. Астраханда Едгор Олимовнинг уйи бўлиб, унинг ёнига бир киши ошхона қурган. Натижада ошхонадан ёнғин чиқиб, унинг уйи ёнган ва 200 сўм ҳажмида зарар кўрган. Шунинг учун Едгор Олимов уйи ёнидаги ошхонанинг олиб ташланиши сўралади; 7. Астраханда Едгор Олимовнинг онаси ва унга қарашли 5 хонадондан иборат камбағаллар бор. Булардан солиқ олинмаслиги сўралади; 8. Астрахандаги Олатемир деган жойда бўш ер бор. Ана шу бўш ернинг тарвуз ва қовун экиш учун Едгор Олимовга берилиши сўралади. Шунингдек, Едгор Олимов 1727 йилда карвонбоши сифатида Бухорога кетаётганда унга Санкт-Петербургда медаль бериш ваъда қилинганлигини ва буни берилишини сўраган.

Шундай қилиб кўрдикки, Едгор Олимов савдога доир масалалар билан бир қаторда Астраханда Ўрта Осие колонияси ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган талабларни ҳам Бухоро хони номидан сўраган. Шубҳасиз, Астрахандаги савдо-сотик ва ўрта осиеликларнинг баён этилган аҳволи ҳақида Едгор Олимов хонга маълум қилган. Бухоро хони Субхонқулихон эса ўрта осиеликлар колониясини Бухоронинг рус давлати билан алоқасида тутган ўрнини назарга олиб, унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ваколатини Едгор Олимовга топширган. Рус ҳукумати Бухоро хонлиги билан алоқани кучайтириш мақсадида Едгор Олимов томонидан кўтарилган масалаларнинг деярлик ҳаммасини қондириш ҳа-

¹⁰⁹ Армия учун турар жойлар етишмаслиги орқасида рус ҳукумати граждандар уйларига ҳарбийларни қўйиш ҳақида фармон чиқарган эди.

қида қарор қабул қилди¹¹⁰. Ёдгор Олимов сўраган боғнинг давлат ихтиёрига ўтганлиги ва Олатемирдаги жойнинг эса ижарага олинганлиги туфайлигина бу жойлар унга берилмади¹¹¹.

Рус ҳукумати Ёдгор Олимов ва унинг 34 кишилиқ ҳамроҳларига элчилик қондаларига тўла риоя қилган ҳолда муомала қилди. Ёдгор Олимов билан бирга Бухорога савдо қарвонини жўнатишга қарор қилинди. Унга рус подшоҳи Анна Ивановнанинг Бухоро ва Хива хонларига жавоб ёрлиқлари топширилди. Бу ёрлиқларда рус ҳукумати Бухоро ва Хива хонларига ўзаро алоқаларни давом эттиришга тайёрлигини маълум қилган¹¹². Рус ҳукумати жавоб ёрлиқларини юбориш билан чегараланмай полковник Гарберни савдо қарвони ва Бухоро элчиси билан бирга Ўрта Осиёга юборишга қарор қилди: «Биз, — дейилган қарорда, — Астрахандан Хива ва Бухорога савдо қарвонларини аввалгидек юбориш, чегарадаги хонликлар билан самарали савдо ўрнатиш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш учун шартлашишга артиллерия полковниги Гарберни юбориш ҳақида фармон қилдик. Шунингдек, у билан савдо ишларида савдогарларга раҳбарлик қилиб туриш учун Москва савдогари Л. Семенов жўнатилсин...»¹¹³. Шу фармон асосида полковник Гарбер ўз отрядининг состави ҳақидаги фикрни баён қилди. Бунга кўра унинг бошчилигидаги отряд битта унтер-офицер, 77 аскар ва бошқа кишилар (хизматкорлар, таржимонлар), ҳаммаси 104 кишидан иборат бўлиши керак эди. Отряд тўп ва яроғ-аслаҳалар билан таъминланиши лозим эди¹¹⁴. Отрядга 120 туя ва 19 от бириктирилиши уқтириб ўтилган. Бу савдо қарвонида 100 000 сўм ҳаммида мол юбориш мўлжалланган эди*.

1732 йилда Ёдгор Олимов полковник Гарбер бошчилигидаги отряд ва рус савдо қарвони билан йўлга чиқади. Қарвон юқорида кўрсатилган миқдорга нисбатан анча оз, яъни 29373 сўмлик молларни ўз ичига олган эди**. Чунки мўлжалланган миқдорда мол тўплашнинг иложи бўлмади. Афтидан, қарвон

¹¹⁰ ЦГАДА СССР, ф. 248, Правительствующий сенат, кн. 814, л. 267—268 об.

¹¹¹ Уша жойда.

¹¹² АВПР, ф. Сношения России с Бухарой, д. №, л. 32.

¹¹³ Государственный архив Астраханской области, ф. 394, оп. 1, д. 3639, л. 28—29.

¹¹⁴ Айрим маълумотларга кўра Ёдгор Олимов Астраханда анча вақт туриб қолган. Чунончи, у 1734 йилда кўчманчилар ҳужуми орқасида ҳамон Астраханда туриб қолганлиги ва Бухорога юборилишини рус ҳукуматидан сўраган.

* ЦГИА СССР в Ленинграде, ф. 1374, оп. 3, д. 2399, л. 8.

** Уша жойда.

йўлларнинг хавфлилиги орқасида кўп савдогарлар қарвонга қўшилишдан бош тортди. Бироқ йўлда кўчманчилар отрядга ҳужум қилиб, қарвонни талаганлар. Шундан кейин полковник Гарбер ва Ёдгор Олимов Астраханга қайтишга мажбур бўлган¹¹⁵.

Астрахань маҳаллий ҳокимиятининг Санкт-Петербургга ёзган хабарига қараганда, ўша йили Хива хонининг Досток номли элчиси 40 киши билан Астраханга келган¹¹⁶. Элчини Москвага жўнатиш олдида Хива хони номидан чопар Раҳмон Қулиев келиб полковник Гарбер отряди ва савдо қарвони йўлда кўчманчилар томонидан таланаётганлигини хабар қилиш учун уни хон юборганлигини маълум қилган. У Хива хонининг Астрахань губернаторига ёзган хатини тақдим қилади. Воқеадан хабардор бўлгач, Хива хони полковник Гарбер қаршисига ўз кишиларини жўнатган. Бироқ хиваликлар қарвон таланганлиги туфайли Гарберни учратмай орқага қайтганлар¹¹⁷. Хатда Хивага савдогарлар юбориладиган бўлса бу ҳақда хонга хабар бериш кераклиги сўралган. Шундай қилинганда хон қарвонларни қўриқлаш учун Манқишлоққа ҳарбий отряд юборишни ўз зиммасига олган¹¹⁸.

1732 йилда Хива хони кетма-кет яна бошқа Ботир ҳожи номли элчисини Астраханга юборган. Натижада Астраханда икки Хива элчиси ва бир чопар тўпланиб қолган. Элчи Ботир ҳожи Досток билан чопарни эмас, балки ўзини Санкт-Петербургга юборилиши ҳақидаги хоннинг буйруғини маълум қилди. Шунинг учун Досток қалмоқ ерларига — ўз ватанига¹¹⁹, чопар Раҳмон Қулиев эса Хивага қайтган¹²⁰. Бироқ элчи Ботир ҳожи Астраханда ичкилик орқасида вафот этган. Шундай қилиб, Хива элчиларининг биронтаси ҳам рус давлати пойтахтига бора олмади. Шунинг учун бўлса керак, Хива хони 1734 йилда Мулла Раҳимжонов номли бир кишини ҳамроҳлари билан элчи сифатида Россияга жўнатган. Бироқ бу элчи Москвада вафот этади. Шунинг учун унинг жияни Муҳаммадохун ва ўғли Абдулазим Хива элчиси сифатида Санкт-

¹¹⁵ Государственный архив Астраханской области, ф. 394, оп. 1, д. 251, л. 3—4.

¹¹⁶ Уша жойда, ф. 394, оп. 1, д. 3639, л. 314-об.

¹¹⁷ Уша жойда, ф. 394, оп. 1, д. 3639, л. 314-об.

¹¹⁸ Государственный архив Астраханской области, ф. 394, оп. 1, д. 3639, л. 314-об.

¹¹⁹ Досток аслида қалмоқ бўлиб, у Эронга ва бу ердан Хивага савдо билан борганда Хива хони уни ўз элчиси сифатида Россияга жўнатган эди. Государственный архив Астраханской области, ф. 394, оп. 1, д. 251, л. 112.

¹²⁰ Уша жойда, л. 113.

Демак, Хива элчиси савдо алоқаларини ривожлантиришга тўқнилик қилаётган айрим сабабларга рус ҳукуматининг эътиборини жалб қилиб, уларни бартараф қилишни сўраган. Рус подшоҳининг Хива хонлигига юборган ёрлиғига кўра, дўстона алоқаларни кучайтириш ва савдогарларнинг Манқишлоқ орқали юришлари ҳақидаги масалалар рус ҳукумати томонидан мамнуниятлик билан қабул қилинган, бироқ ёрлиқда қалмоқларнинг карвонлардан газлама олишни бекор қилишга оид таклифи ҳақида ҳеч нарса дейилмаган¹²⁵⁻¹²⁶.

Кўрсатиб ўтиш керакки, 1733 йилда Бухоро элчиси вазир Алибек Парвоначи Россияга келган эди. Элчи 50 кишилик ҳамроҳи билан Астрахандан Москвага ва бу ердан Санкт-Петербургга жўнатилган¹²⁷. Бу ерда элчи вазир Алибек томонидан хоннинг рус подшоҳи номига ёзган ёрлиғида Анна Ивановнанинг тахтга ўтиришини табриклаш билан баробар Бухоро, Самарқанд, Хўжанд, Тошкент, Еркент, Термиз, Балх, Бадахшон, Қундуз ва бошқа жойлар хонлигининг қўл остида эканлиги ҳамда қирғиз-қайсақларнинг ҳужуми қайтарилиб тор-мор этилганлиги хабар қилинган. Ҳозир Бухорода турли давлатлардан савдо карвонларининг келиши учун қулай шароит мавжудлиги баён этилиб, ёрлиқда рус подшоҳига шундай дейилган: «Сизнинг томонингиздан бизнинг олтин остонамизга элчилар ва савдо карвонлари юборилсин, улар давлатимизга зарур моллар билан келсин, биз карвонларни ҳарбий отряд билан кузатиб қўямиз»¹²⁸. Сўнг Абулфайзхон полковник Гарбер бошчилигидаги карвоннинг таланганлигидан хафалигини билдириб, агар карвон юборилишидан олдин хонга маълум қилинганда унинг хавфсизлигини таъминлаш чораларини қўриш мумкин эди, деб кўрсатиб ўтган¹²⁹.

Рус ҳукумати вазир Алибек¹³⁰қа нисбатан иззат-икром кўрсатиб, тантанали равишда рус подшоҳи томонидан икки

¹²⁵⁻¹²⁶ АВПР, ф. Сношения России с Бухарой, д. № 2, л. 166—167.

¹²⁷ Бухоро элчиси эронликлар асирдан Бухорога қочиб келган турклар (19 киши) билан Астраханга келган. Элчи Бухоро хони Абулфайзхоннинг туркларни Россия территорияси орқали ўз ватанига юборилишини рус ҳукуматидан сўраганлигини маълум қилди. Бу ҳақда Астрахань ҳокимияти ҳужуматга хабар берган. Бунга жавобан рус ҳукумати туркларни озиқ-овқат, кийим-бош билан таъминлаб, уларга иззат-икром кўрсатиб, Туркияга жўнатиш ҳақида буйруқ берган. Шу фармон асосида Астрахандан турклар ўз ватанига юборилган эди.

¹²⁸ АВПР, ф. Сношения России с Бухарой, д. №, л. 1. Астраханда элчи вазир Алибек Бухоро хонлигидаги девонбегининг Астрахань губернатори номига ёзган хатини берган. Хатда Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хўжанд ва бошқа жойларга ҳужум қилган кўчманчиларнинг тор-мор этилганлиги, ўзаро савдо алоқаларини давом эттириш каби масалалар ҳақида сўз бориб, хон ёрлигининг мазмуни қайтарилади.

¹²⁹ АВПР, ф. Сношения России с Бухарой, д. №, л. 2.

¹³⁰ Хон ўз ёрлиғида элчи Вазирбекнинг ота-боболари аслида туркман

мъртаба қабул қилинди. Элчи ташқи ишлар коллегиясида рус давлат вакиллари билан суҳбатлашиб бир қатор масалаларни кўтарган ва тегишли жавоблар олган. Булар қуйидаги мазмунга эга: 1. Рус подшоҳи элчининг ёзма ва оғзаки таклифига биноан савдо карвонларини Бухорога юборади. Хоннинг ҳарбий отряд юбориш ҳақидаги ваъдаси ҳисобга олиниб, уларни юборишдан олдин Бухорога хабар қилинади; 2. Элчининг ватандошлари моллар билан Астраханга келсалар, уларга алоҳида ҳурмат билан қаралиб, ҳимоя остига олинади. Бу тўғрида рус подшоҳининг фармони Астрахань губернаторига юборилади; 3. Элчи Астраханда яшовчи бухоролик савдогарларни ҳар қандай солиқлардан ва мажбуриятлардан озод қилинишини сўраган. Уларга тўла шароит туғдириш ҳақида Астрахань губернаторига фармон юборилади. Бироқ солиқ ва мажбуриятларни бутунлай бекор қилиб бўлмайди, чунки Астрахандаги кўп чет элликлар ҳам ўзларини солиқлардан ва мажбуриятлардан бутунлай озод қилинишларини сўрашлари мумкин. 4. Рус давлати тобелигидаги қалмоқ улусларида хон савдогарининг моллари таланган. Буни текшириш ва молларни эгасига қайтариш ҳақида Астрахань губернаторига буйруқ юборилади. 5. Шунга ўхшаш казаклар томонидан таланган Хива ва Бухоро савдогарлари молларини топиш ва уни текшириш Астрахань губернатори билан Ёйиқ казаклари атаманига топширилади¹³¹.

Демак, элчи вазир Алибек ўз таклифларининг деярлик ҳаммасига ижобий жавоб олган. Бу ҳақда рус ҳукумати Бухоро хонига ёрлиқ ёзиб, уни элчига топширган. Абулфайзхон элчи вазир Алибекни Бухорога келишини кутмасданок 1737 йилда Маҳамад ҳожи Чеге Арази (чурагаси) номли бошқа элчисини Россияга жўнатди. Бу элчи Астрахандан Москвага келиб, Абулфайзхоннинг ёрлигини ташқи ишлар коллегиясига тақдим этди¹³². Бироқ элчи Маҳамад ҳожи йўлда хотини, отаси ва ҳамроҳлари билан урушиб жанжал кўтарган, ҳатто, Бухо-

бўлиб, паҳлавон кишилар сифатида хонлиқда хизмат қилганликларини рус подшоҳига маълум қилган.

¹³¹ АВПР, ф. Сношения России с Бухарой, д. №, л. 106—107-об. Хивалик Дўстмуҳаммад абиз ва бухоролик Абдужабборнинг ташқи ишлар коллегиясига ёзган хатига кўра, казаклар томонидан таланган моллар 4705 сўмни ташкил этган. Бундан ташқари 558 бухоро олтин червони (ҳар бири 2 сўмдан 20 сўмгача турган) таланган.

¹³² Элчи Астраханга келганда хон ёрлигини марҳум рус подшоҳи Петр I номига ёзилганлиги маълум бўлди. Шунинг учун рус ҳукумати Маҳамад ҳожини элчи сифатида тан олмади. Элчи ўз отасини Бухорога юбориб, унинг ваколатини тасдиқловчи ёрлиқ юборилишини хондан сўрайди. 1739 йилда элчининг отаси хоннинг янги ёрлиғи билан Астраханга келган эди.

ро хонининг шаънига тегадиган сўзлар гапирган. Натижада элчини рус подшоҳи ҳузурига қўймаслик ва уни Москвадан ўз ватанига жўнатиш ҳақида қарор қабул қилинди. Бухоро элчисининг ёмон ҳулқи ҳақида Астраханъ губернаторига хабар қилиниб, эҳтиёт чораларини кўриш топширилди.

Шу равишда Бухоро элчиси Маҳаммад ҳожининг элчилик фаолияти муваффақиятсизлик билан тугалланган эди. Элчининг ёмон ҳулқи фақат унинг обрўси ва шаънига зарар етказиб, Бухоро хонлиги билан рус давлати ўртасидаги алоқага путур етказмади. Бухоро хонлиги билан бир қаторда аввалгидек Хива хонлиги ҳам рус давлати билан алоқани ривожлантириш мақсадида 1739 йилда Ортиқ Ботир номли элчини 50 кишидан иборат ҳамроҳлари билан Астраханга юборган. Бу ердан элчи ва унинг ҳамроҳлари 1740 йилда Санкт-Петербургга келиб ҳукумат вакиллари билан суҳбатлашдилар. Айрим маълумотларга қараганда элчининг таржимони Турченинов элчилар ўрнашган уйда хиваликларнинг музыка чалаётганлигини кўрган¹³³.

Элчи Ортиқ Ботир тантанали равишда рус подшоҳи томонидан қабул қилинади. Қабул маросимида элчи рус подшоҳига шундай деган: «Қадимги вақтлардан бери Россия империяси билан Хива давлати ўртасида ҳамма вақт дўстлик бўлиб элчилар ва савдо қарвонлари қатнаб турган. Ҳозирда менинг подшоҳим Хива хони Ильбарс Маҳаммад Баҳодирхон ўз дўстлигини изҳор қилиш учун мени сиз император ҳазратлари ҳузурига юбориб... элчи жўнатилишини сўради...»¹³⁴. Бунга махфий советник фон Миних Хивадан Сиз каби элчининг келишидан император ҳазратлари хурсанд ва мамнун деб жавоб қилган¹³⁵.

Элчи Ортиқ Ботир қурол-аслаҳа ва пўлат сингари четга чиқарилиши тақиқланган рус молларини Хивага олиб кетишига рухсат берилишини сўраган. Шунингдек, у, Хива савдогарларига Россияда уйланган татар ва қалмоқ хотинларини олиб кетишлари учун ижозат берилишини сўраган¹³⁶.

Шундай қилиб кўрдикки, элчи Ортиқ Ботир ўзаро алоқаларни кучайтириш билан бирга савдо алоқаси доирасини кенгайтиришга қаратилган муҳим масалани кўтаради. Шубҳасиз, қурол-аслаҳа, пўлат ва бошқа четга чиқарилиши та-


¹³³ АВВР, ф. Сношения России с Бухарой, д. № 2, л. 18.

¹³⁴ Уша жойда, л. 20.

¹³⁵ С. В. Жуковский, Уша асар, 78-бет.

¹³⁶ Н. И. Веселовский, Прием в России и отпуск среднеазиатских послов в XVII и XVIII столетиях, СПб., 1884, стр. 9—15.

2-расм. 1744 йилда Хива хонининг рус подшоҳи номига юборган ёрлиғи.



қиқланган рус молларининг Хивага олиб кетилиши савдо-нинг ривожланишида муҳим роль ўйнади. Бироқ рус ҳукумати кўрсатилган моллардан ҳарбий мақсадларда фойдаланиш мақсадида элчининг сўровини қондирмаган.

Шунингдек, қалмоқ ва татар аёлларининг савдогарлар томонидан олиб кетилишига ҳам рухсат берилмаган. Элчининг ўзаро элчилик ва савдо алоқаларини давом эттиришга доир таклифлари рус ҳукумати томонидан тўла маъқулланиб, бу ҳақда Хива хони Ильбарс номига ёрлиқ юборилган. Элчи Ортиқ Ботир Хива Эрон қўшинлари томонидан босиб олинганлигини эшитиб ўз ватанига қайтмай Самарада, кейин эса Астраҳанда яшаган¹³⁷.

Элчининг Хивага қайтмаганлиги сабабли 1743 йилда Элғози Маҳамад Баҳодирхон Оллоберди номли элчини юборган. Бу элчи олиб келган хон ёрлиғида ўзаро савдо алоқаларини давом эттириш ва элчи Ортиқ Ботирни ўз ватанига қайтариш кўрсатиб ўтилган¹³⁸. Бироқ Хиванинг Эронга тобелиги туфайли элчи Оллоберди рус подшоҳи ҳузурига қўйилмади. Шунингдек, рус подшоҳи номидан Хива хонига ёрлиқ юбормасликка қарор қилинди. Хива хони ёрлиғига давлат канцлери жавоб хати ёзиб, рус давлати ҳамма вақт Хива хонлиги билан яхши муносабатдалиги ва аввалгидек савдо-сотиқни давом эттиришликни маълум қилди¹³⁹. Канцлер элчи Ортиқ Ботирнинг ўз хоҳиши билан Россияда туриб қолганлиги ва кейин Хивага кетганлигини ҳам ёзган¹⁴⁰. Бу масала бўйича Астраҳань губернаторига ёзилган хатга кўра, элчи Ортиқ Ботирнинг Хивага кетган, кетмаганлиги канцлерга аниқ бўлмаган. Чунончи, канцлер губернаторга агар элчи ўз ватанига қайтмаган бўлса, уни элчи Оллоберди билан юборишни, бордию у қайтишни хоҳламаса Астраҳанда қолишига тўсқинлик қилмасликни буюрган¹⁴¹. Баъзи маълумотларга қараганда элчи Ортиқ Ботир Астраҳанда қолиб, рус давлати тобелигига ўтган.

1745 йилда рус подшоҳи Елизаветанинг тахтга ўтиришини табриклаш, савдо-сотиқ ва дўстона алоқаларни давом эттириш каби масалалар билан Хивадан Муҳаммад ҳожи Охунтурсунов номли элчи Астраҳанга келган¹⁴². Элчи Астраҳань губернатори И. Бирикин билан музокара қилиб, ўз талаб-

ларига ижобий жавоб олган ҳолда 1747 йилда Оренбург орқали Хивага қайтган¹⁴³.

Астраҳанга 1751 йилда ҳам Нуруллабой исмли Хива элчиси келганлиги маълум. Бу элчи ҳақида губернаторнинг ташқи ишлар коллегиясига ёзган ахборотига кўра, Хива хони Ғойиб Маҳамад Баҳодирхон ўзининг рус подшоҳига, шунингдек, ўша губернаторга ёзган хатларида хиваликларга Россиянинг ҳамма жойларида бемалол савдо қилишга рухсат бериш, ўзаро дўстона алоқаларни давом эттириш ва Астраҳань орқали Маккага борувчиларга тўсқинлик қилмасликни сўраган. Шунингдек, хатда русларга Хива хонлиги ҳамда бу жой орқали Бухоро, Бадахшон, Туркистон, Ҳиндистон ва Эрон билан савдо қилишлари учун барча шароит туғдирилиши ваъда қилинган¹⁴⁴.

Элчи Нуруллабой рус подшоҳи ҳузурига бориш истагини билдирса-да, уни Астраҳандан Хивага юборишга қарор қилинди. Бу тўғрида рус подшоҳи номидан Астраҳань губернаторига элчини пойтахтга қўймай, унинг таклифларига тегишли жавоб бериб, ўз ватанига қайтариш мақсадга мувофиқ эканлиги маълум қилинган.

Бу вақтларга келиб рус ҳукумати ўзбек хонликлари ўртасидаги элчилик алоқаларини Оренбург ва Астраҳань билан чегаралаш йўлига ўта бошлади. Айниқса, Оренбургни Урта Осиё билан элчилик ва савдо алоқалари олиб бориш марказига айлантиришга ҳаракат қилинган. Шунинг учун ҳам келажакда рус подшоҳи номига ёзилган ёрлиқларга жавоб Оренбург губернатори томонидан юборилишини элчи Нуруллабойга маълум қилиш Астраҳань губернаторига топширилган эди¹⁴⁵.

Рус подшоҳининг кўрсатмаси асосида Астраҳань губернатори хоннинг талабларига биноан элчи Нуруллабойга Оренбургга кўп рус савдогарлари қатнаётганлиги учун хиваликларга Россиянинг ҳамма жойларида савдо қилишлари учун рухсат берилишига зарурият йўқлигини маълум қилди. Хиваликларга Астраҳань орқали Маккага бориш мумкинлигини уқтириб ўтди¹⁴⁶. Шу жавоб бўйича элчи Нуруллабой Хивага қайтиб кетган эди.

¹³⁷ АВПР, ф. Сношения России с Бухарой, д. № 1, л. 4-об.

¹³⁸ Уша жойда, л. 4-об.

¹³⁹ Уша жойда.

¹⁴⁰ Уша жойда, л. 5-об.

¹⁴¹ Уша жойда.

¹⁴² Государственный архив Астраханской области, ф. 819, оп. 1, д. 186, л. 3. Элчи Астраҳанда Манқишлоқ туркманларининг рус давлати тобелигига ўтиши ҳақида хат олиб келганлигини губернаторга маълум қилган.

¹⁴³ Элчи илгари Ортиқ Ботир билан келган икки киши ва Эрон асирлигидан Астраҳанга қочиб келган тўрт киши билан Хивага жўнаган.

¹⁴⁴ Государственный архив Астраханской области, ф. 394, оп. 1, д. 1570, л. 6; В. Н. Витевский, И. И. Неплюев, Оренбургский край в прежнем его составе, вып. 5, Казань, стр. 73—75.

¹⁴⁵ Государственный архив Астраханской области, ф. 394, оп. 1, д. 1570, л. 25—28.

¹⁴⁶ Уша жойда.

XVIII асрнинг 60-йилларига келиб Хива хонлигининг Астрахань орқали Волга бўйлари билан савдо алоқасини маълум даражада сушлаштирадиган айрим тўсқинликлар кўзга ташланади. Жумладан, Астраханда Хива савдогарлари молларидан кўп бож олинаётганлиги ва Манқишлоққа кемалар вақтида келмаётганлиги ҳақида ўз хонига шикоят қилганлар. Шу муносабат билан Хива хони элчи Олло Шукурбойни рус подшоҳига ёзган ёрлиги билан Россияга жўнатган¹⁴⁷. Бу элчи Астрахандан Москва орқали Санкт-Петербургга бориб, рус подшоҳи ҳузурда бўлган. У давлат канцлери граф М. Л. Воронцов билан музокара олиб бориб, ўзаро савдо алоқаларини ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган айрим тартибларнинг бекор қилинишини сўраган. Элчининг таклифлари ва уларга қандай муносабатда бўлганлиги Воронцовнинг Хива хони Темир Ғози номига ёзган хатида батафсил баён этилган. 1. Сизнинг элчингиз ҳар йили апрелнинг боши ва августнинг охирида хивалик савдогарларни моллари билан Астраханга келтириш учун Манқишлоққа кема юборилишини сўрайди. Бу таклиф қондирилганлиги тўғрисида Астрахань губернаторига рус подшоҳининг фармони юборилди. Шунинг учун Хива савдогарлари кўрсатилган ойларда Манқишлоққа, албатта, етиб келишлари лозим, акс ҳолда кемалар туриб қолади; 2. Сиз ўз ёрлигингизда Астраханга ва Оренбургга келаётган Хива савдогарларидан одатдагидан ортиқ бож ва кемаларга ортилган юклардан ҳам нотўғри ҳақ олинаётганлигини билдириб, бунга барҳам берилишини сўрагансиз. Шунга жавобан маълум қилишимиз мумкинки, бир неча йиллар илгари Россия давлатининг чекка ўлкаларида ҳамма савдогарлардан олинadиган божнинг миқдори оширилган. Бироқ божнинг бу миқдори унчалик кўп бўлмай, савдогарлар манфаатларига зарар етказмайди. Савдогарлар фаолияти учун шароит туғдириш чораларини амалга ошириш ҳақида маҳаллий ҳокимият вакилларига фармон берилганки, бу Хива хонлиги билан ҳам савдони самарали давом эттишига гаровдир. Лекин шунга қарамай хивалик савдогарларга нисбатан яхши муносабатда бўлиш ҳақида рус подшоҳи фармон берди. Яна хиваликлар молларини кемаларда Астраханга ва бу ердан Манқишлоққа ташиш ҳақини имкон борича бир меёрда қилиш ва камайтириш Астрахань губернаторига топширилди. Агар хиваликлар ўзлари кема эгалари билан ташиш ҳақи миқдорини келишиб

¹⁴⁷ Хон ўз ёрлигида одадагидек ўзаро элчилик ва савдо алоқаларини давом эттириш таклифининг қайтарилиши билан шуни маълум қилганки, агар Россияда хиваликлардан олинadиган бож камайтирилмаса, у вақтда Хивада Россия савдогарлари тўлайдиган божнинг миқдори кўпайтирилади.

олсалар, у вақтда ҳар икки томон манфаатлари таъминланган бўлур эди; 3. Қўриб турибсизки, хон ҳазратлари менинг улуғ подшоҳим сизнинг савдогарларингизга нисбатан адолатли муносабат ўрнатган. Шунга ўхшаш сиз томондан хонликда рус савдогарлари фаолияти учун ҳам эркин ва хавфсиз шароит туғдирилиши лозим. Бироқ Хива хонлигида савдога баъзан жуда катта тўсқинликлар қилинган. Жумладан, 1754 йилда у ернинг собиқ хони Коип Россия карвонини узоқ вақтгача ушлаб, кўп қийинчиликлар кўрсатганлиги сабабли Россиядан Хивага карвонлар бормаётир. Бу ҳолат савдо-сотиқни икки томонлама ривожлантиришга йўл қўймайди, албатта. Шунинг учун Хивада Россия савдогарлари учун қулай шароит яратилиши ва улар хавфсизлигини тўла таъминлаш керак¹⁴⁸.

Демак, Хива хонлиги ҳамон Манқишлоқ орқали савдони давом эттириш ва уни ривожлантиришга ҳаракат қилиб Волга — Каспий йўлидан тўла фойдаланишни рус ҳукумати олдига қўйган. Айтиб ўтиш лозимки, ўша вақтларда Хива элчилари ва савдогарлари Оренбургга ҳам келиб кетмоқда эдилар. Бу Хива хонлиги Астрахань ва Оренбургнинг ҳар иккаласи орқали рус давлати билан алоқани давом эттиришга ҳаракат қилганлигидан гувоҳлик беради. Бироқ Хива хонлиги учун Волга — Каспий йўли ўз аҳамиятини ҳали йўқотганича йўқ эди. Шунинг учун ҳам Хива хонлиги бу йўлда учрайдиган тўсқинликка барҳам берилишини сўраб ўз элчиси Олло Шукурбойни Россияга жўнатган. Айтиб ўтиш лозимки, гарчи Россиянинг Оренбург орқали Урта Осиё билан алоқаси анча дуруст бўлса-да, Волга — Каспий йўли ҳам рус давлати эътиборидан четда қолмади. Канцлер М. Л. Воронцов ўзининг Астрахань губернатори Нероновга юборган буйруғида Волга — Каспий йўлининг аҳамиятига алоҳида тўхталиб, Хива хонлигига берилган ваъдаларнинг амалга оширилишини кўрсатиб ўтган.

Шунингдек, губернаторга Манқишлоқ орқали Хива хонлиги билан савдо-сотиқни ривожлантириш учун у ерда қалъа қуриш имконларини аниқлаш буюрилади. Бу ишни тезлаштириш мақсадида канцлер Хива элчиси Олло Шукурбой билан бирга рус инженерларини Манқишлоққа юборишни губернаторга топширган¹⁴⁹. Элчи Олло Шукурбой ўз вазифаси-

¹⁴⁸ АВПР, ф. Сношения России с Бухарой, д. № 2, л. 63—66 об.

¹⁴⁹ АВПР, ф. Сношения России с Бухарой, д. 2, л. 66—69. Элчи Олло Шукурбой дастлаб Астраханга келган вақтда Хива хонлиги вазири Хўжам Кули Муҳаммад Аминнинг губернатор Нероновга ёзган хатини ҳам тақдим қилган. Хатда вазир хиваликлардан ортиқча бож олинаётганлиги ва уни бекор қилиб улар фаолиятига шароит туғдирилишини губернатордан сўраган эди.

ни адо этиб Хивага қайтиш мақсадида Астраханга келади ва шу ерда вафот этади. Рус подшоҳи, канцлер ва Астрахань губернатори хатларини элчининг ҳамроҳлари Хивага олиб кетганлар.

XVIII асрнинг 70-йилларида Пугачёв бошчилигидаги деҳқонлар қўзғолони ва карвон йўлида кўчманчилар талонининг кучайиши орқасида Урта Осиёнинг Оренбург орқали рус давлати билан олиб бораётган савдоси издан чиқди. Бу ҳолат ўз навбатида асосан Оренбург орқали савдо-сотик олиб бораётган Бухоро хонлигининг ташқи савдосига ҳам салбий таъсир этмай қўймасди, албатта. Шунинг учун ҳам Бухоро хонлиги рус давлати билан савдо-сотик алоқаларини яхшилаш чораларини қидириб, қадимий Волга-Каспий йўлидан тўла фойдаланишга қарор қилди. Шу мақсад билан 1774 йилда мулла Эрназар Мақсудов номи Бухоро элчиси Хива хонлиги орқали Манқишлоққа келади ҳамда кема юборилишини сўраб Астрахань губернаторига хат билан мурожаат қилади¹⁵⁰. Натижада элчи мулла Эрназар Мақсудов Астраханга келиб, хонликнинг вазири Оталик Дониёр Муҳамедовнинг хатини губернатор П. Н. Кречетниковга топширган.

Элчи губернаторга ўз ҳамроҳларининг состави 52 кишидан иборатлиги ҳақида ахборот берган. Улар ҳарбий маслаҳатчи, дин қоҳинлари, хазиначи ва тикувчилардан ташкил топган¹⁵¹. Бундан ташқари тўққиз кишидан иборат созанда ва музикачилар группаси ҳам бўлган¹⁵². Юқорида кўрсатилганидек, Хива элчиси Олло Шукурбойнинг ҳам музикачилари бор эди. Афтидан, ўзбек хонликларидаги элчилар ўзбек музикасини Россияда намойиш қилиб, ўз шўхратларини оширишга ҳаракат қилганликлари эҳтимолдан узоқ эмас.

Элчи мулла Эрназар Мақсудов Астрахандан Санкт-Петербургга келиб рус давлатининг биринчи министри граф Н. И. Панин томонидан қабул қилинди. Шунда элчи рус подшоҳи ҳузурда бўлиш истагини билдирган¹⁵³. Элчи мулла Эрназар Мақсудовни рус подшоҳи қабул қилади¹⁵⁴. У Бухоро хони Абулғозининг рус подшоҳи номига ёзган ёрлигини тақдим қилади. Унда рус давлати тобелигидаги казаклар томонидан Бухоро савдогарларининг ўлдирилганлиги ҳамда улар молларининг таланганлиги маълум қилинган. Шу таланган молларнинг қайтарилиши рус ҳукуматидан сўралган¹⁵⁵.

¹⁵⁰ АВПР, ф. Сношения России с Бухарой, д. № 2, л. 12.

¹⁵¹ АВПР, ф. Сношения России с Бухарой, д. № 2, л. 27-об.

¹⁵² Уша жойда, в. 27.

¹⁵³ Уша жойда, в. 40—41.

¹⁵⁴ Уша жойда, в. 41.

¹⁵⁵ Уша жойда.

Бухоро хонлигидаги вазир Оталик Дониёр Муҳамедов ҳам рус давлати арбобларидан бири князь Г. А. Потемкинга махсус хат юбориб, элчи мулла Эрназар Мақсудов фаолиятининг самарали бўлишига ва тезроқ ўз ватанига қайтишига ёрдам беришни илтимос қилган. Шуниси характерлики, хатда элчининг қайтишини Бухоро хонлигидаги кишилар, жумладан, савдогарлар сабрсизлик билан кутаётганлиги уқтириб ўтилган¹⁵⁶.


Афтидан, юқоридаги сабабларга кўра, Бухоро хонлиги билан рус давлати ўртасидаги савдо-сотик алоқаларининг узилиб қолиши, Оренбург йўлида савдогарларнинг таланиши Бухородаги савдо-ҳунарманд доиралари манфаатларига путур етказган. Элчи мулла Эрназар Мақсудовнинг қандай жавоб олиб қайтишини савдо-ҳунарманд доиралари сабрсизлик билан кутганликларининг сабаби ҳам шунда. Вазир Оталик Дониёр Муҳамедов ўз хатида Россияда элчига нисбатан қилинган илтифот туфайли князь Г. А. Потемкин шўхрати Бухоро хонлиги ва унинг атрофидаги жойларга тарқалишини эслатиб ўтган¹⁵⁷. Вазир Астрахандаги порт божхонасидаги айрим ходимларнинг савдогарларга нисбатан қўпол муомалада эканликлари ҳамда ортиқча бож олиб, савдогарларни хафа қилаётганликларини маълум қилган¹⁵⁸.

Демак, хон ва вазирнинг хатларидан аёнки, элчи мулла Эрназар Мақсудов Россияга Бухоро хонлиги билан рус давлати ўртасидаги савдо алоқаларини самарали давом эттиришга ҳалақит бераётган тўққинликларни бартараф қилиш мақсадида борган. Элчининг Санкт-Петербургда рус ҳукуматига топширган хати бу тўғрида гувоҳлик беради. Чунончи, элчи ўз хатида уч минг пуд мис ва яроғ-аслаҳалар сотиб олишга рухсат берилишини рус ҳукуматидан илтимос қилган. Айни вақтда рус давлати тобелигидаги кўчманчилар томонидан ва Пугачев қўзғолони даврида таланган савдогарлар молларининг тўланиши сўралган. Элчи бир неча йиллар илгари Урта Осиё савдогарларининг Каспий—Волга йўлидан қатнаганликларини, бироқ кейинги пайтларда бу йўлдан карвонлар юрмаётганлигини маълум қилган. Элчининг ана шу йўл орқали келиши карвонлар юришига сабаб бўлган. Элчи Россияга келгач, икки кишини Бухорога юбориб, Каспий—Волга йўли орқали Россияга савдо карвони жўнатилишини

¹⁵⁶ АВПР, ф. Сношения России с Бухарой, д. № 2, л. 17—18-об, 21-об. Шунингдек, хатда элчининг яхши хизматлари учун бийликдан вазирлик даражасига ва у билан бирга кетган ўғли юзбоши мансабидан мингбошиликка кўтарилганлиги маълум.

¹⁵⁷ АВПР, ф. Сношения России с Бухарой, д. № 2, л. 31.

¹⁵⁸ Уша жойда, л. 31-об.



хондан сўраганлигини ва карвонларнинг ўша йўлдан келганлигини маълум қилган. Элчи ўзининг рус давлатига нисбатан ҳурматини намойиш қилиш учун Бухоро ва Хивада 21 та рус асири сотиб олинганлигини ҳам ўз хатида баён этади¹⁵⁹. Хуллас, элчи ўзининг Бухоро ва рус давлати ўртасидаги алоқада муҳим роль ўйнаётганлигини кўрсатишга ҳаракат қилган.

Дарҳақиқат, мулла Эрназар Мақсудов аслида йирик савдогар ҳисобланиб, узоқ вақтлардан бери рус давлатига бир неча мартаба қатнаб, қизгин савдо олиб борган. Унинг фаолияти билан рус ҳукумат вакиллари яхши таниш эдилар. Шунинг учун ҳам Санкт-Петербургда элчи мулла Эрназар Мақсудовга ҳар икки томон ўртасидаги дўстона алоқаларни ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшган киши сифатида қаралган. У Бухородан Оренбург ва Астраханга борадиган карвон йўли ҳақида батафсил маълумот тўплаган. Элчи ўз хулқи ва билимдонлиги билан рус ҳукумати доирасида обрў қозониб, зўр иззат-икромга сазовор бўлган, ҳатто, бу ҳақда Бухоро хонлигига хабар қилинган. Элчи рус подшоҳи томонидан катта совғалар билан мукофотланган. Айрим маълумотларга қараганда Екатерина Бухорода мадраса қуриш учун элчига пул берган ҳамда унинг ўзи билан келтирган ўн минг сўмдан ортиқ молларидан бож олинмаслиги ҳақида буйруқ чиқарган. Бундан ташқари элчига четга чиқарилиши тақиқланган темир ва пўлат сингари молларни божсиз олиб кетишга рухсат этилади. Эрназар Мақсудов Россиядан 3100 пуд темир ва 2873 пуд пўлатни божсиз Бухорога олиб кетишга эришган¹⁶⁰. Бухорода темир ва пўлатга талабнинг ниҳоятда катталиги эътиборга олинса, у вақтда элчининг муҳим аҳамиятга эга ишлар қилганлигига ҳеч шубҳа йўқ. Рус ҳукумати элчи мулла Эрназар Мақсудовга ҳали ҳеч бир оснеликка берилмаган имтиёз ва ҳадяларни берган. Жумладан, Катеринанинг кўрсатмасига мувофиқ сенат мулла Эрназар Мақсудовга Каспий — Волга йўли орқали беш йил муддат билан божсиз савдо қилиш¹⁶¹ ва Каспий денгизидagi бир кемани унинг ихтиёрига топшириш ҳақида қарор қабул қилади¹⁶². Мақсад Каспий денгизи орқали Ўрта Осиё билан олиб бориладиган савдо-сотикни ривожлантиришдир. Бухорода мадраса қури-

¹⁵⁹ АВПР, ф. Сношения России с Бухарой, д. № 3, л. 75—80.
¹⁶⁰ Государственный архив Астраханской области, ф. 1, оп. 1, д. 7, л. 5.
¹⁶¹ Уша жойда, ф. 394, оп. 3, д. 35, л. 48.
¹⁶² АВПР, ф. Сношения России с Бухарой, д. 3, л. 132 об.

3-расм. 1762 йилда Хива хони Темир Ғозихоннинг рус подшоҳи номига юборган ёрлиги.

лиши учун рус ҳукуматининг маблағ ажратишидан¹⁶³ мақсади ўзбек хонликларида рус давлатининг қудратини намоиш қилиш ва унинг таъсирини кучайтириш эди, албатта.

Элчи мулла Эрназар Мақсудов ўз зиммасига юклатилган вазифаларни адо этиб, рус подшоҳи Екатерина ва биринчи министр граф Паниннинг Абулғози Муҳаммад Баҳодирхон номига ёзган жавоб ёрлиғи билан хатни Бухорога олиб жўнаган. Ёрлиқда хоннинг ўзаро савдони давом эттириш таклифи мамнуниятлик билан қабул қилинганлиги ва рус ҳукумати томонидан ўзаро алоқани кучайтиришга қаратилган тadbирлар кўрилатганлиги маълум қилинган¹⁶⁴. Элчи орқали юборилган таклифларга жавоб эса биринчи министр граф Паниннинг хатида ўз ифодасини топган. Чунончи, граф Панин хонга шунини маълум қилдики, кўчманчилар ва Пугачёв кўзғолончилари томонидан таланган ўрта осиеликлар молларини қидириб топиш ёки тўлашнинг ҳеч иложи йўқ. Гарчи кўчманчи қирғиз-қозоқлар рус давлатига тобе бўлсаларда, ўзбошимчалик қилиб савдо қарвонларига ҳужум қила бердилар. Рус ҳукумати таланган молларни Бухоро савдогарларига топиб беришга қаратилган барча чораларни кўрган бўлса-да, молларни элчиларга қайтаришнинг иложи бўлмади.

Граф Панин савдогарлар молларининг Пугачёв кўзғолончилари томонидан таланишига тўхтаб кўрсатиб ўтдики, кўзғолон ва умуман шунга ўхшаш қутилмаган тартибсизликлар вақтида йўқотилган моллар учун ҳеч қайси бир ҳукумат жавоб бермайди¹⁶⁵. Элчи мулла Эрназар Мақсудов қарвон йўли хавфсизлигини таъминлаш учун кўчманчиларнинг бийлари ўғилларидан бир нечтасини омонат сифатида Бухорога олиб кетишга рухсат берилишини сўраган. Граф Панин агар шундай қилинганда қарвонлар хавфсизлиги ҳақиқатан ҳам таъминланадиган бўлса, у вақтда рус ҳукумати бу таклифни амалга оширишга рози эканлигини билдирди. Шунингдек, у Манқишлоқдаги туркманларга Ўрта Осие савдогарларидан

¹⁶³ Профессор Я. Ф. Фуломовнинг сўзига кўра, мулла Эрназар Мақсудов рус давлатининг маблағи билан Бухорода мачит қурган. Бу мачитнинг рус давлати ёрдами билан қурилганлиги Бухоро халқига ҳозирги кунда ҳам маълум.

¹⁶⁴ АВПР, ф. Сношения России с Бухарой, д. 2, л. 36—37.

¹⁶⁵ Санкт-Петербургда элчи мулла Эрназар Мақсудов Пугачёв бошчилигидаги кўзғолончилар қамалига қарши Оренбургда бухороликлар қатнашганликлари учун уларга таланган молларни тўлаш билан бир қаторда, мукофот берилишини сўраган. Бунга граф Панин бухороликлар ўз жонларини сақлаш учун кўзғолончиларга қарши курашганликларини ёзиб, улар ўз жонларининг омон қолганига шукур қилишлари керак деб ёзган. У бошқа кишиларнинг ҳам жонидан, ҳам молидан айрилганлигини эслатиб ўтади.

йўлда кўп бож олмаслик ҳақида фармон юборилишини маълум қилган. Бу ҳақда Астрахань губернаторига ҳам ахборот берилиши ёзилган. Граф Панин элчи мулла Эрназар Мақсудов Бухоро савдогарларидан олинадиган божни камайтиришни сўраганлиги ва бу ҳақда рус подшоҳининг махсус кўрсатмаси борлигини ёзиб, унга бу масала ўрганилгандан кейин жавоб беришини хонга маълум қилган. У айрим талабларни бажармасликка рус давлатининг Бухоро хонлиги билан яхши муносабатда бўлишни истамаслиги эмас, балки бу талабларни ҳал қилишнинг иложи йўқлиги сабаб эканлигини хонга тушунтирган¹⁶⁶. Демак, рус ҳукумати ўз жавоб хатларида Бухоро хонлиги билан алоқани давом эттиришга тайёрлигини билдириб, ҳал қилиниши мумкин бўлган талабларни қондиришга ҳаракат қилган. Россияда элчи мулла Эрназар Мақсудовга нисбатан қилинган иззат-икром ва унга берилган имтиёзлар рус давлатининг Бухоро хонлиги билан алоқани давом эттиришдан манфаатдор эканлиги ҳақида гувоҳлик беради.

1794 йилда Астраханга Хива хони номидан Авазмухаммад Саидов номли элчи келган¹⁶⁷. Бу ердан элчи Санкт-Петербургда ўтиб, ўзи бажариши зарур вазифалар ёзилган хон ёрлиғи ва шахсан ўз номидан ёзилган хатни рус ҳукумат вакилларига топширган. Хон ёрлиғи ва элчининг хатига кўра Хива хони қадим замонларда ўрнатилган дўстона алоқаларни давом эттиришдан ҳар икки томон тўла манфаатдор эканлигини баён этиб, тажрибали бир кўз доктори юборилишини¹⁶⁸ ва Хива савдогарларидан Астраханда олинаётган бож миқдорининг камайтирилишини рус ҳукуматидан сўраган¹⁶⁹. Бундан ташқари хон элчига 300 пуд темир сотиб олишга ижозат берилишини илтимос қилган. Шунингдек, Астраханда мусодара қилинган айрим хиваликлар червонларининг қайтарилиши сўралган¹⁷⁰.

Санкт-Петербургда элчи Авазмухаммад Саидов расман Хива хонлиги топшириқларини бажарувчи киши сифатида иш олиб борган бўлса-да, бироқ амалда у Хива хонлигидаги ҳо-


¹⁶⁶ АВПР, ф. Сношения России с Бухарой, д. 2, л. 38—44 об.

¹⁶⁷ Государственный архив Астраханской области, ф. 476, оп. 4, д. 94, л. 3. Бу элчи Оренбургдан Хивага юборилган рус элчиси Бланкенгел билан Астраханга келган эди.

¹⁶⁸ Хива хонлигидаги ҳукмрон доираларнинг йирик вакилларидан бири кўр бўлиб қолган эди. Уни даволаш учун рус доктори таклиф қилинади.

¹⁶⁹ Государственный архив Астраханской области, ф. 476, оп. 4, д. 94.

¹⁷⁰ Уша жойда. Қонун бўйича червонларни Россиядан олиб кетиш тақиқлангани учун червонлар давлат фойдасига ўтган эди.



кимиятни рус давлати ёрдами билан йиқитиш ҳақида ҳукумат вакиллари ўртасида музокара олиб борган. У вице канцлер Острманга махсус хат топшириб, унда узоқ вақтлардан бери рус давлати тарафдори бўлганлиги туфайли элчи сифатида келишга розилик берганлигини ва Хива хонлигининг рус давлати тобелигига олинишини сўраган. У ўзини Урганчининг қадимги ҳукмдорлари авлоди эканлиги ва ўзбек династиясига мансуб эмаслигини кўрсатиб ўтган¹⁷¹. Шубҳасиз, элчи хонликда ҳукмронлик қилаётган династияга қарши бўлган гуруҳ манфаатларини ва мақсадини ифода қилган, холос. У ўз хатида Хива хонлиги тобе бўлган тақдирда рус давлатининг бундан қандай фойда олишини қуйидагича баён қилган: 1. Бир вақтлар Хивада олтин ва қумушга бой конлар бўлиб, қадимги ҳокимлар улардан катта фойда олганлар. Шунинг учун ўзбек хонлари бу конларда ишлашни ўлим жазоси билан тақиқлаган. 2. Хонликда савдо бир томонлама давом этмоқда ҳамда хавф остидадир. Савдо-сотиқни Хитойдан Ҳиндистонгача ёйиб, рус давлати кўп фойда олса бўлади. 3. Агар рус давлати Хива хонлигини ўз қўл остига олса, у вақтда хонларнинг зулми орқасида ҳар ёққа тарқалиб кетган жуда кўп хоразмликлар ўз ватанига қайтган бўлур эди. 4. Хива хонлигида ўн минггача рус аскарлари озик-овқат билан бемалол таъминланиб, бундан аҳоли ҳеч қандай қийинчилик кўрмайди. 5. Бордию рус давлати хонликни ўз тобелигига олишни истамаса, у вақтда Манқишлоқда қалъа қурса яхши бўлур эди. Бундай қилинганда савдо карвонларининг хавфсизлиги таъминланарди¹⁷².

Кўрииб турибдики, элчи Авазмуҳаммад Саидов рус давлати диққатини хонликка жалб қилиш учун ҳар томонлама ҳаракат қилган. Хўш, рус ҳукумати элчининг таклифларига қандай жавоб берган? Бу таклифлар рус давлат арбоблари томонидан ўрганилиб ва шахсан рус подшоҳи томонидан кўриб чиқилиб, элчига оғзаки равишда жавоб беришга қарор қилинди. Қарорга кўра, рус ҳукумати элчининг таклифларини мамнуниятлик билан қабул қилса-да, бироқ уни амалга оширилиши учун даставвал маълумотлар тўпланиши ҳамда зарур чоралар кўриш лозимлиги элчига билдирилди. Шунинг-

¹⁷¹ Рус элчиси Бланкенгелнинг сўзича, Авазмуҳаммад Саидов Хивада Россия савдогарларини ҳар қандай тўсқинликлардан ҳимоя қилиб, уларга ёрдам кўрсатган. Государственный архив Астраханской области, ф. 476, оп. 4, д. 94, л. 2.

¹⁷² АВПР, ф. Сношения России с Бухарой, д. 11, л. 13 об.

4-расм. 1779 йилда Бухоро хони Абдулғози Муҳаммад Баҳодирхоннинг Рус императори Екатеринага юборган ёрлиғи.

дек, Манқишлоқда қалъа қуриш масаласига ҳам хайрихоҳлик билан қаралганлиги маълум қилинди¹⁷³. Шу равишда рус ҳукумати амалда элчининг таклифларини қондиришдан бош тортган эди. Бунга Хива хонлигида рус давлати қўл остига ўтиш учун ҳали реал шароит йўқлиги сабаб бўлган.

Санкт-Петербургда элчи Авазмуҳаммад Саидов рус подшоҳининг Хива хони номига ёзган ёрлиғи ва вице канцлер граф Остерманнинг хатини олиб ватанига жўнаган. Ёрлиқда рус давлатининг Хива хонлиги билан савдо-сотик алоқаларини давом эттиришга тўла розилиги баён этилган¹⁷⁴. Вице канцлер хатида эса Хива хонининг таклиф ва сўровларига жавоб берилган. Хоннинг Астраханда хиваликлардан олинган божни камайтириш таклифига шундай жавоб қилинганки, у ердаги божнинг миқдори унчалик кўп бўлмай савдогарларга оғирлик қилмайди. Бунинг устига Астраханда савдогарларнинг ҳаммасидан бож олинаётганлиги туфайли, хиваликларга алоҳида имтиёз бериш адолатли ҳисобланмайди. Шундай бўлса-да, рус ҳукумати хивалик савдогарларга эътибор билан қараб, уларга ҳеч қандай зарар етказмайди чораларни амалга оширади. Шунингдек, Астраханда мусодара қилинган червонларни ўз эгаларига қайтарилиши ва кўз доктторининг юборилиши ваъда қилинган¹⁷⁵.

XVIII асрнинг охириги йилларида Бухоро хонлиги билан Эрон ўртасида уруш бўлиб, Эрон қўшинлари Хуросонни босиб олди. Эроннинг Бухоро хонлигига ҳужум қилиш хавфи бу ердаги ҳукмрон доираларни жуда ташвишлантириб қўйди. Шунинг учун Бухоро хони Эронга қарши рус давлати билан иттифоқ тузиш мақсадида, 1797 йилда мулла Полвонқул Корчи Болтаев номли элчини ёрлиқ билан Россияга жўнатган. Элчи аввал Астраханда, сўнгра Москвада бўлган. Рус подшоҳи номига ёзилган хон ёрлиғида Эрон шоҳи Оға Маҳамднинг талончилик ҳаракатлари қораланган. Жумладан, Эрон подшоҳининг Тбилисига ҳужум қилиб кўп одамларни қирганлиги ва асир олганлиги уқтириб ўтилиши билан баробар, черковнинг бузилганлиги ҳақида ҳам гапирилган. Шунингдек, Хуросоннинг Эрон қўшинлари томонидан эгалланганлиги маълум қилинган. Хатда агар рус ҳукумати Эронга қарши отланса, Бухоро хони кучсиз бўлса-да, русларга ёрдам беришга тайёрлигини билдирган. Айни бир вақтда Бухоро хони Эронга қарши ёлғиз курашишга заиф эканлигини билдириб,

¹⁷³ Уша жойда, д. 11, л. 6.

¹⁷⁴ Уша жойда, д. 12, в. 10—11.

¹⁷⁵ Уша жойда, в. 13.

ўн минг кишилик рус аскарларини ва 50 тўпни ёрдам учун Бухорога юборилишини сўраган¹⁷⁶. Бундан ташқари рус ҳукуматидан Бухоро хони ўз элчиси орқали 2500 қалқон юборилишини ҳам илтимос қилган¹⁷⁷. Бироқ рус ҳукумати Бухоро хони талабларини амалда рад этди. Чунончи, унинг жавоб ёрлиғида Эрон билан келишиш хонга таклиф этилди. Агар бунга эришилмаса ва Эрон шоҳи Бухорога ҳужум қилса, у вақтда рус ҳукуматининг тегишли чораларни амалга ошириши хонга маълум қилинди. Афтидан, рус ҳукумати Бухоро хонлиги учун Эрон билан алоқани кескинлаштиришни лозим топмаган.

Кўп ўтмай, яъни 1799 йилда Бухородан Астраханга Мирза Абдулла номли бошқа элчи келган. Бухоро хони Маъсумхоннинг ёрлиғига қараганда элчининг зиммасига Россиянинг чекка ўлкаларида Бухоро савдогарларига тўла шароит туғдириш ва савдо доирасини кенгайтириш масалаларини ҳал қилиш юклатилган. Ёрлиққа кўра, Россия савдогарларига хонлиқнинг ҳамма жойларида ҳеч қандай тўсқинликсиз бемалол савдо қилишлари учун тўла шароит мавжуд. Россиянинг чекка ўлкаларида эса маҳаллий ҳокимият Бухоро савдогарларига нисбатан кўпол муомалада бўлиб уларнинг бемалол савдо қилишлари учун йўл қўймаётир. Бунинг устига Бухоро савдогарлари Россия ички томонларига қўйилмаётир¹⁷⁸. Вазир Оталик Ўткир томонидан канцлер Безбородко номига юборилган хат ҳам худди шу мазмунда эди¹⁷⁹.

Рус ҳукумати кўрсатилган талабларнинг ҳаммасини қабул қилиб, Бухоро савдогарларига Россия чекка жойларида яхши муносабатда бўлиш ҳақида маҳаллий ҳокимиятга фармон берилишини ваъда қилди¹⁸⁰. Савдогарларни Россиянинг ички томонларига қўйиш ҳақидаги талабга эса Бухоро савдогарлари учун чекка ўлкаларда савдо қилиш ҳар томонлама қулай ва мақсадга мувофиқдир деб жавоб қилинди¹⁸¹. Шубҳасиз, рус ҳукумати ўз савдогарлари манфаатларига зарар етказадиган таклифларни қабул қила олмас эди. Бухоро хонининг савдогарларни Россия ички томонларига қўйилишини сўрашдан мақсади рус молларини биринчи қўлдан олиш ҳамда Урта Осиё молларини бевосита истеъмолчиларга сотиш йўли билан ўз савдогарларининг даромадини ошириш эди.

Шундай қилиб кўрдикки, XVIII асрда Астрахань орқали

¹⁷⁶ Уша жойда, д. 2, в. 5—6.

¹⁷⁷ Уша жойда, в. 12.

¹⁷⁸ Уша жойда, д. 2, в. 3—4.

¹⁷⁹ Уша жойда, в. 6—8.

¹⁸⁰ Уша жойда, д. 2, в. 12—14.

¹⁸¹ Уша жойда, в. 15—17, 29—31.

Ўзбек хонликлари билан рус давлати ўртасидаги элчилик алоқалари анча қизғин тус олган эди.

XIX асрда аҳвол бутунлай ўзгарди, элчилик алоқаларида Волга — Каспий йўли ўз мавқеини мутлақо йўқотди. XIX асрда Оренбург ва Сибирь линияси Ўрта Осиёнинг рус давлати билан савдо алоқасида асосий ўринларни эгаллаб, Волга — Каспий йўли орқали олиб бориладиган савдога зарба берган эди. Волга—Каспий йўлида туркманлар талонининг кучайиши орқасида карвон йўли жуда хатарли бўлиб қолган, шунинг учун ўзбек хонликларининг савдо карвонлари билан бир қаторда элчилар ҳам асосан Оренбург ёки Сибирь линияси орқали қатнаган.

Рус давлатининг айрим арбоблари Волга — Каспий йўлининг собиқ аҳамиятини тиклаб, ўзбек хонликлари билан алоқани кучайтириш чораларини қидиришга ҳаракат қилганлар. Чунончи, 1818 йилда Кавказ қўшинларининг бош қўмондони генерал А. П. Ермоловнинг вице канцлер А. А. Аракчеевга ёзган хатига кўра, Санкт-Петербургда адмирал Мордвинов Каспий денгизининг шарқий қирғоғида рус давлати ҳукмронлигини ўрнатиб, сўнгра туркманларни бўйсундириш ва бу билан карвон йўли хавфсизлигини таъминлаб, ўзбек хонликлари билан савдони кучайтириш ҳақида министрлар комитетига ўз фикрини маълум қилган. Адмирал Мордвинов фикрича, Красноводский ёки Очургин қўлтиғи орқали карвон йўли ўтказилиши лозим эди. Бу таклифга генерал А. П. Ермолов қўшилмай бу жойлар Хуросон областига яқин бўлганлиги учун Хуросондан карвонларга ҳужум қилиниши мумкин. Унинг фикрича, карвон йўли Хива хонлигига яқинроқ жойдан ўтиши лозим эди. Лекин бу масалани тегишли маълумотлар тўплангандан сўнг ҳал қилиш мумкин¹⁸². Демак, генерал А. П. Ермолов карвон йўлини ўзгартириш орқали савдогарлар хавфсизлигини таъминлаб, Ўрта Осиё билан савдо-сотиқни кучайтиришга ҳаракат қилган. Шу мақсад билан 1819 йилда майор М. И. Пономарев Каспий денгизи шарқий қирғоқларини ўрганиш учун, капитан Муравьев эса Хивага элчи сифатида юборилди. Генерал А. П. Ермоловнинг уларга берган инструкциясида шундай дейилган: «Хива билан савдо ўзининг муҳимлиги, хилма-хил ва ажойиб моллари билан узоқ вақтлардан бери рус ҳукумати диққатини жалб қилиб келади. Шу пайтгача бизга келадиган Хива карвонлари жуда узоқ ва қирғиз-қайсақларнинг ҳужуми орқасида хавфли бит-

та йўл орқали ўтади... Бу эркин савдо-сотиқ қилишга тўсқинлик қилиб, моллар нархининг жуда ошиб кетишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун Хива билан дўстона алоқаларни тўғри туркман ерларидан Каспий денгизининг шарқий қирғоғигача, бу ердан Боку ҳамда Астрахань портларига борадиган энг қисқа, хавфсиз йўл ўрнатиш мўлжалланмоқда»¹⁸³. Шу равишда генерал А. П. Ермолов майор М. И. Пономаревни юборишдан мақсад нималигини баён этиб, унга Каспий денгизининг шарқий қирғоқлари ва туркманлар аҳволини батафсил ўрганишни, капитан Муравьевнинг эса Хивага элчи сифатида боришини уқтириб ўтган. Айни вақтда генерал А. П. Ермолов капитан Муравьевга қиладиган ишлари тўғрисида кўрсатма берган. Капитан Муравьев аввал Каспий денгизининг шарқий қирғоғида қалъа қуриш учун ҳар томонлама қулай жой танлаши лозим эди. Қалъа рус мамлакати учун склад ролини ўйнаши керак. Қалъага жой танлашда унинг Хивага энг яқин йўлда бўлишлиги назарда тутилиши лозим эди. Хивада капитан Муравьевга хонлиқнинг ҳарбий кучини ва яроғ-аслаҳалари турларини аниқлаш, унинг Эрон ва шунингдек, Хуросонга нисбатан муносабатини аниқлаш вазифаси юклатилган эди. Капитан Муравьев генерал А. П. Ермоловнинг ўзаро дўстлик ва савдо алоқаларини кучайтириш ҳақидаги Хива хони Муҳаммад Раҳимхон номига ёзилган хат билан Хивага келган. Дастлаб капитан Муравьев жосус ҳисобланиб анча вақт қаттиқ назорат остида яшаган. Кейинроқ у шахсан хон томонидан қабул қилиниб, суҳбат ўтказган¹⁸⁴. Суҳбат вақтида капитан Муравьев Хивадан савдо карвонларининг Манқишлоққа эмас, балки Красноводскга қатнашини таклиф этганда хон буни қабул қилмаган. Бунинг сабабини хон Красноводскда эронликлар, Манқишлоқда эса ўз таъсири ўрнатилган деб тушунтирган. Шунинг учун хон Манқишлоқ орқали ўтадиган карвон йўллариининг хавфсиз эканлигини аниқлаган. Капитан Муравьевнинг сўровига биноан Муҳаммад Раҳимхон ўзининг Хоназар юзбоши ва Ёқуббек номли жавоб элчисини генерал А. П. Ермолов номига ёзилган хат билан Россияга жўнатган. Хатда ҳозирда Хивадан Астрахань областига карвонлар қатнаб турганлиги маълум қилинган¹⁸⁵. Хива хони Муҳаммад Раҳимхон элчилари капитан Муравьев билан Бокуга келганлар. Бироқ улар фаолиятига доир маълумотларга эга эмасмиз.

¹⁸² ЦГВИА СССР, ф. 483, д. 1, л. 1—2, Русско-туркменские отношения в XVIII—XIX вв., Сборник архивных документов, Ашхабад, 1953, стр. 197—198.

¹⁸³ ЦГИА Грузинской ССР, ф. 2, оп. 1, д. 31, л. 21, Русско-туркменские отношения..., стр. 198.

¹⁸⁴ Акты Кавказской археологической комиссии, т. IV, ч. 117, 709—710.

¹⁸⁵ Уша жойда

Маълумотларга кўра капитан Муравьев савдо-сотиқни ривожлантиришга қаратилган бирор масалани ҳал қилмаган. Бироқ унинг туркманлар ва Хива хонлиги ҳақида тўплаган қимматли маълумотлари ўз аҳамиятини ҳамон йўқотгани йўқ¹⁸⁶.

Капитан Муравьевдан кейин Астрахань орқали Ўрта Осиё ва рус давлати ўртасида элчиларнинг қатнаганликлари тўғрисида (В. Жуковскийнинг асарида ҳам) ҳозирча ҳеч қандай маълумотлар йўқ.

Юқорида баён этилганлардан шундай яқин яшаш мумкинлиги Қозон ва Астрахань хонликлари босиб олингандан сўнг Ўрта Осиё билан рус давлати ўртасидаги алоқалар янги босқичга кўтарилиб, ҳар икки томон ўзаро бевосита элчилик муносабатларини ўрнатиш имконига эга бўлган.

XVI асрнинг иккинчи ярмида анча йўлга қўйилган ўзаро элчилик муносабатлари кейинги даврларда шу муносабатларнинг ўсишига замин ҳозирлади. Натижада бутун XVI—XVIII асрлар давомида Астрахань орқали ўзбек хонликлари билан рус давлати ўртасида элчилик муносабатлари анча ривожланди. Бунга ҳар икки томоннинг манфаатдорлиги асос бўлган эди. Ўзбек хонликларидаги элчиларнинг асосий мақсади савдо алоқаларини яхшилашга қаратилган масалаларни ҳал қилиш ҳисобланган. Элчилар фақат савдо-сотиққа доир масалаларни эмас, балки сиёсатга тегишли масалаларни ҳам ҳал қилишда муҳим роль ўйнаган эдилар. Жумладан, элчиларнинг ўзаро феодал урушларга, Эрон ва қалмоқларга қарши руслар билан биргаликда курашишни таклиф қилиб Россияга келган вақтлари бўлган. Ҳатто, айрим элчилар Хива хонлигини рус давлати тобелигига олиш таклифини қўйганлар. Рус давлати элчиларининг асосий вазифаси савдо-сотиқни ривожлантириш, ўзбек хонликларидаги рус асирларини озод қилиш ва бу жойлар аҳволини ўрганишдан иборат эди.

Кўрсатиб ўтиш лозимки XVI асрнинг иккинчи ярми—XVIII асрларда ҳар икки томон ўртасида элчилик муносабатлари самарали давом этган. Бундан Петр I нинг подшоҳлик даври мустаснодир. Маълумки, Петр I гарчанд Ўрта Осиё билан алоқани кучайтириш тарафдори бўлган бўлса-да, бироқ унинг Хива хонлигини босиб олиш учун уюштирилган ҳарбий экспедициясининг мағлубияти Ўрта Осиё, айниқса, Хива хонлиги билан рус давлати ўртасидаги элчилик алоқаларининг маълум вақтгача тўхтаб қолишига сабаб бўлган

эди. Бироқ Петр I ўлиmidан кейин элчилик алоқалари ўз йўлида давом этган. Лекин Волга — Каспий йўли орқали элчилик алоқаларининг кенг ривожланиб боришига XVIII аср охирларидан бошлаб Оренбург халақит берган. Бу вақтларга келиб Оренбург ва Сибирь линияси рус давлатининг Ўрта Осиё билан элчилик алоқалари марказига айланмоқда эди. Ўзбек хонликларида тобора кўпроқ элчилар Оренбург ва Сибирьга қатнадилар. Оқибатда XIX асрга келиб Астрахань орқали элчилик муносабатлари деярлик йўққа чиқди.

¹⁸⁶ У тўплаган маълумотлар ўша вақтлардаёқ босилиб чиққан эди. Муравьев, Путешествие в Туркмению и Хиву в 1818—1820 гг., М., 1822.

Иккинчи боб

XVI АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ — XIX АСРЛАРДА САВДО АЛОҚАЛАРИ

XVI АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ—XVIII АСРДА САВДО АЛОҚАЛАРИ

XVI асрнинг ўрталарида Астрахань босиб олингандан кейин Урта Осиё Волга-Каспий йўли орқали рус давлати билан бевосита савдо қила бошлади. Рус давлати Волга-Каспий йўлининг Шарқ мамлакатлари ва, шу жумладан, Урта Осиё билан савдо алоқасида тутган ролини ҳисобга олиб, Астрахань ва Қозонда савдо-сотиқни кучайтиришга қаратилган тадбирларни белгилади. Айни бир вақтда юқорида кўрсатилганидек, ўзбек хонликлари Волга-Каспий йўли орқали Россия билан савдо алоқаларини кучайтиришга ҳаракат қилдилар. Шунингдек, Астраханга Эрон, Ҳиндистон, Туркия, Озарбайжон, Арманистон ва бошқа мамлакатлардан ҳам савдогарлар келган. XVI асрнинг иккинчи ярмида Астраханда Шарқ ва Европа моллари билан савдо қилувчи иккита раста (Бухоро ва Гилян) барпо этилган¹.

Астрахань ва, умуман, Волга-Каспий йўли орқали Урта Осиё билан рус давлати ўртасидаги савдо-сотиққа доир ҳужжатлар жуда кам сақланган. Мавжуд маълумотларга қараганда, Волга-Каспий йўли орқали хусусий ва хазина савдоси олиб борилган. Хусусий савдо билан Урта Осиё савдогарлари, хазина савдоси билан эса хон томонидан юборилган савдогарлар шуғулланган. Хусусий савдо ҳар икки томон ўртасидаги савдо-сотиқ алоқасида асосий ўринни эгаллаган. Бироқ бу савдо алоқаси ҳақида айрим маълумотларгагина эгамиз, холос. Чунинчи, юқорида қайд қилинганидек, Дженкинсон Астраханга келиб, бу ердан 1000 туялик қарвон билан Хоразмга йўл олади². Дженкинсон Астраханда савдо жуда

¹ «Полное собрание русских летописей», т. XIII, стр. 284; А. Чулошников, юқорида кўрсатилган мақола, 65-бет. Е. Н. Кушева, Народы Северного Кавказа и их связи с Россией в XVI—XVIII вв., М., 1963, стр. 224—227, 252.

² «Английские путешественники в Московском государстве», стр. 175.

сув эkanлигини уқтириб ўтган. Лекин бу фикр унчалик тўғри бўлмаса керак. Аввало, Дженкинсоннинг 1000 туялик қарвон билан Урта Осиёга келишининг ўзи Астраханда савдо анча жонланганлигидан дарак беради. В. Бартольд ва бошқа авторларнинг кўрсатишича, Дженкинсон билан келган қарвонда Урта Осиё савдогарлари кўпчиликни ташкил этган³. 1559 йилда Урганч ва Бухородан келган Дженкинсон 600 туялик қарвон билан Астраханга қайтган. Унинг айтишича, руслар Бухорога чарм, жун буюмлари, ёғоч идишлар, эгар, узанги ва бошқа молларни келтирган⁴.

1567 йилда Астрахань орқали Маккага кетаётган урганчлик ва бухороликлар турк султониغا Астраханга турли жойлардан кўп савдо кемалари келаётганлигини ва бунинг орқасида рус подшоҳи жуда катта даромад олаётганлигини маълум қилганлар⁵. Шубҳасиз, бу маълумотлар бирмунча бўрттирилган бўлса-да, маълум асосга эга.

XVI асрнинг иккинчи ярмида Астрахань орқали Урта Осиё билан рус давлати ўртасидаги савдо алоқаси ҳақида Бухоро элчиси Муҳаммадалининг айтган сўзи ўқамасида савдогарлар Бухоро элчиси Муҳаммадали 1585 йилда рус подшоҳи Фёдор Ивановичга ёзган хатида шундай деган эди: «Буюк рус князи Фёдор Ивановичга бухоролик савдогарлар ва бошқалар номидан Бухоро подшоҳи Абдуллахоннинг элчиси Муҳаммадали шуни маълум қилдики, Астрахандан сенинг татарларинг давлат кемаларида (Кабаклик — Ҳ. З.) пристанига келиб денгизнинг у ёқ томонидан бизларни молларимиз билан Астраханга келтирадидилар...»⁶

XVII асрнинг бошларида хусусий савдо анча ривожланди. Бу ҳақда 1617 йилда Хива элчиси Юсуп ҳожининг рус подшоҳи Михаил Фёдоровичга ёзган хати гувоҳлик беради: «Кабаклик пристанига — деб ёзган эди элчи, — бизнинг подшоҳимиз областларидан бухороликлар, тошкентликлар ва бошқа турли жойлардан кўп савдогарлар келадилар. Менинг подшоҳим менга бундай савдогарларнинг ҳаммаси билан биргаликда Кабаклик пристанига боришни буюрди. Бироқ кўп савдогарлар бу жойдан кеманинг етишмаслиги орқасида қайтиб кетдилар. Бундан буён Астрахандан Кабакликка еттига кема юбориб турилишини сиз улур подшоҳдан сўраймиз...»⁷. Шу-

³ В. Бартольд, Сведения об Аральском море и низовьях Амударьи с древнейших времен до XVII века, Ташкент, 1902, стр. 100.

⁴ «Английские путешественники в Московском государстве», стр. 186.

⁵ В. О. Ключевский, Сказания иностранцев о Московском государстве, Петроград, 1918, стр. 271; М. В. Фехнер, Уша асар, 54-бет.

⁶ Бухарские столбцы, № 6, л. 18.

⁷ Хивинские столбцы, лл. 56—57 и 60.

нингдек, Хива хони савдогарларга чўллар орқали (Самара ва Қозонга) эмас, аввалигидек Астрахань орқали юришларини буюрган. Чунки қуруқликдаги йўл жуда хавфли ҳисобланган. 1621 йилда бир гуруҳ Урта Осиё савдогарлари турли моллар ва, шу жумладан, газламалар билан Астраханда савдо қилганлар⁸.

Волга-Каспий йўлида Қозон ҳам муҳим ўринни эгаллаган. Қозон йилномасида айтилишича, 1552 йилда Қозонда рус аскарлари Урта Осиё савдогарларини учратганлар⁹. Қозонни босиб олишда қатнашган князь Курбскийнинг айтишича, у жойда олтин, қумуш, нодир тошлар билан қизгин савдо-сотик олиб борилган. У ерда арман, озарбайжон, турк ва бошқа савдогарларни ҳам кўриш мумкин эди¹⁰. 1553 йилда рус ҳукумати Шарқ мамлакатлари билан олиб борган савдо алоқасида Қозоннинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, у ерда савдонинг ривожлантириш ҳақида маҳаллий ҳокимиятга буйруқ берган эди¹¹. Натижада Қозонда савдо анча қизгин тус олади, ўрта осиеликлар ҳам бу ерга тез-тез келиб туради. Чунончи, Қозонга 1585 йилда Бухоро элчиси билан бирга савдогарлар ҳам келган эди. 1589 йилда бир гуруҳ хивалик савдогарлар даставвал Астраханга, сўнгра эса Қозонга келиб, 3 йилдан бери савдо қилаётганликларини рус подшоҳига маълум қилган эдилар¹².

1615 йилда савдогар С. Маҳаматов 8 араб газламаси, 30 та туркман тулки мўйнаси, икки ярим пуд кўк қоғоз, 10 пуд бўёқ; иккинчи савдогар Б. Муродов 44 ип газлама, 80 ансир ипак, 75 рангдор ип газлама, 25 ипак газлама, бир пуд кўк қоғоз; учинчи савдогар М. Муллабоқиев эса 62 лос толасидан қилинган газлама, 575 та зандони, 388 та белбоғ, 18 бўз, 20 та Бухоро кўйлаги, 30 та Бухоро ўқ ёйи, 5 ансир ипак ва бошқа молларни Қозонга келтирганлар. Бошқа бир савдогар 330 ип газлама, 19 араб ип газламаси, 150 эчки чарми, 3 пуд қоғоз, 37 та туркман тулки мўйнаси ва 9 пуд бўёқ сингари молларни келтирганди¹³. 1620 йилда ҳам Урта Осиё савдогарларининг Қозонда савдо қилганликлари маълумдир¹⁴. Шу йили бухоролик бир савдогар Қозон орқали 1300

⁸ Архив ЛОИИ АН СССР, ф. 178; Астраханская приказная палата, оп. 1, № 422, л. 1, Савдогарлардан молларни маҳаллий ҳокимият рус давлат хазинаси учун сотиб олган.

⁹ П. С. Р. Л., т. XIX, стр. 130.

¹⁰ М. В. Фехнер, Юқорида кўрсатилган асар, 56-бет.

¹¹ Уша асар, 57-бет.

¹² МИУТТ ССР, 106—107-бетлар.

¹³ Памятники дипломатических..., т. III, стр. 276—277.

¹⁴ МИУТТ ССР, 135-бет.

рангдор ип газлама, 300 та уч қаватли зандони, 23 ипак газлама, 20 та парда, 150 та белбоғ, 50 икки қаватли зандони сингари молларни Нижний Новгородга олиб кетган¹⁵.

1622 йилда Қозон орқали Нижний Новгород ва Ярославдан бир гуруҳ ўрта осиелик савдогарлар Москвага борган эдилар. Қозонда ўрта осиеликларнинг савдо фаолияти шу даража жонланган эдики, ҳатто улар у ерда яшаб, имтиёزلарга ҳам эга бўлганлар. Архив ҳужжатларидан бирида ўрта осиелик савдогарларнинг кўпчилиги «Қозонда давлатга ҳеч қандай мажбуриятларни тўламай савдо қилишлари» уқтириб ўтилган¹⁶.

Степан Разин бошчилигидаги қўзғолончилар Астраханни эгаллаган вақтларида у ерда ўрта осиелик савдогарлар ҳам бор эди. Степан Разин қўлга туширилиб, унинг устига қўйилган айбномада Астраханда қўзғолончилар томонидан савдогарларнинг, жумладан, ўрта осиеликларнинг таланганлиги ҳам кўрсатиб ўтилган¹⁷. Кейинги вақтларда ҳам ўрта осиеликлар Астраханга ва у ердан Волга бўйининг бошқа жойларига қатнаганлар. Масалан, 1698 йилда А. Мамадалиев исмли ўрта осиелик савдогар Астрахандан моллар билан Қозонга келган¹⁸. Бу Урта Осиё билан савдо давом этганлигини исботлайди. Рус савдогарлари томонидан Урта Осиё молларининг Москвага келтирилиши ҳам ўша вақтларда Астраханда, Урта Осиё савдоси давом этаётганлигидан дарак беради. Москва божхонасининг маълумотига кўра, XVII асрнинг 90-йилларида Астрахандан рус савдогарлари 92 Хива ип-газламаси, 30 та қоракўл¹⁹, 10 тўп лос толасидан қилинган Бухоро газламаси²⁰, 10 тўп Хива хом сурпи²¹, 4 тўп лос толасидан тайёрланган Хива газламаси ва бошқа шу каби молларни Москвага олиб келганлар. Булардан ташқари, 804 тўп ип газлама, 5 та парда, 110 та белбоғ, 9 та зандони, 15 та қўй териси ва бошқа молларни Москвага келтирганлиги маълумдир²².

XVII аср бошларида чўл орқали Самарага ҳам савдо қарвонлари келганлиги ҳужжатларда қайд қилинган. Чунончи,

¹⁵ Уша жойда.

¹⁶ Г. Губайдуллин, Из истории торгового класса Приволжских татар, Баку, 1926, стр. 54.

¹⁷ Б. Г. Курц, Уша асар, 351-бет. Айбномада шундай дейилган: «Ты (Степан Разин — Х. З.) предал смерти многих знатных купцов персидского шаха и многих других иностранных торговцев, персиян, индейцев, турок, армян и бухарцев, которые были в то время в Астрахани ради торговых целей, и разграбил их богатства...»

¹⁸ Памятники дипломатических..., т. 2, стр. 101.

¹⁹ «Книги Московской большой таможни — Новгородская, Астраханская, Малороссийская», М., 1961, стр. 68.

²⁰ Уша асар, 70-бет.

²¹ Уша жойда.

²² Уша асар, 71—72-бет.

Самарага 1617 йилда Дўстгул бошчилигида 300 аравали, бек Маматхон ҳожи бошчилигида 200 аравали, Шаҳзода бошчилигида 50 аравали ва Дўстгул Катли бошчилигида эса 200 аравали савдо қарвонлари келган. Бироқ Хива элчиси Юсуп ҳожининг кўрсатишича, бу қарвонлар таланиб, савдогарлар 30000 сўмлик молларидан айрилган²³.

Хазина савдоси элчилар бошчилигида олиб бориларди. 1585 йилга оид маълумотга кўра, Бухоро хонининг Муҳаммадали исмли элчиси 2100 та зандони, 200 зиғир газлама, 100 ипак газлама, 1500 та ип белбоғ ва 40 пуд бўёқни Астраханга олиб келган²⁴. Шу йили Хива элчиси Муҳаммад ҳожи 2200 та зандони, 200 ипак газлама ва бўёқ сингари молларни олиб келган²⁵. 1614 йилда Бухоро хони Имомқулихон савдогар Наврўзхўжа орқали ўз ихтиёридаги молларни Самарага юборган. Бу савдогар ўзи келтирган моллар эвазига қалқон, морж тиши ва мўйна сингари рус молларини Бухорога олиб кетиши керак эди. Наврўзхўжа билан бирга Дарвеш Бобо бошчилигида Хива хонининг савдо қарвони келган эди²⁶. Имомқулихоннинг 1633 йилда Отақули ҳожи исмли савдогар билан ҳам 4891 сўмлик молни Астрахань орқали Россияга юборганлиги маълум²⁷ (бу моллар: 4626 та зандони, 1530 та уч қаватли зандони, 735 та ансир ипак, 38 ип газлама 325 зиғир газламаси, 664 оқ бўз, 70 хом сурп, 30 та чакмон ва бошқа моллардан иборат эди). 1634 йилда Хивадан савдогар Назар ҳамроҳи билан хазина молларини олиб Астраханга келган. 1635 йилда Бухоро хони Имомқулихон Бекбут Баҳодир деган савдогарни 3788 сўмлик мол билан Астраханга юборган. 1638, 1639, 1640 ва 1645 йилларда ҳам Хивадан Астраханга хазина молларининг юборилганлиги архив ҳужжатларида қайд қилинган²⁸. Ҳатто, узоқ Балх шаҳридан ҳам Россияга хазина моллари юборилган вақтлар бўлган. Жумладан, 1640 йилда Балх ҳокими Нодир Муҳаммаднинг рус подшоҳи Михаил Фёдоровичга ёзган хатига кўра, у бир савдогар орқали 750 сўмлик молни Астраханга жўнатганлиги маълум²⁹.

XVII асрнинг иккинчи ярмида ҳам ўзбек хонлари хазина моллари юборганлиги ҳақида маълумотлар бор. Масалан, 1673 йилда Хива элчиси Паҳлавон Қулибек, 1679 йилда эса яна бошқа бир элчи хазина молларини Астраханга келтирган

эди. Одатда Россияда хазина моллари билан савдо-сотиқ қилувчилардан бож олинмасди. Бундай ҳолларда ҳар бир элчи ёки савдогар рус подшоҳига хазина моллари олиб келганлигини билдириб, божсиз савдога рухсат берилишини сўрарди. Шундагина божсиз савдо қилиш ҳақидаги махсус фармон маҳаллий ҳокимиятга юбориларди. Бундай тадбир рус ҳукуматининг ўзбек хонликлари билан савдо алоқасини мустаҳкамларди.

Хазина моллари билан савдо қилувчи элчилар ёки савдогарлар келтирган моллари эвазига рус молларини олиб келардилар. Жумладан, 1589 йилда Бухоро ва Хива элчилари 900 та чарм, 70 пуд асал, 80 челақ ароқ, 40 та чарм пўстин каби молларни олиб кетган эдилар. Шунингдек, ўрта осийлик савдогарлар 18 та немис асирларини сотиб олган эдилар. 1617 йилда Хива элчиси Юсуп ҳожи рус подшоҳига 10 та қалқон, 1000 та пичоқ ва 3 асир сотиб олишга рухсат берилишини сўраб хат ёзган³⁰. Айни вақтда элчи Москвада 50 газ мовут, 2000 та лаган ва ёғоч идиш, савсар мўйнаси сингари молларни сотиб олганлигини маълум қилган³¹. Одатда ўзбек хонлари ўз элчи ёки савдогарларига қандай рус молларини сотиб олишлари кераклиги ҳақида махсус ёрлик берарди. Масалан, Бухоро султони Абдулазизхон 1643 йилда Россияга юборилган элчиси Иброҳим ҳожига ҳар хил рангдаги мовут ҳамда чарм, соат, қалқон, морж тиши ва безатилган қиличлардан сотиб олишни буюрган³².

Рус элчиларининг ҳам хазина моллари билан савдо-сотиқ қилганликлари маълум. 1671 йилда Бухорога кетаётган рус элчиси А. Грибовга 4251 сўмлик мўйна ва 100 сўмлик морж тиши берилган. Шунингдек, элчига қўшимча моллар сотиб олиш учун 10 минг сўм пул ажратилган эди³³.

Рус моллари элчилардан ташқари асосан Ўрта Осиё ва Россия савдогарлари томонидан олиб кетиларди. Бироқ бу ҳақда маълумотлар жуда кам. Айрим манбаларнинг кўрсатишича, 1614 йилда костромалик бир савдогар Астрахандан ўз гумаштасини чарм, мих, қизил этик ва бошқа моллар билан Бухорога жўнатган. 1643 йилда Хива элчиси Амин Баҳодир ҳар йили Астрахандан 40—50 рус савдогарининг Урганчга қатнаётганликларини рус подшоҳи Михаил Фёдоровичга маълум қилган³⁴. 1646 йилда бир гуруҳ рус савдогарларининг Урганчга келганликлари манбаларда қайд этил-

²³ Хивинские столбцы, лл. 64—82.

²⁴ Бухарские столбцы, № 1, лл. 1—2.

²⁵ Хивинские столбцы, № 1, лл. 2—4.

²⁶ Памятники дипломатических., т. 2, стр. 165.

²⁷ Бухарские столбцы, лл. 7—12.

²⁸ Хивинские столбцы, лл. 343—355.

²⁹ Балхские грамоты, № 1, лл. 1—20.

³⁰ Хивинские столбцы, лл. 56—57.

³¹ Хивинские столбцы, л. 94.

³² Бухарские столбцы, л. 97—98.

³³ МИУТТ ССР, стр. 211.

³⁴ Хивинские столбцы, л. 251.

ган³⁵. 1680 йилда хивалик савдогарлар Астрахандан 105 та қизил чарм, 55 газ мовут, бир неча минг дона нина, 10 қоп ун ва бошқа молларни олиб кетганлар³⁶. Астраханга ўрнашган рус давлатига тобе хивалик ва бухороликлар рус молларини Урта Осиё шаҳарларига олиб боришган³⁷. XVII асрнинг 70—80-йилларида Урта Осиёга олиб келинган рус молларининг миқдори ва турлари ҳақидаги маълумот (3-жадвал) қуйида келтирилган³⁸.

3-жадвал

1678, 1681 йилларда	1687, 1688 йилларда
6 тўп, 11 половинок ³⁹ ва 306 газ мовут, 23 половинок ва 29 газ инглиз мовути, 27 газ ва 4 половинок немис мовути, 200 газ кўк рангли мовут, 5 газ қизил мовут; 8 газ паст навли мовут, 7 половинок ва 2 тўп жун газлама, 24 телпак ва 70 вершков ⁴⁰ телпакли қизил мовут.	49 телпак, 170 вершков, телпакли мовут, 3 чакмон; 136 мўйна телпак, 101 вершков, 2 половинок, 9 тўп ва 8 газ турли мовутлар

Ушбу маълумотлар Урта Осиёга фақат рус мовутларигина эмас, балки инглиз мовутлари ҳам олиб келинганлигини кўрсатади. Рус моллари ичида тайёр кийим-кечаклар жуда оз қисмни ташкил этар эди. Уша вақтларда Урта Осиёга олиб келинадиган рус моллари орасида чарм ва мўйна (4-жадвал) ҳам бўлган.

Бу жадвалдан кўриниб турибдики, Урта Осиёда рус чармларига талаб катта бўлган. Шунингдек, Урта Осиё шаҳарларига мўйналар асосан Сибирдан олиб келинганлиги учун уларнинг миқдори унчалик кўп эмас. Юқорида кўрсатилган моллар билан бир қаторда челақ, товоқ ва бошқа идишлар (айниқса, ёғочдан қилинган идишлар) кўплаб олиб келинган. Масалан, 1678, 1681 йилларда 37470, 1687, 1688 йилларда 24200 ёғоч идишларнинг Урта Осиёга келтирилганлиги маълум.

³⁵ Архив ЛОИИ АН СССР, ф. 178, Астраханская приказная палата, оп. 1, № 1946, л. 1—2.

³⁶ Архив ЛОИИ АН СССР, ф. 178, Астраханская приказная палата, оп. 1, № 7, л. 1.

³⁷ Уша архив, 1—2, № 1797.

³⁸ Жадвал Астрахань божхона ҳужжатлари асосида тузилган. МИУТ ТССР, стр. 364—370.

³⁹ Мовутнинг бир тўпи, тахминан 20-25 газ.

⁴⁰ Узунлик ўлчови (4,4 см). Юпқа, кўк йўлли қизил мовут.

Шунингдек, Урта Осиёга нина, тўғнағич, мих, қоғоз, ойна, мунчоқ ва бошқа шу сингари рус моллари (5-жадвал) келтирилган.

Бинобарин, Урта Осиёга, айтиқса, нина, мих кўплаб жўнатилган.

Юқорида биз фақат руслар томонидан Урта Осиёга юборилган молларни санаб ўтдик, холос. Агарда Астраханга келган ўрта осиеликларнинг олиб кетган молларини ҳам ҳисобга олсак, у вақтда Урта Осиёга олиб кетилган рус молларининг ҳажми юқорида баён этилганга нисбатан кўп бўлиб чиқади. Гарчанд юқорида шарҳлаб ўтилган мисоллар Урта Осиёга олиб кетилган рус молларининг маълум қис-

4-жадвал

1678, 1681 йилларда ⁴¹	1686, 1688 йилларда
3594 қизил чарм, 60 1/2 кийик териси, 29 1/2 қундуз, 6 қундуз кийикми, 89 олмахон мўйнаси, 42 қуён мўйнаси, 108 порешень ⁴² , 7 олмахон мўйнасидан қилинган пўстин.	3349 қизил чарм, 75 қундуз териси, 166 қундуз, 2 олмахон мўйнаси, 350 порешень, 8 пўстин, 2 қуён териси, 28 пўстин, 20 савсар.

минигина ўз ичига олган бўлса-да, лекин биз рус молларининг турлари ва миқдори ҳақида маълум тушунча ҳосил қилдик.

Шуни кўрсатиб ўтиш лозимки, ўрта осиеликлар Волга-Каспий йўли бўйлаб Кавказ, Эрон ва бошқа жойларда ўз моллари ва, ҳатто, рус моллари билан савдо қилганлар. Масалан, 1615 йилда бир гуруҳ бухороликлар газлама билан Теркадан Астраханга жўнатилган⁴³. Савдогар Ф. Котов ўзининг 1623 йилдаги саёҳатномасида Шемахада савдо анча ривожланганлигини ва у ерда бухороликларнинг қарвон саройи борлигини ёзган⁴⁴. 1688 йилда бир гуруҳ ўрта осиеликларнинг мовут, қизил чарм, ёзув қоғози сингари рус моллари билан Астрахандан Шемахага кетганлиги архив ҳужжатла-

⁴¹ Қимматбаҳо мўйнали дарё ҳайвони.

⁴² 1678 йилда 500 нина, 200 қутича майда мих, 13 ойна ва бошқа моллар Урта Осиёга юборилган эди.

⁴³ Архив ЛОИИ АН СССР, ф. 178, Астраханская приказная палата, оп. 1, № 225, л. 1.

⁴⁴ «Хождение купца Федота Котова в Персию», М., 1958, стр. 72.